

✦ ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ ✦

Жалолiddин
РУМИЙ

МУҲАББАТ
МАЪВОСИ



ТОШКЕНТ – «O‘ZBEKISTON» – 2013

УЎК: 821.512.133-1

КБК 84 (5)1 - *Осиё адаб.*
P-88

Форс-тожик тилидан

Эргаш ОЧИЛОВ таржимаси

Жаҳон сўз санъатининг забардаст намояндаларидан бўлган Мавлоно Жалолиддин Румий Шарк шеърятининг доврўғдор жанрларидан бири рубойда ҳам маҳорат билан қалам тебратган ва ўзидан 1994 та рубой қолдирган. Ориф шоирнинг ушбу тўплами ана шу салмоқли меросдан танлаб таржима қилинган рубойлар асосида тартиб берилди.

ISBN 978-9943-01-936-2

*N1 31824
281*

Alisher Navoiy

nomidagi

O'zbekiston MK

2014/8

*A
648*

«O'ZBEKISTON» НМИУ, 2013



РУМИЙ РУБОЙЛАРИ

Рубой – Шарк мумтоз суз санъатининг етакчи ва машҳур жанри. Мумтоз адабиётда рубой ёзмаган қалам соҳиби йўқ ҳисоби. Умар Хайём, Абусаид Абулхайр, Шайх Рубой, Важеҳий Аҳсиқатий, Саҳобий Астрободий қабилар фақат рубой жанрида қалам тебратган бўлсалар, Фаридиддин Аттор, Авҳадиддин Қирмоний, Бобо Афзал, Файзи Фаёзийлар махсус рубой китоблари яратганлар. Масалан, Аттор дўстлари хоҳишига кўра, «Мухторнома» номи алоҳида рубойлар китобига тартиб беради ва уни мавзулар бўйича 50 бобга ажратиб, унга 3000 та (баъзи маълумотларга кўра 5000 та – кейинчалик турли сабабларга биноан уларнинг кўпчилигини муаллифнинг ўзи йўқотиб юборган) рубой киритган. Абулмаоний, яъни «Маънолар отаси» номи билан донг таратган Мирзо Абдулқодир Бедил рубойлари 3861 та бўлса, забардаст тасаввуф олими Абдуллоҳ Ансорийга 2000 дан зиёд, султон ул-орифин Абусаид Абулхайрга 720 та, шайх ул-олам Сайфиддин Бохарзийга 650 та рубойни нисбат берадилар. Авҳадиддин Қирмонийнинг рубойлар тўплами 1807 та рубойни

ўз ичига олади. Амир Хусрав Дехлавий рубоийлари 700 тадан 1000 тагача деб кўрсатилади. Камолиддин Исмоил ижодида 867 та, Ҳакий Санойй адабий меросида 537 та, Бобо Афзалда 483 та рубоий бор.

Ўзбек адабиётида адабий, тарихий ва илмий асарлар таркибида келган намуналар билан кўшиб ҳисоблаганда Алишер Навоий 700 га яқин рубоий ёзгани маълум бўлади. Захириддин Бобур рубоийлари ҳам 200 дан ошади. Убайдий тахаллуси билан ижод қилган Бухоро хони Убайдуллохон «Куллиёт»идан 850 га яқин рубоий ўрин олган.

Шарқ адабиётида рубоийнинг қанчалик катта ўрин эгаллаганлигини шундан ҳам билса бўлади.

Мавлоно Жалолоддин Румий (1207–1273) ҳам сермахсул рубоийнавислардан бири бўлиб, унга нисбат берилган рубоийлар адади икки мингдан ошади. Лекин кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида улар орасидан бошқа шоирлар ижодида ҳам учрайдиган сайёр, шунингдек, такрор, ўхшаш рубоийлар чиқариб ташланиб, икки жилдлик «Куллиёт»ига 1994 таси киритилди. Ҳали ҳам улар орасида сайёр, такрор ва ўхшаш рубоийларга оз бўлса-да дуч келамиз. Биз уларни матн ости ҳаволасида кўрсатдик. Айни пайтда, араб тилидаги бир неча рубоий ҳам мавжуд. Бу рубоийлар самоъ (арабча: эшитиш – бунда аввал нотик томонидан сўфиёна мазмундаги рубоийлар ўқилган. Кейин хушовоз хонандалар томонидан улар соз иш-

тирокида кўшиқ килиб куйланган) мажлисларида бадиҳа тарзида ижод қилинган.

Маълумки, тасаввуф таълимотига кўра Олам ҳам, Одам ҳам ишқ туфайли яралган, ишқ туфайли барқарор ва бир куни адам сари юз тутса, бунга ҳам ишқ сабаб. Зеро, улар Аллоҳдан вужудга келган – ажралган эди ва яна бориб Аллоҳга кўшилади, унга сингиб, бир бутун бўлиб кетади. Банданинг Аллоҳ сари сайри ишқ туфайли амалга ошганлигидан тасаввуфда ишқ камолот калити ҳисобланади. Чунки ишқ бу – илоҳий ўт, у қайси кўнгилга тушса, уни поклайди, дунё алойиқлари, нафс хархашалари, жисм ташвишларидан халос этади. Зоҳирий боғлиқликлардан қутулган кўнгил эса Аллоҳ жамоли жилваланадиган шаффоф кўзгуга, илоҳий маҳбуба ташриф буюрадиган Аршга айланади. Шунинг учун ҳам Саҳл Тустарий: «Дил – Арш, кўкрак курсидир», – деган эди. Шунинг учун ҳам мутасаввиф шоирлар: «Ишқ – бизнинг йўлбошчимиз», «Ишқ – қалбдаги гавҳаримиз», «Ишқ – бизнинг қисматимиз», – дейдилар. Буюк Жалолиддин Румий ўз рубоийларидан бирида: «Мени она эмас, ишқ тукқан!» – деган эди:

Ишқ ул – тоқи халқ учун саодат бўлсин!

Ишқ ул – бу саодат то қиёмат бўлсин!

Ул ишқ мени тугди аслида – она эмас.

Ул онага минг таҳсину раҳмат бўлсин!

Бугун биз биламизки, бу дунё оламнинг ўзаро тортишиш кучлари туфайли пойдор. Сўфийлар нуктаи назарига кўра эса оламнинг уйғунлиги, коинотнинг мунтазамлиги ишқ туфайли. Улар «тошнинг ерга тушишини ҳам, сайёраларнинг куёш атрофидан айланишини ҳам ишқ билан изоҳлашади»¹.

Бошқа бир рубойида эса «Жон мисли Хизр, ишқ эса оби ҳаёт» дейди. Яъни Хизр оби ҳаётни – мангулик сувини излаганидай, жон ҳам ишққа интилади.

Хизр – ер остидан оби ҳаёт – тириклик сувини излаб топган ва ундан ичиб, абадий ҳаётга ноил бўлган пайғамбар. Алишер Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида маълумот беришича, Тангри таоло Хизрга илми ладунийни ато этган бўлиб, ҳайвон суви деганда шу нарсага ишора қилинади². Ладуний илмга саъй-ҳаракат билан етиб бўлмайдиган, у Аллоҳ томонидан ўзи хоҳлаган бандасига бериладиган илоҳий илмдир. Маълум бўладики, Хизрнинг абадий ҳаёт соҳиби эканлиги ҳам аслида унинг илоҳий илмлар соҳиби бўлганлиги билан изоҳланади.

Жон ҳам илоҳий. У ўзининг яратувчисига интилиши табиий. Бу эса ишқ воситасида амалга ошади.

¹ *Физи Р. Жалолиддин Румий (Русчадан Ж. Камол таржима-си). Т.: Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. 86-бет.*

² *Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. XX жилдлик. 16-жилд. Т.: «Фан», 2002. 129-бет.*

Мутасаввиф шоирнинг жон ва ишқни Хизр ва оби ҳаётга қиёслаши шундан.

Яна бир рубойсида «Жисминг тегирмону унинг суви – ишқ», – деб ёзади. Бу билан жисм тегирмонини ишқ суви юргизади демоқчи шоир. Сув бўлмаса, тегирмон ишламайди. Шунга ўхшаб, инсон ҳам ишқсиз мавжуд бўлолмайди.

Ишқ – яратилиш асоси.

Ишқ – тириклик тақозоси.

Ишқ – ҳаёт моҳияти.

Ишқ – умр мазмуни.

Бир рубойсида маъшуқага, ҳатто оби ҳаёт деб мурожаат қилади:

*Эй оби ҳаёт, қай зи марғ андешад,
Он қас, қи чу Хизр ғашт худ зиндаи ту.*

«Эй оби ҳаёт, қимқи Хизр қаби сендан ичиб, мангу ҳаётга ноил бўлган бўлса, унда ўлим хавфи нима қилсин?»

Ҳа, илоҳий ишқдан баҳраманд бўлган абадий умр топади.

У ишқни маъшуқа, ҳатто Холиқи мутлақ деб аташгача бориб етади:

*Эй ишқ, ҳақиқатда менга сен маъшуқ,
Сен Холиқи мутлақсану мен махлуқ.
Кўнгиш кўзи кўр ноқас мунқирлар учун
Юқсак кўтарарман сени мен то Айюқ.*

Бу ерда Айюк – сомон йўлининг ўнг тарафида жойлашган юлдуз. Айюкка етказиш – баланд кўтариш, фалак авжига юксалтириш.

Таникли тожик олими Аълохон Афсаҳзод шоир рубоийлари асосан ошиқона, фалсафий ва панднасихат руҳида, халқона содда тилда ёзилганлигини таъкидлаб ўтган эди¹. Бизнингча, уларни диний, тасаввуфий, ишқий, фалсафий, ҳаётий ва панднасихат мавзуидаги рубоийлар тарзида тасниф қилиш мумкин.

Маълумки, Мавлоно диний илмлар билимдонни, шариат олими эди. Кейинчалик мажзуб сўфий Шамсиддин Табризий таъсирида тасаввуф йўлига кириб, тариқат пирига айланади. Лекин тасаввуфнинг ҳам илк босқичи шариат эканлигини назарда тутсак, комил мусулмон бўлган бу зот ижодида диний йўналишдаги рубоийлар етакчи ўрин эгаллаши ўз-ўзидан аён бўлади. Бундай рубоийларда икки олам соҳибининг зоту сифатлари таъриф-тавсиф қилиниб, Ҳақ йўлига даъват этилади; Аллоҳ – Олам – Одам муносабатлари хусусида фикр юритилиб, инсонлик моҳияти ўзини англаш, дунёни билиш ва илоҳий маърифатга етишдан иборат эканлиги бадий-тимсолий усулда талкин қилинади. Ўзининг исломий эътиқодда собитлиги-ю, асарларининг диний замини мустаҳкамлиги тўғрисида қатъият билан шундай дейди:

¹ Афсаҳзод А. Ҳазинаи хирад // Суннатҳои устувор ва навпардозҳои эҳодкор. Душанбе. «Дониш», 1989, саҳ. 97.

*Ман бандаи Қуръонам агар жон дорам,
Ман хоки дари Муҳаммади мухторам.
Гар нақл қунад жуз ин кас аз гуфторам,
Безорам аз ў в-аз ин суҳан безорам.*

*Мен бандаи Қуръонман то жоним бор,
Пайғамбар эшиги тупрогиман зинҳор.
Қим бошқача бир талқин этса изҳор,
Мен унинг ўзию ҳам сўзидан безор.*

Бошқа бир рубоийсида эса олам Аллоҳ таоло-нинг бекиёс ҳусни зиёсидан равшан – факат уни кўриш учун маърифат нуридан чароғон кўнгиш кўзи керак дейди:

*Ҳуснидан Унинг равшану олам, сенинг
Бу нурни агар кўрмаса кўзинг, не қилай?!*

Мутасаввиф шоирнинг тасаввуфий мазмундаги рубоийларининг бир қисмида бу таълимотнинг моҳияти, фалсафий асослари ва назарий қоида-талаблари назмий талқин қилинса, бир қисмида тариқат йўлининг афзаллиги ва нозикликлари, риёзат босқичларини босиб ўтиб, камолот касб этаётган солиқнинг фикр-мулоҳазалари, туйғу-кечинмалари тасвирини кўраемиз.

Шу тариқа мутасаввиф шоирнинг образли тафаккур тарзига кўра инсоннинг феъл-атвори – унинг сояси: Ҳақ нурини ундан тўсади; ишк – ҳаёт чашмасидан сув ичмоқ бўлса, ёр суҳбати – дилу жон сайкали; ўзидану ўзгадан ғолиб бўлган киши-

нинг ўзи маъшукка айланади; дилу жон сира бирга бўлишни истамайди; бу дунё зулматидан халос бўлсак, Хизр ҳам, оби ҳаёт ҳам ўзимиз бўламиз; жаҳондаги дарёлар – ёр дарди қадахидан тўкилган бир томчи; кўнгилни азал ишқи ғазалхон қилади; Ҳақ йўлига кирган йўлчининг озиғи фақр бўлиши керак; май – илоҳий ишқ тимсоли бўлганлиги учун ҳам ошиқлар мазҳабида у ҳалол; Ҳакни таниган боқий ҳаётга ноил бўлади; дилу жону тан – Ҳақ йўлида парда; таннинг мағзи ҳис бўлса, ҳиснинг мағзи жондир; ёр ишқи ғами бир пинҳон хазина; саодат юлдузи аслида жон ичра пинҳон; бу жаҳон ошиқ вужуди туфайли пок бўлади; Ҳақнинг ўзи ишқ гавҳарини ранж ичра яширган ва ҳоказо.

Табийки, бу мавзудаги рубоийларнинг катта қисми илоҳий маҳбуба васфи ва ишқи тараннумига бағишланган бўлиб, айна жиҳатдан ишқий рубоийлар билан муштаракликка эга.

Бу рубоийларда тасаввуф шеъриятининг кўплаб нозик нукталари, асосий тимсол-тушунчалари моҳияти очиб берилади. Айтайлик, бир рубоийсида маъшука бир баҳона бўлиб, маъбуд аслида Худонинг ўзи дейиш билан тасаввуф шеъриятининг Бош қаҳрамони масаласига ойдинлик киритади. Ақл тасарруфидаги нарсалар ишқ оламига ётлигини таъкидлаш билан ишқнинг фаолият майдони кўнгил эканлигига эътибор қаратади. Ёки тавҳид бу – ўздан кечиб, Ҳаққа етишдир деганда, тасаввуф шеъриятининг асосий тушунчаларидан бири бўлган илоҳий бирлик ғоясининг асл маъносини

бир мисрада аён этади. Бир рубойсида бутхонаю мадраса бир мажоз эканлигини айтган шайх-шоир бошқасида бу масалани янада кенгрок тушунтиради: сўфий – кўнгил тимсоли бўлса, хирка – унинг жисми, олам бир хонақоҳу пир – Ҳақнинг ўзи!

*Бутхона ясарлар ҳар тарафда, билсанг,
Бутхона ўзи бу дунё бўлгусидир.*

Дунё гўзали ва илоҳий маҳбубани ўзаро қиёслаб, улар ўртасидаги фарқни шундай кўрсатади:

*Бермайди бу йўлда хонаки маъшуқа иш,
Ноз қилса-да, чунки у, вафо қилмас эмиш.
Чин маъшуқа ошиққа қабр огзида ҳам
Очгуси фалак эшигини пешма-пеш.*

Шоир бир қатор рубойларида оламнинг моҳияти, ҳаёт мазмуни, инсон умрининг маъносини фалсафий идрок этишга уринади. Жумладан:

*Кишти чу ба дарёи равон мегузарад,
Мепиндорад, ки найситон мегузарад.
Мо мегузарем зи ин жаҳон дар ҳама ҳол,
Мепиндорем, ки ин жаҳон мегузарад.*

Мазмуни: «Тезоқар дарёда сузаётган кайикнинг наздида камишлар чопаётгандай туюлади. Аслида камишлар жойидан кўзғалмай турибди, балки кайик манзил сари елаяпти. Шунга ўхшаб, биз ҳам нукул бу дунё ўтади деймиз, ҳолбуки, дунё эмас, аслида биз ўтамиз».

Аскад Мухторнинг «Ўтар-кетар» номли шеърида ҳам айна шу фикр талкинини кўрамыз:

*Умргузаронлик кўҳна ақида,
Аслида вақт эмас, бизлар ўтамыз.*

Ўзи бу дунёда айтилмаган гап колмаган, биз фақат уларни янгича шаклда такрорлаймиз, холос. Румий айтган фикрнинг 700 йилдан кейин А. Мухтор ижодида бошқа бир тарзда учраши бунинг ёркин мисолидир.

Мавлоно Жалолиддин Румий илоҳий ишқ куйчиси, маърифат асрори нозими бўлса-да, унинг ижоди мавжуд воқелик тасвири, ҳаётий мавзулар талкинидан ҳам холи эмас. Мисол учун, куйидаги рубойида унинг якин кишидан жудолик алами ўз аксини топган:

*Бир куни санам қабрига бордим мен зор,
Гуллар очилиб қабрида, бўлмиш гулзор.
Тупроққа дилим амрини этдим изҳор:
«Дилдори вафодоримни асра зинҳор!»*

Мана бу рубойи эса халқ ичида машҳур ёмон кўздан сакланиш, ёмон кўз тегмаслигини тилаш ҳақида:

*Гул чеҳрангдан ҳамиша гулшан эдим-ей,
Кўзингга қараб, кўзлари равшан эдим-ей.
«Бўлсин, – дер эдим, – узоқ ёмон кўз сендан,
Ул кўзи ёмон, наҳотки, ёр, ман эдим-ей?!»*

Шарқнинг барча буюк сўз санъаткорлари каби Румий ижодида ҳам панд-насиҳат етакчи ўрин тутади. Дидактик руҳдаги рубойларида у инсоннинг камолотга эришишига хизмат қиладиган эзгу фазилатларини улуғлаб, уни Ҳақ йўлдан чалғитадиган, тубанлаштирадиган қусур ва иллатларни танқид қилади. Чунончи, куйидаги рубойида инсонлик шарафи поклик, ҳалоллик ва илм ўрганиб, комилликка эришишда эканлигини таъкидлайди:

*Гар истар эсанг, ҳамиша хуррам бўлсанг,
 Етса қадаминг қайга, мукаррам бўлсанг,
 Пок бўлу ҳалол яшаю илм ўргангил,
 То тожи башар, Ҳазрати Одам бўлсанг!*

Маълумки, мумтоз адабиёт жанрлари асрлар давомида шаклланиб, ўз такомиллига эришган. Шулардан бири рубойий бўлиб, у фақат ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб вазнларида – уларнинг 24 тармоғида ёзилади. Бошқа ҳар қандай ўлчовга солинса, у рубойий эмас, қитъа ёки тўртлик деб аталади. Ўзбек адабиётида ҳам рубойий вазнлари фаол қўлланилгани, Навоий, Бобур, Убайдий, Мунис, Огаҳийлар жанрнинг устодлари даражасига кўтарилганликлари, бинобарин, халқимизга бу жанр ҳам, вазн ҳам бегона эмаслигидан келиб чиқиб, биз Румий рубойларини ўз анъанавий вазнида таржима қилишни лозим топдик. Ўйлаймизки, арузда яратилган бой мумтоз мерос ворислари бўлган диди баланд ва таъби но-

зик ўқувчиларимиз бизнинг бу интилишимизни кўллаб-қувватлайдилар ва муносиб баҳолайдилар.

Румий рубойларидан намуналар hozirгача Шоислом Шомухамедов, Жамол Камол, Шафика Ёркин ва ушбу сатрлар муаллифи томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Лекин улар салмоқли ҳажмда ва алоҳида тўплам шаклида илк марта нашр этилаёпти. Бунда биз асосан шоирнинг Эронда икки жилда нашр этилган «Куллиёт»и ҳамда Тожикистонда чоп қилинган «Рубоиёт» тўпамидан¹ фойдаландик. Ҳассос шоирнинг рубойлар оламига саёҳатингиз кўнгилли кечишини тилаймиз, азиз китобхон!

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

¹ Қаранг: *Мавлоно Жалолiddин Муҳаммад Балхий. Девони Шамс Табризий. Иборат аз. 2 жилд. Бо мукаддимаи Бадель-уззамон Фурўзонфар. Техрон, 1381 (ҳижрий-шамсий); Жалолiddин Румий. Рубоиёт. Душанбе. «Ирфон», 1984.*



РУБОИЙЛАР

1

Яшнаб, очилиб, менга қараб келдингми?
Макрингни табассумга ўраб келдингми?
Ул кун кетиб эрдинг-ку олиб қалбимни,
Бул кун яна жонимни сўраб келдингми?

2

Ишқ ул – токи халқ учун саодат бўлсин!
Ишқ ул – бу саодат то қиёмат бўлсин!
Ул ишқ мени туғди аслида – она эмас,
Ул онага минг таҳсину раҳмат бўлсин!

3

Биз ошиқи ишқмиз-у, мусулмон бошқа,
Биз заиф чумолимиз, Сулаймон¹ бошқа.
Биздан сўра куйган дилу сомон юзни,
Ким савдо қилар мол ила – дўкон бошқа².

¹ *Сулаймон* – шон-шавкатли подшоҳ ва пайғамбар. Унинг мол-мулки ҳад-ҳисобсиз бўлган. Унга Худонинг сирли ва муқаддас исми – Исми аъзам маълум бўлган ва бу исм унинг сеҳрли узугига нақш қилинган. Бу узук воситасида у нафақат одамлар, балки хайвонлар, қушлар, барча инсу жинсларга, табиат ҳодисаларига ҳам ҳукмини ўтказа олган.

² Бу рубой Низорий Қаҳистонийга ҳам нисбат берилади.

4

Ўтган кеча мен эрдим-у, жон махрами боз¹,
 Мендан хама зор эрди-ю, ундан хама ноз.
 Тун ўтди-ю, етмади бироқ сўнгига сўз,
 Тунда не гуноҳ, бўлса узун дилдаги роз?!²

5

Ул ёр хавасида дил рубобдир, рубоб,
 Ишқ ўтида коврилиб кабобдир, кабоб.
 Дардим эшитиб, этса сукут дилдорим,
 Шул жимлиги менга минг жавобдир, жавоб.

6

Қил яхшилик – яхшиликни билгай дунё,
 Пойдордир у яхшилик туфайли танҳо.
 Мол қолди-ку ҳаммадан, қолар сендан ҳам,
 Қолдирди бахил – мол, яхшиликни – доно.

7

Ишқинг ўтидан жўшгуси ёшлик қони,
 Кўксимда жамоли жонланар Лайлони.
 Ўлдирсанг агар ўлдир – ҳалолинг бўлсин,
 Ёр қўлида ўлса, боқий ошиқ жони!

¹ Б о з – яна, қайта, тагин.

² Бу рубой Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

8

Ишқингда ғам ичра ушладим кўнгилни,
 Ҳар лаҳза изингга бошладим кўнгилни.
 Ел менга олиб келди бугун бўйингни,
 Шукр этдим-у, елга ташладим кўнгилни.

9

Оламда вафоси йўк киши кам бўлсин!
 Ҳар бир куни бевафони(нг) мотам бўлсин!
 Ёд этмади ғамдан ўзга ҳеч кимса мени,
 Минг таҳсину раҳмат сенга, эй ғам, бўлсин!


10

Ногоҳ эшигим ҳатлади ул дилбари маст,
 Ўлтирди, май ичди, ушалиб мангу ҳавас:
 Ёр сочини кўрибу тутиб, ох, у нафас,
 Айланди юзим кўзга, кўзим қўлга абас¹.

11

Дилтангман-у, дийдори эрур дармоним,
 Ойдек юзи бўлмаса, замон – зиндоним.
 Ҳеч дилга яқин келмасин-у, ҳеч танга –
 Ул кайғуки, ҳижронида топди жоним.

¹ Абас – беҳуда, бекор. Бу қанда: тамом маъносиди. Бу рубойи Айнулкузот Ҳамадонийга ҳам нисбат берилган.



12

Бизнинг бу азобларга сабаб тамаъи хом,
 Ҳалқум ғами, хою ҳавасу ҳирси харом.
 Кўз ташла-ю тўрқовоққа, фикр айла: мудом –
 Бир дон ила қуш қисмати ҳал бўлди – тамом!

13

Жон менга ҳабиб¹ эди – бегона эмиш,
 Ақл менга табиб эди – девона эмиш.
 Вайронаки бор, ганж ила бўлгай обод,
 Вайрона дилим ганж ила вайрона эмиш.

14

Ҳар сўзи билан кишини ёр ўлдиргай,
 Ғамхўрлиги сени неча бор ўлдиргай.
 Дўст тутма мени, майлига, душман сана,
 Ким душманини шунчалик зор ўлдиргай?!

15

То тушди сенинг юзингга бир лаҳза кўзим,
 Қон йиғламаган кунимни билмайман ўзим.
 Сенсиз май² ичар эсам – заҳар бўлсин ўша,
 Сенсиз япасам – келсин ўлим менга шу зум.

¹ *Ҳабиб* – дўст, ўрток, севиқли.

² *Май* – тасаввуф адабиётида илоҳий тажаллий тимсоли, ишк ва ирфон (маърифат) рамзи бўлиб келади. Шунга мувофиқ, мастлик илоҳий маърифатдан хузурланишни, маънавий заък дарёсига гарк бўлишни билдиради.

16

Ёр едини килсам, юрагим гуп-гуп урар,
 Ҳар лаҳза кўзимдан қонли ёш тўкилар.
 Ҳар ерда агар ёр хабари менга етар,
 Бечора дилим куш каби кўксимдан учар.

17

Келган эди кеча лутф этиб дилдорим,
 Мен тунга дедим: «Айлама фош асрорим».
 Тун килди жавоб: «Бўлса куёш сен бирла,
 Мен тонгни олиб келай қаёқдан, ёрим?!»

18

Бўстону баҳору сарви оли(й), эй жон,
 Ҳеч ерда бунинг борми мисоли, эй жон,
 Ёп аста эшикни-ю, юзинг оч, эй жон,
 Мен борман-у, Сен ҳам хона холи, эй жон!

19

Эй, султонун фахри хама дилдорларнинг,
 Жолинусисан¹ ишк ила беморларнинг.
 Биз жам бўламиз ул Куни бўстонингда,
 Жам бўлгани соз эмиш у Кун ёрларнинг.

¹ Жолинус – буюк ҳақим Гален (130–200 йилларда яшаган).

20

Кун келди – сенинг ғавғонг унинг қошинда,
 Тун келди – сенинг савдонг унинг бошинда.
 Менман ўша: дардим юкини тортолмас
 Тун-кун деган икки ланг эшак очунда!¹

21

Бир ғавҳар эдик азалда, жоно, сену мен,
 Ошқору ниҳонимиз бир – ошно сену мен,
 Хомлик бўлади, десанг, бу асно: сену мен,
 Кўр: қолмади-ку ўртада асло сену мен?!¹

22

Ошиққа ёғар дунёда бор дарду бало,
 Ҳар кимки гирифтори ишқ – йўқ унга даво.
 Дармон эмас ишққа на хасислик, на риё,
 Ишқ эрса ҳақиқий, на вафою, на жафо.

23

Бу танг дил аро шўру² хаяжон нимадан?
 Ишқ ичра қадим эгик, кўзим кон нимадан?
 Кўксим ичида телба дилим ҳам туну кун
 Жанжал қилади мен ила ҳар он нимадан?

¹ *Очун* – дунё, олам.

² *Шўр* – ғавғо, тўполон.

24

Эй тун, шодсан, менга-да шодлик бер мўл,
 Сен умри узокликда киёмат каби бўл!
 Ёр сувратидан ўт ичра қолмиш ёдим,
 Ёд айлама, эй ғам, мени – бўлгайсан кул...

25

Ишк дардига дилни мубтало истарман,
 Жонни у бало ўкига жо истарман.
 Умримки, кўйингда оҳ уриб ўтмаса гар,
 Дил қонига ботганча қазо истарман.

26

Ёр келар эрди масту танҳо-танҳо,
 Кўзи тўла ноз-ишваю раъно-раъно.
 Тўсдим йўлини бўса олай, деб лабидан,
 Фарёд кўтарди ўша: «Яғмо-яғмо!»¹

27

Тундан мурод улки, махв² ўлиб бегона,
 Хилватда қилар васл ошиқи фарзона³.
 Бул кеча, чунончи, хосу ой – ҳамхона,
 Мен – мастману ой – ошиғу тун – девона.

¹ Яғмо – талон-горож, ғорат.

² Махв – йўқолиш; йўқотиш.

³ Фарзона – оқил, доно, донишманд; яғона, тенгсиз.

28

Эй бода¹, ўзинг адлни бунёд этасан,
 Бир жом² ила минг бандани озод этасан.
 Сен борки, мудом кўзим куёшдек равшан,
 Сен борки, ситамга тўлса дил – шод этасан.

29

Сен ҳар кеча тушимда бўларсан пайдо,
 Тонг отдими, бас, кун бўйи дилда ғавғо.
 Фил бандини узди туш кўриб Ҳинд элини,
 Фил тоқати бизларда топилмас асло.

30

Кўзингдан ўлим топгуси минг бир дилдор,
 Ўлдиргуси оҳ-нола ила ҳаммани зор.
 Ўз душманини дорга осадӣ шоҳлар,
 Бедор кўзинг эса ўлдиради бедор.

31

Ишқ ичра писанд эрмас минг бир дилу жон,
 Жон ўзи не, сўзин эсламас ҳеч инсон.
 Бу йўлни ўтарда ҳар кадам босса киши,
 Юз жон берар-у, ортига боқмас бир он.

¹ *Бода* – май, шароб, маст қилувчи ичимлик.

² *Жом* – қадах, пиёла, коса. Жом ва унинг маънодошлари тасаввуфда маърифат зиёсига лиммо-лим кўнгили маъносида келади.

32

Кўнглимда ўшал сулувни то сурати бор,
Оламда топилмас мен каби бахтиёр.
Шодликдан ўзга бир ҳаётни билмам,
Ғамни эшитиб, кўрмадим ўзин зинҳор.

33

Лутф этса чақир тошга – у жонона бўлар,
Бир лаҳзада ишвалари мастона бўлар.
Кўш кокилининг занжири зоҳир¹ ўлса,
Луқмони ҳақим² мажнуну³ девона бўлар!

34

Устингдаги ким – билармисан, эй эшшак?
Чарх узра оёк қўй – у паридир бешак.
Офтобни уялтирар эди ҳусн ичра
Умринг бўйи сен кўтарганинг нозли малак.

35

Эй хаста кўнгил, дардингга малҳам келди,
Шод бўл, кани, кутганинг ажиб дам келди.
Ошиқлари дардига даво бўлгучи ёр
Оламга бўлиб мисоли одам келди.

¹ *Зоҳир* – 1) кўриниб турган, очик, ошкор, аён; 2) ташқи кўриниш, сирт, юза.

² *Луқмони ҳақим* – Эроннинг каёнийлар сулоласига мансуб шох Кайқубод даврида ятаб ўтган машҳур табиб ва донишманд. Ривоятларга кўра, Луқмони ҳақим минг йил умр кўрган бўлиб, Аллоҳ у зотга нарсалар ва воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятига етиш ва энг тўғри ҳукм чиқариш қобилиятини ато этган.

³ *Мажнун* – 1) телба, девона; 2) ошиқ, мубтало, гирифтор.

36

Сен бокма нечоғлик зуфунун¹ келгай мард,
 Бок: ахду вафо ичра нечун келгай мард?
 Гар ахду вафо ичра бутун келгай мард,
 Ҳар канчаки мактасанг, фузун² келгай мард³.

37

Еллардан унинг пайгомини⁴ эшитаман,
 Ул булбули мастдан номини эшитаман.
 Бир нақш дил эшигинда кўрдим – тутмиш
 Овозаси дунё томини... эшитаман.

38

Ҳамроҳим экан ёр сурати то, эй дил,
 Бир умр ишим бўлар томошо, эй дил.
 Ҳар қайдаки, дил муроди ҳосил бўлмас,
 Минг хурмосидан бир тикан аъло, эй дил!

39

Монанди хилол⁵ бул кеча ҳар дилда талаб,
 Қилмоқчи у ҳам Зухра⁶ каби айшу тараб⁷.

¹ *Зуфунун* – илму хунар, фазилатлар соҳиби, донишманд.

² *Фузун (Афзун)* – ортик, зиёда.

³ Бу рубоий Умар Хайёмга ҳам нисбат бериллади.

⁴ *Пайгом* – хабар, дарак.

⁵ *Ҳилол* – 1) янги чиққан ой, уч кунлик ой; 2) маъшуканинг яримой шаклидаги қайрилма қоши.

⁶ *Зухра* – Венера сайёраси: уни фалак чоғувчиси дейдилар ҳамда гўзаллик, мусика, ракс ва шодлигу хурсандчилик тимсоли ҳисоблайдилар.

⁷ *Тараб* – шодлик, хурсандлик, айш-ишрат.

Келтирди жоним лабга у жон бергучи лаб¹,
Бул тун нима тун – ўзинг биларсан, ё Раб?!

40

Ким кам еса, у зийрагу ҳушёр бўлади,
Ким кўп еса, у аблаҳу бекор бўлади.
Нафсига ружу қўйса киши хор доим,
Ҳар кимсаки, кам еса, у кам хор бўлади!

41

Дил ичра, диловарим, дилафрўз сенсан,
Кўп дўсту яқинлар вале дилсўз сенсан.
Наврўзу ҳайит шавқи билан шод кишилар,
Бул кун мен учун ҳайиту Наврўз сенсан!

42

Ҳар нарсаки, кўп бўлса агар хор бўлади,
Хор бўлса муҳаббатга сазовор бўлади.
Ким қонё² – жаҳондан ўша безор бўлади,
Ёр жон баҳосида харидор бўлади.

43

Овози мудом дилда таманно³ бўлсин!
Овози мудом қувноғу гўё бўлсин!

¹ *Лаб* – сўфийлар истилоҳида маънавият оламидан анбиёга малаклар воситасида, авлиёга эса илҳом орқали нозил бўладиган калом. Пирнинг илоҳий маърифатга қон сўзи ва унинг мазмуни ҳам кўзда тутилади.

² *Қонё* – қаноат қилувчи, рози бўлувчи.

³ *Таманно* – орзу, истак, талаб.

Овози агар хаста эса – хастамиз-ей,
У мисли қамиш шакарга ошно бўлсин!

44

Эслаб сени маст ўлди дилим, жонона,
Ичмай майини синди тушиб паймона¹.
Чикдим кўчага на хушёр, на мастона,
Овоза таралди бўлди деб девона.

45

Бир-бирларидан қафасу қушлар озод,
Қайдансан-у, эй қуш, айт, нимадансан шод?
Келмоқда бақо² нафаси ҳар нолангдан,
Бўш келма, куйинг дилимни этди обод.

46

«Девона!» – дединг сен мени, эй жонона,
«Девонадан ақл изласа ким девона!»
Дединг: «Бу муомала недан нишона?»
«Кўзгу каби борни кўрсатар девона!»

¹ *Паймона* – май идиши.

² *Бақо* – абадийлик, мангулик. Тасаввуфда фанодан кейин келувчи сўнгги босқич. Бақога етиш учун солиқ дунёвий боғлиқликлардан тамомила озод бўлиб, руҳини юксалтиради ва бевосита Худони идрок этади. Бу босқичда у бир кўзи билан Худони ва иккинчиси билан дунёни баробар кўради.

47

Кўзингга боқиб, кўзингда кин кўргайман,
Энди не килайки, мен чунин кўргайман.
Офтобни кўй, у кўкда – сенга тенг келмас,
Ўзингни мен офтоби замин кўргайман.

48

Ўлсам, сира йиғламанг тутиб исмимни,
Ёримга бериб кўйинг менинг измимни.
Бўлманг сира хайрон – ўша бир бўса билан
Тиргузса менинг бу совиган жисмимни.

49

Ул ёрки, мени ўз ғамига боғлайди,
Сўнг писанд этмай, юрагим доғлайди.
Ғамгин эканим кўрса, у пинҳон-пинҳон
Ҳам ширин-ширин кулиб дилин чоғлайди.

50

Ишк аҳли гурунгида қарор ўзгачадир,
Бу севги шаробида хумор ўзгачадир.
Ул илмки, мадрасада бўлмиш ҳосил,
Бас, ўзгаю, ишқи гулъузор¹ ўзгачадир².

¹ Гулъузор – гул юзли, гўзал.

² Бу рубой Низорий Қаҳистонийга ҳам нисбат берилади.

51

Бул кеча мену, мен каби бир аҳволи танг,
 Боғ ичра тузиб давра, унга бердик ранг.
 Бор бунда шароб бирла кабоб ҳамда рубоб,
 Кошки бари йўк бўлса-ю, Сен бор бўлсанг!

52

Йўлида ниёзнинг¹ фард² бўлмоқ лозим,
 Пайваста³ харифи⁴ дард бўлмоқ лозим.
 Мардлик саналмагай васл излаб чопмоқ,
 Хижрон кунида ҳам мард бўлмоқ лозим.

53

Гулшанга киринг-у, сабзпўшларга⁵ қаранг,
 Ҳар ерда дўкон – у гулфурушларга қаранг.
 Ул гул кулиб айтар андалибларга⁶ сухан⁷:
 «Хомуш бўлинг-у, сиз у хомушларга қаранг!»

54

Байту ғазалим сув олди – гирдоб олди,
 Бор бўлса нимама – барини селоб⁸ олди.

¹ *Ниёз* – 1) эҳтиёж, муҳтожлик; 2) ялиниш, ёлвориш, илтижо; 3) аташ, назр қилиш.

² *Фард* – ёлғиз, якка, танҳо.

³ *Пайваста* – боғланган, уланган, туташган.

⁴ *Ҳариф* – 1) дўст, ёр, ҳамсухбат; 2) ракиб, ғаним.

⁵ *Сабзпўш* – кўк либосли, кўкка бурканган; шайх, сўфий.

⁶ *Андалиб* – булбул.

⁷ *Сухан* – сўз, гап, нутқ.

⁸ *Селоб* – 1) сел суви, тошкин; 2) кўз ёши.

Яхшию, ёмонлигим-у, покизалигим
Моҳтоб¹ бериб эрди-ю, моҳтоб олди.

55

Ишқингда бўлибман чинакам девона,
Уйқумни бузар қуш кокилинг, жонона.
Ул деди: «Етар, сўйлама кўп афсона,
Девонадан уйқу бўлади бегона!»

56

Най сўйлади: «мен ҳур эдим аслида, бироқ,
Ишратпешалар² урди-ю бағримга пичоқ,
Етказди улар танга – захм, жонга – фироқ,
Айб этма шу боис йиғласам гоҳи узок».

57

Дилдор зарифдир – гуноҳи шулдир,
Зебою латифдир – гуноҳи шулдир.
Борми сира айбики, кочурлар ундан?
Ул айбдан афифдир³ – гуноҳи шулдир.

58

Йўқ севгидан ўзга бир ҳамроз⁴ менга,
Аввал – Ўзи, охир – Ўзи, устоз менга,

¹ *Моҳтоб* – 1) ой, ойдин; 2) ойдай гўзал маҳбуба.

² *Ишратпеша* – ишратпараст.

³ *Афиф* – бу ерда: айблардан холи, иффатли, покдомон.

⁴ *Ҳамроз* – сирдош, якин дуст, улфат.

Ичдан беради бу жоним овоз менга:
«Эй севгида сусткаш одам, бўл мос менга!»

59

Жоно, бу кадим сифатин ул кошдан сўр,
Ошуфталигимни зулфи каллошдан¹ сўр.
Сўр хаста дилим холини тор оғзингдан,
Беморлигим ул наргиси бебошдан сўр.

60

Тинглаб овозингни мен хушовоза бўлай,
Аллоҳ карами каби беандоза бўлай.
Юз бор сотиб олдинг, холбуки, мулкингман,
Бир бор сотиб олки яна, то тоза бўлай.

61

Соз дўсти мунофиқдан узоқроқ юрсанг,
Ёри номувофиқдан узоқроқ юрсанг.
Хоки пойини ўпиб мувофиқ ёрнинг,
Ул хеши² мунофиқдан узоқроқ юрсанг.

62

Мен уйкуда кўрдим сокийи зебони,
Тутмиш кўлида у соғари саҳбони³.

¹ *Қаллош* – хийлагар.

² *Хеш* – кариндош-уруғ, яқинлар.

³ *Саҳбо* – кизил май, олий навли май.

Сўз ўтди кўнгилдан: «Гарчи қулсан унга,
Кош хожаси бўлсанг ошики расвони».

63

Умр ўтди кўролмайд орзули гулзорин
Ҳам нозу карашмали кўзин – хумморин.
Элдан яширин эмиш ўпал мисли вафо,
Кўп бўлди кўролмадик ниҳон рухсорин.

64

То ёнди юзинг шамъию¹, парвона² бу жон,
Кўйингда бўлиб сабр ила бегона бу жон.
Кўз мардуми³ бекарор жамолинг боис,
Кўрган каби бир парини девона бу жон.

65

Ул ёри ситампеша⁴ сафар этгайдир,
Чархдек мени ҳам зеру забар⁵ этгайдир.

¹ *Шам* – солиқ дилини куйдирадиган илоҳий нур. Шухуд соҳибининг дилини ёндириб, уни мунаввар киладиган ирфон нурига ҳам ишора.

² *Парвона* – кечаси шам ёки чирок атрофида айланиб, ўзини унга урадиган ҳашарот. *Шам ва парвона* – тасаввуф шеъриятидаги машҳур тимсоллардан. Бунда шам – илоҳий ишқ, парвона – ошиқ тимсоли бўлиб келади.

³ *Кўз мардуми* – кўз қорачиғи.

⁴ *Ситампеша* – ситамгар, золим.

⁵ *Зеру забар* – остин-устун.

Ул шеру шикориман мен илкида¹ унинг,
Дилни еди-ю, касди жигар этгайдир.

66

Ҳар зарра учун ҳавою осмон мавжуд,
Биз-чун ҳама ёқ гулшану бўстон мавжуд,
Зар йўлини гарчи сўнгида кон мавжуд,
Ҳар катра бу – тилсим, унда Уммон мавжуд.

67

Бедил² – ману, бедил – сану, бедил – сану ман,
Сармаст эдик ул кунни, манзил – чаман.
Умр ўтди-ю, мен орзу қиларман ҳар дам:
Эсларми у кунни, дея, ёр ҳам баъзан...

68

Гар дарё эсанг, баликман ул дарёда,
Гар саҳро эсанг, оҳуман ул саҳрода.
Сен менга нафас қил – нафасинг бандасиман,
Сурнойинг эрурман, чунки бул дунёда.

69

Қар қошида соз хоҳ чал-у, чалма, барибир,
Ҳамхонаси бўлган каби Юсуфни³ сўқир.

¹ Илик – қўл.

² Бедил – дилини бой берган, дилсиз, ошиқ, мубтало.

³ Юсуф – Юсуф алайҳиссалом. Диний-тасаввуфий адаби-ётларда айтилишича, Аллоҳ таоло ҳусни юз ҳисса қилган.

Ё оғзига қанд солса касални – не хузур,
Танмаҳрам этилса ё ҳезалак ила хур.

70

Ошиқ бир умр масту расво бўлади,
Девонаю ошуфтаю шайдо бўлади.
Ғам келтиради ҳар нима хушёрликда,
Маст бўлса агар киши, бепарво бўлади¹.

71

Ул ёр кўйидан қачон жудо бўлгаймиз,
Йиғлаб ғаму ҳасратда адо бўлгаймиз.
Ул шам каби топиб эътибор кўз ёшидан,
Ул чанг каби манбаи наво бўлгаймиз.

72

Ҳар қайда шароб бўлса, рубоб ҳамда кабоб,
Ул жойда хароб бўлса, не тонг², ғам ва азоб.
Гул, сабза³ каби давра тутиб сув бўйида,
Эй дўсту яқинларим, ичинг тоза шароб!

Тўксон тўққиз қисмини Момо Ҳавога бериб, бир қисмини бутун дунё аҳлига раво кўрган. Шу бир улушни яна ўнга бўлиб, тўққиз қисмини Юсуф алайҳиссаломга ва бир қисмини бани башарга берган. У Шарқ адабиётида гўзаллик тимсоли ҳисобланади.

¹ Бу рубой Умар Хайёмга ҳам нисбат берилади.

² Не тонг – не ажаб.

³ Сабза – яшил, яшиллик; майса.

73

Кўйингда менга насиҳату панд на керак?
 Ишқ захрини тотдим, етар, канд на керак?
 Эл дейди: «Оёғига уринглар занжир»,
 Телба дил эса, оёк учун банд на керак?

74

Бул кун ҳама кундан-да харобмиз, хароб,
 Ёп андиша эшигини, ол қўлга рубоб.
 Юз турфа намоз унда, рукуъ¹ ҳамда сужуд²,
 Гар бўлса ўшал дўст жамоли меҳроб.

75

Ёр уйига бордим қилиб ул кун қасд ман,
 Ул қувди мени – боис эмишки: мастман.
 Дедим: «Эшигингни оч, ахир, мастмасман».
 Ёр деди: «Жўна, сўзимда тургум, бас, ман».

76

Боз келди-ю, ҳам зулфини келтирди яна,
 Ул шўру шару³ зулмини келтирди яна.
 Ул ойки, Зухрани алам қилди нигун⁴,
 Тур, у аламу⁵ таблини⁶ келтирди яна.

¹ *Рукуъ* – намозда эгилиб туриш, эгилиш.

² *Сужуд* – саждалар, ибодатлар, сиғинишлар.

³ *Шўру шар* (*Шару шўр*) – ғавго, тўполон.

⁴ *Нигун* – 1) эгилган, букилган; 2) чаппа, тесқари.

⁵ *Алам* – байрок, туғ.

⁶ *Табла* – катта ноғора.

77

Ул ёр қўлидан захар-да нўш этса¹ бўлар,
 Аччиқ сўзини шакарга эш этса бўлар.
 Кўп тузли эмиш сўзлари – ҳар ерда агар
 Туз бўлса, жигар еб, дилни хуш этса бўлар.

78

Ҳар қанча дилим унинг ризосини тилар,
 Сўз шамширини менга у рўпара қилар.
 Қонимга менинг қўлларини ювганидан,
 Бармоқларининг учларидан қон тўкилар.

79

О, аччиқ у сўзлар этди кўп дилни хира,
 Инсоф билан айт, у тилга лойикми сира?
 Айтмас сира ширин лаби аччиқ сўзни,
 Шўр бахтим уларни айлаган бешира.

80

Ошиқ эмас ул, бўлмаса енгил чун жон,
 Юлдуз каби тун ой ёнида саргардон.
 Кел, тингла мени, сўзларим эрмас ёлғон,
 Ел эсмаса, байроқ хилпирарми ҳеч он?..

81

Ул лаҳзаки, ёр кўйлагидан бўй етса,
 Мен қолсам-у, йўқ ажаб, фалак тўн йиртса.

¹ Нўш этмоқ – ичмоқ.

Арзийди ифор хидли Юсуф кўйлаги¹ ҳам
Бул кун келиб, ёр кўйлагидан буй этса.

82

Хуммор кўзинг, чехраи рахшонинг² бор,
Кони гуҳару, лаъли Бадахшонинг³ бор
Ҳам ғунча каби хандаи пинҳонинг бор,
Куйдиргучи гулни лаби хандонинг бор.

83

Ишк ичра на пастлик, на баландлик бўлгай,
На беҳушлигу, на хушга бандлик бўлгай,
Қардошлигу пирлигу⁴ муридлик⁵ бўлмас,
Қашшоқлигу бахтсизлигу риндлик⁶ бўлгай.

¹ Бу ерда йўқолган жигарбанди ҳажрида йиғлай-йиғлай кўр бўлиб қолган Яъқуб алайҳиссаломга Юсуф алайҳиссаломнинг Мисрдан ўғай акалари орқали юборган кўйлаги кўзда тутилмоқда. Уни юзига суриши билан Яъқуб алайҳиссаломнинг кўзлари очилиб кетади.

² *Рахшон* – порлоқ, нурли.

³ *Лаъли Бадахшон* – Бадахшон лаъли. Лаълнинг аъло нави Бадахшон тоғларида ҳосил бўлади.

⁴ *Пир* – тариқат йўлида муридга раҳбарлик қиладиган устоз.

⁵ *Мурид* – толиб, талабгор, бирор шайх ёки пирга қўл бериб, унга эргашувчи. Тасаввуфда моддий боғлиқликлар ва ўз хоҳиширодасидан воз кечиб, Ҳаққа интилаётган киши.

⁶ *Ринд* – шарият ва тариқат босқичларидан ўтиб, ҳақиқат асрорига етган киши. Ринд аҳли илоҳий жазава чоғида омма қабул қилмайдиган нозик маънолар ва чуқур ҳақиқатларни ошқор қилишлари, мутаассиб диндорлар томонидан куфр сифатида баҳоланадиган фикрларни илгари суришлари билан машҳур бўлганлар.

84

Гар майни яширсак, бўйини на қиламиз?
 Ошиқни(нг) хумор ранг-рўйини на қиламиз?
 Гар ишқни қуритсак қақраган лаб бирлан,
 Сув остидаги кўз уйини на қиламиз?

85

Соянг сени манзилим эрур ҳам хона,
 Сочингни тузоғидан дилим девона.
 Ҳар гўшада бир шам, икки-уч парвона,
 Бизнинг шам ўзи ҳам шаму ҳам парвона.

86

Кўрсат юзингни бир қилиб одамлик,
 Кўрдим, дея, мен лоф урайин, хуррамлик.
 Эй жону жаҳон, сенда бўларми камлик,
 Кўрган сени шод олганидек байрамлик.

87

Борми яна бир дилки, паришон бундан?
 Ё воқеае бесару сомон¹ бундан?
 Ким кўрди жаҳонда ёки меҳнатзадани
 Саргаштаи рўзгору² хайрон бундан?

¹ *Бесару сомон* – бахтсиз, бадбахт.

² *Рўзгор* – 1) давр, замон; 2) тақдир, қисмат; 3) турмуш, ҳаёт.

88

Бир-бир санасангиз моҳдиқоларни агар,
 Сўзсиз берасиз бизнинг у моҳдан-да хабар.
 Эй сиз мажлис аҳли, парда ортига ўтинг –
 Ташланг мени бу шуълали чехрамга назар.

89

Эй ёр, юзинг – намоз, кўзинг-чи – рўза,
 Ҳар иккиси қул эмиш лаби қирмиза.
 Маст эдим агар гуноҳ килибман, яъни
 Синдирган эсам ичиб сувингни кўза.

90

Эй ишқ, сени ҳам пари билар, ҳам инсон,
 Қошингда тубан эмиш муҳри Сулаймон.
 Тан бўлса жаҳон, унга сени дерлар жон,
 Ишқсиз яшаган кимсанинг умри ёлғон!

91

Май мўл-кўлу, йўқ соҳиби жом – кимниқидир?
 Бизлар-ку асир қушмизу, дом кимниқидир?
 Ишқ аҳли туфайли ҳар нафас сочилган
 Бул шаккару пистаю бодом кимниқидир?

92

Ўт ёнмаса дилда, сўйла, бу дуд кайдан?
 Уд¹ қуймаса, келмоқда бўйи уд кайдан?

¹ Уд – манқалга солиб тутатиладиган хушбўй гиёҳ.

Мен севмасам-ей – ошиқи нобуд кайдан?
Шам шуъласисиз парвона хушнуд кайдан?

93

Дедимки: «Кўзим эрур кўйинг тупроғи,
Чехрангни яширмагил висолинг чоғи».
«То сояи давлатимда етмасми, – деди, –
Умринг бўйи тинмаса кўзинг ирмоғи».

94

Мендан сира қочмагил – харидоринг ўзим,
Бир менга киё боқ – нури дийдоринг ўзим,
Коримга яраки, равнаки коринг ўзим,
Мендан сира безор ўлма, бозоринг ўзим.

95

Бул тонг мену, май жоми кўлимга пайваст,
Йикилгуму, тургуму, мудом юргум маст,
Ул сарви қадим ипқи билан мастману паст,
Мен ўлсам-ўлай, кўрмасин ул қадди шикаст!

96

Хуршиди¹ камарбаста қопингда ўлсин.
Ул моҳи жигархаста қошингда ўлсин.
Ул сарву гули раста қошингда ўлсин.
Бу дил бўлиб пайваста қошингда ўлсин.

¹ Хуршид – куёш, офтоб.

97

Сополсифат таним эмиш жоми дил-ей,
 Ул пухта фикрларим майи хоми дил-ей,
 Бул дурри маърифат¹ ҳамаси доми дил-ей,
 Мен сўзладим-у, асли бу пайғоми дил-ей.

98

Кетдинг, сенинг кетганинг учун қон йиғлай,
 Қайғунг фаровон бўлди, фаровон йиғлай.
 Кетдингу, изингдан сени(нг) кўз ҳам кетди,
 Қандай қилиб энди мени хайрон йиғлай?..

99

Ҳар ким сени кўрса агар, эй хўбахлок,
 Шу лаҳзада қилгай у бу дунёни талок.
 Офтоб каби чехранг қошида дунёда
 На ойда тароват, на Зуҳалдир² порлок.

100

Чарх олдида кўзинг сени хунрезроқдир³,
 Шамшир тиғидан-да кипригинг тезроқдир.
 Розингни қулоғимга баландроқ айтгил,
 Юзинг кўйида қулок бир оз мудроқдир.

¹ *Маърифат* – Аллоҳ моҳияти ҳақидаги илм, ирфон.

² *Зуҳал* – Сатурн сайёраси. Ўтмиш мунажжимларининг ақидасича, Зуҳал бахтсизлик аломати ҳисобланади.

³ *Хунрез* – қон тўқувчи.

101

Ғам ким ўзи – ҳар дам уни ёд этгаймиз?!
 Дил ҳайф унга, тупрокка кориб кетгаймиз!
 Бодом эмишу ғам, йўк эмиш мағзи унинг,
 Бош эгмаса, янчиб уни ун этгаймиз!

102

Эй ашки равон, гапир у савдолардан,
 Ул боғу баҳор ҳам у тамошолардан,
 Бедор кечалардаги таваллолардан,
 Кўз юмма адабсизлигу ғавғолардан.

103

Ишқинг қилади ширинзабонликлар то,
 Ушшоқда¹, кулок тут, неча оҳ-вовайло.
 Ҳар кеча ўзинг соқий² экансан танҳо,
 Ошди фирибу макру хусумат, ғавғо.

104

Эй сарви равон³, боди хазон кўрма сира!
 Кўз тегмасин-у, ранги сомон кўрма сира!

¹ Ушшоқ – ошиқлар.

² Соқий деганда сўфийлар Аллохни, Муҳаммад алай-хиссаломни, маъшукани, пир ёки комил инсонни назарда тутадилар. Соқий даврага май улашгани каби улар ҳам одамлар қалбига илоҳий файз бағишлайдилар, хақиқий ишқ ўтини соладилар, ғайб маърифатидан баҳраманд этадилар

³ Сарв – кишин-ёзин кўм-кўк бўлиб яшнаб турадиган игнабаргли гўзал ва хушқомат дарахт. Мумтоз адабиётда маъшуканинг келишган зебо кадди-коматини сарвга нисбат берадилар. Сарви равон – юрувчи, хиром этувчи сарв, яъни чиройли юрувчи махбуба.

Осмону заминнинг жонисан, азбаски¹,
Кўр роҳати жон, офати жон кўрма сира!

105

Эй дўст, бугунни эрта қилма асло,
Кундуз каби яхшию ёмонлик пайдо.
Ишқ йўлида нораво хиёнат, зино,
Мен тўғрию, сен эгри эсанг йўқ маъно.

106

Мен бечорадан-да борми бечора, аё,
Ишқ дарди билан оғриси ким – йўқми даво?!
Бу ғамни давоси на бахиллик, на риё,
Чин севгида бўлгай на вафою на жафо.

107

Жон колса етар, ҳар неча қажатгали кел,
Ҳар ҳийлаки, билсанг, уни кўрсатгали кел.
Ҳар кимсага бир макру фириб ўргатдинг,
Бир макру фириб менга-да ўргатгали кел!

108

Эй ганж, эгалла жойни вайронангдан,
Эй зулф, паришон бўлма ўз шонангдан².
Эй куш, юзинг ўгирма ўз донангдан,
Эй уй эгаси, тушма узок хонангдан.

¹ *Азбаски* – шунинг учунки, шу сабабданки.

² *Шона* – тарок.

109

Ишк асли камол бирла-ю, дилбар-чи – жамол,
 Суз кайнару дилда, тил уни айтгали лол.
 Борми яна бундан-да ўтар антиқа ҳол:
 Мен ташнаю, кошимда окар оби зилол¹.

110

Ҳар кимсанинг кўксида ушоқ дил бўлгай,
 Ишксиз яшамоқ ўшанга мушкул бўлгай.
 Бул ҳалқама-ҳалқа зулф занжири билан
 Девона киши бўлса, у оқил бўлгай.

111

Ишксиз кувончинг сира афзун бўлмас,
 Ишксиз вужуд ҳам хўбу мавзун бўлмас.
 Дарёга ёғар бўлса магар юз томчи,
 Ишк тўлкинисиз у дурри макнун² бўлмас.

112

Бир байт ўкиб эрдим – малагим ранжиди:
 «Байт ичра банд айлаш мени лозимми эди?»
 Айтсам: «Нега байтимни бузарсан, эй жон?»
 «Мен байтга сиғарманми, ўзинг ўйла?» – деди.

¹ Бу рубойи Аҳмад Ғаззолийга ҳам нисбат берилади.

² *Дурри макнун* – садаф ичидаги кимматбаҳо дур.

113

Ҳак йўлида Мансур¹ ўзини қилди фидо,
Тан пахтасидан жон чигитин қилди жудо.
Келтирганида тилга «Аналҳак» сўзини,
Мансур йўқ эди унда, бор эрди Худо!²

114

Эй соқий, бугун сенинг хуморинг бўлдим,
То тунга қадар кўп интизоринг бўлдим.
Май беру, халос айла бу дунё домидан,
То тонгга қадар бу тун шикоринг бўлдим.

115

Қабрим ёнидан ўтса, башар маст бўлгай,
Сал тўхтаса, маҳшарга қадар маст бўлгай,
Уммон сари борса, баҳру бар³ маст бўлгай,
Ўлса, уни(нг) қабри сарбасар⁴ маст бўлгай!⁵

116

Кўнглимга яширмагайман – афгор⁶ бўласан,
Дийдамда мужассам этмагум – хор бўласан.

¹ *Мансур* – машҳур сўфий Мансур Ҳаллож (850–922). «Аналҳак» – «Мен – Ҳакман» дегани учун ваҳшиёна бир тарзда ўлдирилган.

² Бу рубой Умар Хайёмга ҳам нисбат берилади.

³ *Баҳру бар* – сув ва қуруқлик.

⁴ *Сарбасар* – бошдан-оёқ.

⁵ Бу рубой Умар Хайёмга ҳам нисбат берилади.

⁶ *Афгор* – мажруҳ, ярадор.

Жон ичра берай жой сенга – дил, кўздан эмас,
То сўнгги нафасгача ўзинг ёр бўласан¹.

117

Пок ишқима рашк этгусидир оби зилол,
Бу севги билан машғул ўлиш менга ҳалол.
Гар ўтса бировлар ишқи холдан-холга,
Йўқдир мени(нг) маъшуқаму ишқимга завол.

118

Гар жабр этар, аҳдининг не қиммати бор?
Гар захр берар, шахдининг не қиммати бор?
Халқ наздида жаҳд айламок эзгу ишдир,
Бул хаста кўнгил жаҳдининг не қиммати бор?

119

Сочининг ҳар торида бордир бир жон,
Сочдек мени ҳам қилди паришон жонон.
Билгайми ўшал: ғамим фаровон не учун?
Боиси: унинг нози фаровон чандон!

120

Ул бонги Сирофилдан² эмиш пайдо рубоб,
Дилларни тирилтирди магар эрди кабоб.
Уйғонди унут ўйлар – баликлар худди
Чикқан каби сув остидан устига шитоб.

¹ Бу рубоий Маҳастий Ганжавийга ҳам нисбат берилади.

² *Сирофил* – Исрофил фаришта: у сурнай чалиб, киёмат бошланганлигини билдиради ва уни эшитиб, барча ўлганлар тирилади.

121

Ел гулни тўкар устига хумморларнинг,
 Ёр майни қуяр соғарига¹ ёрларнинг.
 Сунбул сочи атторлар ишин этса касод,
 Шўх кўзи тўкар конини хушёрларнинг².

122

Боғ йўлида дилбаримга бўлдим ҳамроҳ,
 Гулга назарим тушди ўшал дам ногоҳ.
 «Чехрамни кўйиб, гулга карайсан не учун?» –
 Деб тоза уялтирди фақирни ул моҳ.

123

Бир дам сенга дилбаринг магар маҳрамдир,
 Такдирдан улуш сенга ўшал бир дамдир.
 Зинҳор у илоҳий дамни этма зое,
 Чунки ҳаётингда бу каби дам камдир.

124

Шаккар конида солса чивинлар ғавғо,
 Шаккар кони айларми уларга парво.
 Қуш бир кўниб учгани билан ул тоғнинг
 Ортди бирор ери-ю, кам бўлдими ё?

¹ *Соғар* – май ичадиган идиш, пиёла, жом, қадах. Тасаввуфда ғайб сирларини мушоҳада қиладиган орифнинг калби. Мастлик ва шавқни ҳам соғардан тилайдилар.

² Бу рубоий Маҳастий Ганжавий ва Заҳир Форёбийларга ҳам нисбат берилади.

125

Дарё каби дийдамга санам урса тикан
 Ҳам қил каби дилни тилса ғам тиғи билан,
 Асло этагидан қўл узиб кетмасман,
 Минг ҳийлани ул дафъим учун килса-да фан!¹

126

Ёмонлик этиб, яхшилик истар эса ким,
 Билгилки, ўшал кимсанинг имони ярим.
 Беш қўлдек аён-ку, арпа эккан кишига
 Бермаслиги буғдойни Худованди карим!

127

Бул кун тавоф этгум ёр кошонасини,
 То тонггача қилмайин тарк хонасини.
 Вакт етганида дафъи хумор айлаш учун
 Бош косасидан ясай паймонасини.

128

Мен хастаю, зору нотавон ёр ғамидан,
 Кўздан ёш эмас, оқади кон ёр ғамидан,
 Буғзимга етар булса-да жон ёр ғамидан,
 Ё Раббим, айирма ҳеч қачон ёр ғамидан!

129

Ҳамсуҳбатимиз бул кеча ул дилдорнинг,
 Ўтмас нималар хаёлидан хушторнинг:

¹ *Фан* – бу ерда: хунар, расм, одат.

Бошлар уза гоҳ чаманда гул сочилса,
Шаккар ёғади ўрнига гоҳо қорнинг.

130

Ошиклик ишин камолидан ўргандим,
Битмоқни ғазал жамолидан ўргандим.
Кўнглим уйида хаёли ракс этгайдир,
Мен раксни ҳам хаёлидан ўргандим.

131

Айтдим: «Санамим, сен – майу, мен – паймона,
Мен ўлдим-у, сен эсанг жону жонона.
Оч энди вафо эшигин». Айтди: «Жим бўл,
Девона кишига не керакдир хона?»

132

Эй, тургил-у, киргил ўша некном¹ қошига,
Хуш сухбатин олгали дилором қошига.
Бир домни қуйиб, кел, яна бир дом қошига,
Гар қувса эшикдан, келавер том қошига.

133

Ёр деди: «Кўзинг ёшини Жайхун² этаман,
Кўнглингни фироқ тоғида тутқун этаман.
Жисмингга ишонма сира – уч кун ичида
Ғам ўғирида туйиб-туйиб ун этаман!»

¹ *Некнам* – яхши ном чиқарган, машҳур.

² *Жайхун* – Амударё.

134

Жабрингча хуш эрмас, ўзга минг қилса вафо,
 Қайғунгча хуш эрмас, ўзга минг қилса сафо,
 Нозингча хуш эрмас, ўзга кўрсатса лико¹,
 Қаҳрингча хуш эрмас, ўзга минг айтса сано².

135

Ҳар кун кўриниш бериб кетиб, эй дилбар,
 Бошимга солурсан неча савдои дигар.
 Жон соғарини тўлдирибон тут бу сахар,
 Эй, сен менинг жонимга падар ҳам модар!³

136

Бегона гурунгидан эсанг бегона,
 Ҳақ сўзни сенга айтади бул девона:
 Юз уйни тўлатгунг аридек бол бирла
 Ғайр аҳлидан агар холи бўлса хона.

137

Бул кеча шароби жон мудомдир, мудом,
 Сокий шоҳу, май этар давомдир, давом,
 Асбоби тараб⁴ жумла тамомдир, тамом,
 Уйқу дили бедорга ҳаромдир, ҳаром.

¹ *Лико* – юз, чеҳра, хусн.

² Бу рубоий Хожа Исмаи Бухорийга ҳам нисбат берилади.

³ *Падар* – ота, *модар* – она.

⁴ *Асбоби тараб* – хурсандчилик воситалари, шодлик сабаби.

138

Ишқ оташида музлар эриб, сув бўлади,
 Ишқ ўтида тобланса, тош инжу бўлади.
 Ошиқлар айбин оғир олма, эй дўст,
 Севги майдан улар бекайғу бўлади.

139

Тун ўтди вале этмади тарк бошимни
 Қайғули муножоти қаламқошимни.
 Ул тунда эрур уйқуму, кундуз эса нур,
 Ул бўлмаса, тун-кун тўкаман ёшимни.

140

Келди-ю кўзимга хуш хаёлинг, моҳтоб,
 Ҳар икки кўзим шу лаҳза ёш тўқди шитоб.
 Кўзларни қулоғига дедим оҳиста:
 «Сийланг азиз меҳмонни куйиб бодаи ноб!»¹

141

Биздан ўша шўх дилбари айёр қочади,
 Ёринг бўлайин, десак, агар ёр қочади.
 Ул акли мунаввардир-у, биз масти унинг,
 Хумморни мудом ақл этиб хор қочади.

142

Эй бонги рубоб, дилимда тобим бордир,
 Дил қаърида менинг-да рубобим бордир.

¹ *Бодаи ноб* – тоза, тиниқ май.

Гар тушса йўлинг, бир дам азиз меҳмон бўл,
Мен кулни-да кулбаи харобим бордир.

143

Келди эшигимга кеча ёри шайдо,
Дедим: «Жўна, бемаҳалда бўлдинг пайдо».
Кайтаркан изига, деди: «Қизик савдо,
Давлатга эшик очмас – у тентакми ё?»

144

Эй ёр, нима гап, жаҳон йўқолди кўздан?
Осмону замин қаён йўқолди кўздан?
Сен майни қўлимга берма, тут оғзимга,
Кайф ошганидан даҳон¹ йўқолди кўздан...

145

Ишқинг хаваси бошда-ю, зорман доим,
Кўйинг аро масту бекарорман доим,
Гар бор-йўғи бир кун хумор бўлгай маст,
Мен ул маст эрурманки, хуморман доим.

146

Чек кўяди бу замона бор оҳ-воҳга,
Бир кўз-да қарар фалак гадою шоҳга.
Ҳар кимса ғурурга маст ўзича, аммо,
Ҳайдайти ажал барчасини бир чоҳга...

¹ Даҳон – оғиз.

147

Эй дил, сира яқин йўлатма ғамни,
Эп кўрма ҳечам суҳбати номахрамни.
Кўкат ила нонга гар қаноат қилсанг,
Кўкат, дея билма жумла бу оламни.

148

Дил келди-ю айтди: «Ёр савдоси узун»,
Тун келди-ю айтди: «Зулфи раъноси узун»,
Сарв келди-ю айтди: «Қадди зебоси узун»,
Қилсин шунга мос умрни Оллоси узун!

149

Ишқ ул – унга эргашиб балолар юрса,
Ошиқмас у – кўрганда бало юз бурса.
Ишқ оламида аталгай мардлар марди,
Ким ишқ каби жонга тегса-ю, жон берса.

150

Ҳижрон қанотин қайирса уммид қушини,
Ўлдирса жафоси яна дил хоҳишини,
Ошиқ сира тушмайди умидсизликка,
Мақсад сари элтар асли ҳиммат кишини!

151

Бул фасли баҳор эмас, бул фасли дигар¹,
Кўзларни хумор этгучининг васли дигар.

¹ Дигар – ўзга, бошқа.

Ҳар қанчаки новдалар туташ рақс этса,
Ҳар шохни қимирлаши бўлар асли дигар.

152

Эй, пойқадамингдан бу замин хурраму шод,
Юз ғунча қувончидан кўпайтирмиш зот.
Осмонга тушиб ғулғула ул фурсатда,
Ойнинг кўзи юлдузга тушибдир, хайҳот!

153

Тавба, бу санам кўнглини нақ тош қилмиш,
Ўлдиргали қасд этганини фош қилмиш.
Зулфи каби кетмиш чувалиб тавбам ҳам,
Қайтар ўзига неки қаламқош қилмиш.

154

Кимнинг тилаги эрур мудом манзили жон,
Кимнинг тилаги эрур мудом луқмаи нон.
Бу нуктанинг¹ маънисини чакқилки, аён:
Ким не тиласа, етгуси унга бегумон!

155

Бергувси бўлак ҳаёт кунинг битса Худо,
Гар умри фано² қолмаса, бор умри бақо.

¹ *Нукта* – нозик ва чуқур маъноли сўз, ҳикмат.

² *Фано* – ўлиш, йўқ бўлиш. Тасаввуфда банданинг Ҳақда фано бўлиши, яъни башарий хусусиятларнинг илохий сифатлар ичра маҳв бўлиши.

Ишк оби ҳаёт¹ эрур – унинг баҳрига кир,
 Ҳар катраси бир ўзга ҳаётдир унинг, о!

156

Кўзимни қитиқлар ҳар замон нози унинг,
 Янграр қулоғимда мудом овози унинг,
 Ўзимча манам ошиғу ҳамрози унинг,
 Қандай яширай маст айласа рози унинг?!

157

Кўкни тўла нола айласам, маъзурман,
 Даштни тўла жола² айласам, маъзурман.
 Сен жоним эурсан – чопаман ортингдан,
 Жонни ортда вола³ айласам, маъзурман.

158

Инсоф билан айт, ишк эзгуликдир асли,
 Булғар уни кимнинг юраги кир асли.
 Пок севгига ўхшатма ҳаром шаҳватни,
 Чунки бири осмону, бири ер асли.

¹ *Оби ҳаёт* – Хизр алайҳиссалом ер ости – зулмат қаъридан излаб топган ва бир катра ичиб, абадий ҳаётга ноил бўлган мангулик суви. Оби ҳаёт тасаввуфда саъй-ҳаракат билан эришиб бўлмайдиган, Аллоҳ томонидан ўзи хоҳлаган бандаларига бериладиган ладуний (илохий) илм маъносида келади.

² *Жола* – 1) дўл, дўл доналари; 2) шабнам, шудринг; 3) кўз ёши доналари.

³ *Вола* – мафтун, шайдо.

159

Жон тунда балик, кундуз илон эркан, ох,
 Ўйлаб кара: сенга қайси бир жон ҳамроҳ?
 Ҳорут¹ каби сеҳру жодудир касбинг гоҳ,
 Гоҳ Зухрани(нг) кўрикчисисан худди моҳ.

160

Қилгайми бу кулларга у бир наззора²,
 Биз топдигу чора, колди ишк бечора.
 Жон нима? У бир заиф гўдак бешикда.
 Дил нима? У бир ғариб эрур, бечора.

161

Гоҳ хурлар этади рашк – андоқ покмиз,
 Гоҳ ваҳмага девлар тушади – бебокмиз³,
 Ҳаммоли Худомиз асли – тани хокмиз,
 Бу саъй ила мавжудот ичинда токмиз.

162

Бир катра юзинг сувидан ул оби ҳаёт,
 Бир зарра нурингдан этдинг ойни бунёд.

¹ *Ҳорут (ва Морут)* – гуноҳи учун Бобилдаги чоҳга ташланган икки фаришта. Улар Қуръонда сеҳр билимдонлари сифатида зикр этилган. Кимки сеҳру жодудан сабоқ олмоқчи бўлиб, чоҳ қошига борса, бу фаришталар унга сеҳргарлик илимини ўргатадилар.

² *Наззора* – қараш, назар солиш, томопа қилиш.

³ *Бебок* – 1) золим, тошбағир, шафқатсиз; 2) ҳаёсиз, андишасиз.

Мохтобни тилаб эдим узун кечада мен,
Тун зулфингу, ой юзинг экан-ку, хайхот!

163

Ҳарчандки, қомати гўзал бор сарвда,
Ёр қаддини кўрса, не амал бор сарвда?
Ёр қаддига ўз қаддини менгзар¹ эмиш ул,
Бу кибру ҳаво асли-азал бор сарвда.

164

Биз касбу хунар, молу дўкондан кечдик,
Шеър йўлига кирдигу, жаҳондан кечдик.
Кўзу дилу жонимиз эди севгида ул,
Бас, кўйида кўзу дилу жондан кечдик.

165

Оғзинг исини менга чаман билдиргай,
Хуснингни эса лола, суман билдиргай.
Ул иккиси бўлмаса очурман лабни,
Номингни тутиб, у сўз билан билдиргай.

166

Қайдан, рубоб оҳанги, қани, келмишсан,
Минг оташу шўру фитнага тўлмишсан,
Дил жосусию элчисисан саҳронинг,
Дил рози бари – ҳар не наво қилмишсан.

¹ Менгзамоқ – ўхшамок.

167

Эй кўзу дилу жон хузури қандоксан?
 Ҳар икки жаҳоним сурури қандоксан?
 Ҳолим не лабинг ҳажрида, асти сўрама,
 Менсиз ўзинг, эй кўзим нури, қандоксан?

168

Эй жону жаҳон, жону жаҳон банданг эмиш,
 Оламни ширин этган шакар ханданг эмиш.
 Сендекни фалак кўрмамиш олам яралиб,
 Осмону замин ҳуснингга ҳангу манг эмиш...

169

Теримни шилиб олса-да ул дилдорим,
 Ундан гина қилмагум сира – йўк зорим.
 Душман менга барчаю, удир ёлғиз дўст,
 Душманга чақишга ёрни келгай орим.

170

Сендек бу факир окилу хушёр эрдим,
 Ошиқ элини қилгучи инкор эрдим.
 Умр ўтди-ей оҳ-воҳ ила девонаю маст,
 Шундок яшамокка, бас, сазовор эрдим.

171

Маъшуқа куёш каби чарақлар хандон,
 Зарра каби ошиқ бўлади саргардон,
 Бас, севги баҳори еллари эсган он
 Ҳар шох ракс этар унда магар бордир жон.

172

Гар истар эсанг, ҳамиша хуррам бўлсанг,
 Етса кадаминг кайга, мукаррам бўлсанг,
 Пок бўл-у, ҳалол яша-ю, илм ўргангил,
 То тожи башар, Ҳазрати Одам бўлсанг!

173

Сен бирла қувончга тўла шаҳру дехот¹,
 Осмону замин-да сен сабаб хуррам, шод.
 Ғамдан бўлак ҳеч ким гина қилмас сендан,
 Сен ҳаммани ғам-қайғудан этдинг озод.

174

Дерлар менга: «Мунча оташин дард кайдан?
 Бу нолаю оху, бу ранги зард² кайдан?»
 Дедим: «Ғапингиз ғалат, ўшал ой юзни
 Бир кўрса киши, биларди бу дард кайдан».

175

Кўнглимдаги оҳ боиси савдо, эй дил,
 Ул аслида дил туфайли пайдо, эй дил.
 Қондан юрагим мавж уради тўхтовсиз,
 Бас, у дил эмас, бўлибди дарё, эй дил!

¹ Дехот – қишлоқлар.

² Зард – сарик, заъфарон.

176

Хар нарсани дил очиғу пинҳон сўзлар,
Мушкин соч ҳақинда анбарафшон¹ сўзлар.
Ошуфта эса у, бу – паришон, билгум,
Ошуфта оғиз очса, паришон сўзлар.

177

Эй дўст, ахир, дўсту яқинмиз сенга,
Етса қадаминг қайга, заминмиз сенга.
Сезсак-да тажаллингни², ўзинг кўрмасмиз,
Ишқ шарти шуми, наҳот ўйинмиз сенга?!

178

Мен – зарра, куёшюз дилрабойимсан ўзинг,
Беморману, дардимга давойимсан ўзинг.
Йўқ гарчи қанотим, учаман ортингдан
Бир хас каби, чунки қаҳрабойимсан³ ўзинг.

179

Ортар нури зикр ила ҳатто моҳни(нг),
Бошлайди ҳақиқат йўлига гумроҳни.
Бир лаҳза тилингдан қўймай такрор эт
Сидки дилдан «ло илоҳа иллаллоҳ»ни⁴.

¹ *Анбарафшон* – анбар сочувчи, хуш хид таратувчи.

² *Тажаллий* – кўриниш, жилваланиш.

³ *Қаҳрабо* – сарик рангли ёпишқоқ тош. Қаҳрабони чармга ишқаб, сомон, хасга яқинлаштира, уларни ўзига тортади.

⁴ *Ло илоҳа иллаллоҳ* – Калимаи тавҳиднинг бошланиш қисми бўлиб, «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ» демакдир.

180

Афсуски, кеч бўлди-ю, бизлар танҳо,
 Денгиздаки, бошу охири нолайдо.
 Туну булуту кемаю биз сузгай эдик
 Ҳақ денгизида – ёр фазлу тавфики Худо.

181

Эй хожа, мени кўрмасанг уйқунгда агар,
 Бўлмас кўришиш насиб янги йилга қадар.
 Эй тун, қарасанг-да мен тарафга хар дам,
 Кўришнинг иложи йўк то отгунча сахар.

182

Эй нонга алишган гавҳари имонни,
 Бир арпага айрибош қилган конни.
 Намруд¹ дилини бермай Иброҳимга²,
 Бир пашшага топширди оқибат жонни.

183

Зулфингда ниҳон қанча паришонликлар,
 Шаккарда лабинг олдида хайронликлар.
 «Бўлдингми пушаймон фироғимдан?» – дейсан,
 Пушаймон эмас, ёр, у пушаймонликлар.

¹ *Намруд* – афсонавий золим шох. Унинг фармони билан Иброҳим пайғамбар ўтга ташланган.

² *Иброҳим* – Қазбага асос солган Иброҳим пайғамбар.

184

Эй тун, сенга шодлик мудом одат бўлсин,
 Умринг узун – токи қиёмат бўлсин.
 Кўксимда ёнар аланга дўст суратидан,
 Эй ғам, юрагинг сенинг бақувват бўлсин!

185

Бу ишқ ўти куйдириб, пиширгай бизни,
 Майхонага ҳар кеча туширгай бизни.
 Ринд аҳлидан ўзга топмасин деб хабар,
 Ринд аҳли қаторига оширгай бизни.

186

Тарк айлади сенсиз ақлу хуш мени,
 Ҳеч ким йиғидан кўрмади хомуш мени.
 Жону дилу дийдадан фаромушмасан,
 Сен ҳам сира айлама фаромуш мени.

187

Ухлатмади бўлсам у билан ёрликлар,
 Ухлатмади айрилсам агар зорликлар.
 Ҳар иккала тунда ҳам мен бедорман,
 Қандай килади фарқ бу бедорликлар?

188

Пайғамбаримизнинг йўли ишқ ягона,
 Ишқдан туғилдик, бизга ишқ она.
 Кўрдик феълу атворимиз куфрона,
 Биздан тутар онамиз ўзин пинхона.

189

Бир лукма тила оғизу комга сиғмас,
 Бир илм иста сира нишонга сиғмас.
 Бир сир бор Ҳақ мардларининг кўнглидаким,
 Ҳаттоки Жаброил¹ у ёнга сиғмас.

190

Эй сен Юсуфимсану менинг, мен – Яъқуб²,
 Сен дарду машаққатимсану, мен – Айюб³.
 Мен ҳеч ким эмас, барчага ўзинг маҳбуб,
 Мен қўлни урарман, сен оёғингни теп.

191

Бу тонг елидир маҳрами роз, ухлама, тур,
 Бу вақти тазаррую ниёз, ухлама, тур.
 Икки жаҳон аҳлига азалдан то абад
 Очик бу эшик берар овоз: «Ухлама, тур!»

¹ *Жаброил* – исломдаги тўрт фариштадан бири: Худо билан пайғамбарлар ўртасида элчилик қилади.

² *Яъқуб* – Яъқуб пайғамбар.

³ *Айюб* – Айюб пайғамбар. У зот серфарзанд ва бой-бадавлат бўлган. Лекин бирин-кетин бошига фалокат тушади: мол-дунесидан ажралади – каноат қилади; етти ўғилу етти кизидан жудо бўлади – сабр айлайди; соғлиги кўлдан кетади – шикоят этмайди. Бу сабру каноатининг ажри сифатида Аллоҳ таоло унинг барча йўқотишларини қайтариб беради. Айюб – мумтоз шеърятда сабр-каноат тимсоли бўлиб келади.

192

Эй ёр, йўк бир сендай ёр, ухламагил,
 Сендан ишлар топар барор, ухламагил.
 Бу кеча сени деб юз шам ёнгусидир,
 Бу кеча бедор бўл – зинҳор ухламагил.

193

Ол юздан пардаларни бир бор бу кеча,
 Ҳар икки жаҳонни қил гирифтор бу кеча.
 Дединг кеча жону дил бобида сўз,
 Ётай оёғингнинг остида зор бу кеча.

194

Жом йўғу бу даврада шаробдир, шароб,
 Куксимда тутун йўғу кабобдир, кабоб.
 Ёр дардидан ишқ рубобида нола-фиғон,
 Сен дема уни сира рубобдир, рубоб.

195

Дин тоатисиз биҳишти Раҳмон тилама,
 Ҳақ узугисиз мулки Сулаймон тилама.
 Оғритма бирор дилни ўтар дунёда,
 Ранж-озори аҳли мусулмон тилама.

196

Биз масту хумор ҳамиша бежому шароб,
 Хуш мажлисимиз, бўлмаса-да чангу рубоб.
 Бесокию бешоҳу бечолғувчию най
 Биз сархушу расво мисли масти хароб.

197

Англа, нимага килар ишора бу рубоб?
«Тингла куйимни-ю, топ йўлни шитоб.
Чунки топмассан бу хато йўлда савоб,
Чунки савол йўлининг охири жавоб».

198

Ёр васли билан бўлдим дилшод бу кеча,
Ҳижрон ғамидан бўлдим озод бу кеча.
Чарх уриб ёр билан, дегайман дилга:
«Тонг отмасин-ей энди умрбод бу кеча!»

199

Ё Раб, ё Раб, Ҳак тасбеҳи бу рубоб,
Бу тасбеҳда юзта савол, юзта жавоб.
Ёш шашқатору кўзда, дил бўлса кабоб,
Биздек қайнаб-тошмас хумми шароб.

200

Лутф айла-ю, ёр бўл, эй ёр, ухламагил,
Эй булбули маст, бўл бедор, ухламагил,
Бўл дўсту якинга интизор, ухламагил,
Висол кечаси бу – зинҳор ухламагил.

201

Сен бор ерда авж олади дарду жафо,
Ғарк айлади бизни буткул лутфу вафо.
Рост бўлсанг агарда, боримиз сенга фидо,
Чап бўлсанг агарда, киламиз сенга даво.

202

Жонларни олиб, дилбаримиз шодондир,
 Кўнгли хушу хурраму лаби хандондир.
 Бу ҳусну жамол баҳосига жон ожиз,
 Оҳистагина десам агар жонондир.

203

Тегрангда сенинг сураар эканман даврон,
 Соқию маю қадаҳ мухайё ҳар он.
 Бир лаҳза жамолнинг нурун этсанг эҳсон,
 Жон тонг қолади мисли Мусои Имрон¹.

204

Ҳар кимга Худо сен каби ёр берган эмиш,
 Унга дилу жони беқарор берган эмиш.
 Ундан тама айлама сира бир ишни,
 Чунки ўзи ишни Бирубор² берган эмиш.

205

Соянг сени манзилимизу хонамиз-ей,
 Зулфинг эса банди дили девонамиз-ей.
 Ҳар гўшада бир шам, икки-уч парвона,
 Бизлар бир бошқа шамга парвонамиз-ей.

¹ *Мусои Имрон* – яҳудийлар пайгамбари Мусо алайҳис-салом. *Имрон* – унинг отаси.

² *Бирубор* – ягона, доимий, мавжуд; Тангри.

206

Мен барчадан узгайман умидни осон,
 Мустасно факат жонимга берган жон.
 Сен деб узилар бошка нимадан барча,
 Сендан узилишга сира борми имкон?!

207

Кўнглим кулоғи ҳалқасидан бохабар-ей,
 Дил ҳалқасида ҳалқасидан-да батар-ей.
 Остин-устун бўлди фалак-да ғамидан,
 Ҳар зарра-да офтоб каби дарбадар-ей.

208

Дўст дўстлигидан сиғмасман ўзимга,
 Дўстим назари йўк – ишонинг сўзимга.
 Берган эмас ошиқ комини маъшук ҳеч,
 Кирган бу азалдан одату лузумга.

209

Куфру исломдан хориж бир сахро,
 Бу сахро ўртасида менда савдо.
 На куфру на ислом бордир бу ерда,
 Бош кўйгуси ориф¹ унга етган асно.

¹ *Ориф* – маърифат соҳиби, Аллоҳни таниган киши, комил инсон. Аллоҳнинг зоти, сифатлари ва исмларини мушоҳада этадиган завқий ва важдий илмлар эгаси бўлган зот.

210

Ой юзли этиб лутфин аён келди бугун,
 Жон олдига пайдою ниҳон келди бугун,
 Масту хушу шўху беимон келди бугун,
 Қандай тиласам, шундай, ишон, келди бугун.

211

Бу тун менинг туним заифу зордир,
 Кўнглимдаги бор сир бу тун ошкордир.
 Кўнглимдаги барча сир хаёли ёрдир,
 Эй тун, ўта кол тезки, ишим душвордир.

212

Бу кеча мену тавофи кошонаи дўст,
 То тонггача манзилим бўлар хонаи дўст.
 Зероки, бу бош косаси ҳар тонгда бўлар
 Май ичиш учун кўлида паймонаи дўст.

213

Ким мағизни билмас, уни алдар пўст,
 Жоннинг ичидан аслида жой олган дўст.
 Тан мағзи ҳису ҳис мағзи бўлса жондир,
 Ўтсанг баридан, қолгани У бекаму кўст.

214

Эй жон, хабаринг борми, жононинг ким?
 Эй дил, хабаринг борми, меҳмонинг ким?
 Эй тан, топасан ўзингга йўл хийла билан,
 Сен англа хароб бўлмай султонинг ким?

215

Эй жон, дилингдан дилимга йўл бор,
 Бу йўлни топиш сири дилимга ошкор.
 Зероки, дилим соф мусаффо сувдек,
 Соф сув эса ой кўзгуси бўлгай, эй ёр.

216

Эй дил, сену дил дардию, дармон шудир,
 Ғам чекмаю дам урмаки, фармон шудир.
 Орзу йўлида агар қадам кўймоқ эсанг,
 Нафсинг итини ўлдир – фармон шудир.

217

Ҳар жузвимда¹ нишони маъшукни кўринг,
 Ҳар қисмимда забони маъшукни кўринг.
 Гўёки наю чангман маъшук кўлида,
 Ҳар ноламда баёни маъшукни кўринг.

218

Чеккан бу ғамим охири дармон бўлди,
 Пастим баланду куфрим имон бўлди.
 Жону дилу тан парда эди бу йўлда,
 Тан дилу дил жону жон жонон бўлди.

219

То бор эканман, касбу корим шудир,
 Мен овчи эмасману шикорим шудир,

¹ Жузв – қисм, бўлак, улуш, ҳисса.

Шудир тириклигиму борим шудир,
Орому карору ғамгусорим¹ шудир.

220

Деманг уни кулгисию сиймоси гўзал,
Қаҳру ғазоби, таънаю ғавғоси гўзал.
Бошимни тилар у: бераманми ё йўк?
Бошимни тилар вақти – тақозоси гўзал.

221

Тавбани нима қилайки, у соянг эмиш,
Тавба сири юки жумла сармойанг эмиш.
Қошингда гуноҳ борми батар тавбаданам?
Борми бир тавба лойиқи поянг² эмиш?!

222

Ғам йўк бу жаҳонда, ёр, ғамингдан-да батар,
Дил хастаю тан хароб, кабоб бўлди жигар.
Ҳар не камаяр еса ғамингдан ўзга,
Еган сари ишқинг ғами бўлса кўпаяр.

223

Жон дўсту яқин эди, бегона эмиш,
Ақлим табиб эди, энди девона эмиш.
Бойлар кўмади ганжини вайрона аро,
Бизнинг дил эса ганж ила вайрона эмиш.

¹ *Ғамгусор* – ғамни кетказувчи, кўнгилни очувчи, ғамхўр, меҳрибон.

² *Поя* – 1) мартаба, даража; 2) асос, пойдевор.

224

Эй жони жаҳон, жони жаҳон сен ила хуш,
 Тиғ урсанг агар, захми, ишон, сен ила хуш.
 Олтину жавоҳир бу замин сен боис,
 Ҳар қанча азиздир бу макон, сен ила хуш.

225

Ёр ишки менинг ҳамиша кўнглимда эмиш,
 Ҳалка-ҳалқа кокили кўлимда эмиш.
 Мен кеча қадах масти эдим, аммо бугун
 Қадах ўзи маст бўлиб, йўлимда эмиш.

226

Ёр суратига бошдан-оёк тўлди кўзим,
 Ёр акси кўзимдалигидан шодман ўзим.
 Ё ёр кўз ўрнида-ю, ё кўз ўзи ёр,
 Бўлмайдди уларни ажратиб – чин сўзим.

227

Золироқдир кўзлари даврондан ҳам,
 Ўткирроқ киприклари пайкондан¹ ҳам.
 Розингни келиб аста қулоғимга айт,
 Чунки қулоғим оғир палаҳмондан ҳам.

228

Ёрим каби ҳусн аҳли аро жонон йўк,
 Жондек унга ҳалокату поён йўк.

¹ Пайкон – 1) ўқнинг учи; 2) тиконнинг учи.

Ур оғзига лоф этса агарда нодон,
Бўйлашгали ҳеч кимда унга имкон йўқ.

229

Жон бахти оёгинг тупроғи, жонон,
Тупроқда қадамингдан ўсар гул, райхон.
Асли қадаминг тупроғидан бошдан-оёқ
Топди шу қадарлик зийнатни ҳар ён.

230

Ҳар қанчаки суратингда маъно – бари У,
Ҳар қанчаки бу маънида даъво – бари У.
Поклашга жаҳонни қанча нур лозим эса,
Ундан бари, нури дину дунё – бари У.

231

Мақсад йўлида оқилу девона тенг,
Ишқ оламида яқину бегона тенг.
Ёр васли майига ким муяссар бўлса,
Наздида унинг Каъбаю бутхона¹ тенг.

232

Сенинг суратинг кўзида гар дом бордир,
Кеч домдан, агар кўнглингда ком бордир.

¹ *Бутхона* – бутпарастлар ибодатхонаси. Тасаввуфда лохут олами, яъни ваҳдати кулл кўзда тутилиб, аҳадият зотининг мазҳарияти маъносида ҳам келади.

Ўн саккиз минг олам¹ ичида дилга,
Билгай, на ҳаракату на ором бирдир.

233

Боғимда агар сарву агар гулзордир,
Акси қаду рухсори ўшал дилдордир,
Номингга сенинг ҳар лаҳза иқрордир
Ҳар бир томирим агар бугун хушёрдир.

234

Ишқингда неча ҳийла этдим ҳечдир,
Ҳар канча ичу этимни едим ҳечдир.
Дардингда сенинг заррача дармоним йўк,
Дармон ким этар, аслида дардим ҳечдир.

235

Аҳду вафо ичра шунчалик дилдорим,
Қон йиғлаш ила кечар мудом рўзгорим.
Топиб бир ўзга ёрни у хотиржам,
Мен хастаю қон, дилимда оху зорим.

236

Ишқинг кўйида сабр бефармондир,
Ғам акси кўзимнинг ёшида пинҳондир.
Дил дарди агар ҳамиша бедармондир,
Рози барига бечора хаста жондир.

¹ Диний тасаввурлар ва тасаввуф фалсафасига кўра, ўн саккиз минг олам мавжуд. Бу тушунча қоинотнинг бепоёнлигию мавжудотнинг беҳисоблигини англатади.

237

Кўйгил кадаминг агарчи йўл бепоён,
 Кўз ташлаш узоқдан номард иши ҳар он.
 Бу йўлда кўнгил ҳаётини қил ҳосил,
 Зеро, тан ҳаёти сифати ҳайвондир.

238

Васл ичра жамоли гули хандонимдир,
 Ҳажр ичра ҳаёли дину имонимдир.
 Дил менда-ю, шундан дил ила жанг қиламан:
 «Дард эса санам сенга, менинг жонимдир».

239

Ҳам дарвешу¹ ҳам ошиқ эса ким – султон,
 Ишки ғами бир хазина, аммо пинҳон.
 Дил уйини вайрон этдим ўз қўлим ила,
 Вайронада бўлар хазина деб ҳар он.

240

Оёғу қўлу кўз иккита бўлса раво,
 Ёр кўнгли агарда иккита бўлса хато.
 Маъшук баҳона асли, маъбуд Худо,
 Ким икки деса уни, жухуду тарсо².

¹ *Дарвеш* – тасаввуф истилоҳотида изловчи, истовчи маъносини ифодалаб, сўфий, фақир, ошиқ, ориф, соҳибдил, соҳибасрор, соҳибназар каби ўзини Ҳаққа бағишлаган кишиларнинг тимсоли бўлиб келади.

² *Тарсо* – насроний.

241

Дил бор экан кўксимда, у маъвойи ғаминг,
 Бегонаю элга, аммо ошнойи ғаминг.
 Лутф аслида кўнглимда ғамингнинг бўлиши,
 Йўкса тор дил бўлармиди жойи ғаминг.

242

Девонаман – девонада уйку на қилар?
 Девона каердан уйку йўлини билар?
 Зеро, Худо ухламас – ҳамиша бедор,
 Ким севса Худони, қачон уйкуни тилар?

243

Тун кирдими кел – тун сирингни асрар,
 Душман кўзи ҳар бир кадамингни ўлчар.
 Дил ишқига лим-лим, кўзда бўлса уйку,
 То тонггача ёр жамолидан жон яйрар.

244

Дунёни эгаллаб олса-да, кайғу-ғам,
 Беғам бўлади ким ишкни тутса маҳкам.
 Ишқ этса асар заррага олам бўлар-у,
 Таслим бўлади унга ҳар икки олам.

245

Биз ошиғи ишқу ишқ ўзи бизга нажот,
 Жон мисли Хизр, ишқ эса оби ҳаёт.

Вой ҳолига ишқ ёрлиғи йўқ кимда агар,
Ҳайвонга қаердан маълум кони набот?!

246

Бор бизга бу тилдан ўзга бир тил, аён,
Бор дўзаху жаннатдан бир ўзга макон.
Озода кўнгиллар жони бир ўзгача жон,
Пок гавҳарининг манбаи ҳам ўзгача кон.

247

Дейди кишилар ишқ оқибат таскиндир,
Аввал ғалаёну охири тамкиндир¹.
Тегирмон итарса-да қуйига тошни,
У юқорига интилиши тайиндир.

248

Мен тоғман, овозим садои ёрдир,
Мен нақшу нақшбандим ул дилдордир.
Кирганда калит шиқирлаган кулф каби
Чиккан бу овоз сўз бўлиши душвордир.

249

Сен айла хаёл: ичинг мисоли ғордир,
Ғор орқасида ажойиб бир бозордир.
Ҳар ким ёрини топиб, битирди ишни,
Бу ёри ниҳоний ажойиб ёрдир.

¹ Тамкин – витор, улуғлик, вазминлик.

250

Эй хаста кўнгил, кил бугун мардоналиғ-ей,
 Ёр ишкида борми сира бегоналиғ-ей?
 Ҳар нарса ақл тасарруфига кирса,
 Ўт баҳридан, энди вақти девоналиғ-ей.

251

Ҳар куни дилим ғамингда минг зор, эй ёр,
 Бу тош дилинг мендан безор, эй ёр.
 Кўнглим тубидан ғамингга жой бердим мен,
 Сендан-да ғаминг менга вафодор, эй ёр.

252

Ёр наздида гул билан тикан – хор бирдир,
 Ёр мазҳабида Мусҳафу¹ зуннор² бирдир.
 Мен нега чекай бу ёр ғамини, унга
 Оксок эшагу учкур от зинҳор бирдир.

253

Ёрнинг дарди давои ҳар бемордир,
 Ким ёр бўлса унга, ўшанга ёрдир.
 Дерлар менга ҳеч орзу қилишдан толма,
 Ёр банду мудом, фақир эса бекордир.

¹ *Мусҳаф* – Қуръон.

² *Зуннор* – насроний динидагилар белига боғлайдиган чил-вир. Ислоом мамлакатларида ғайридинлар ҳам зуннор боғлаб юришган. Тасаввуфда зуннор – ҳақиқий маҳбуба хизмати ва тоатига бел боғлаш.

254

Бир кун бўлади – висол иши соз келгай,
 Бу жон кушига маҳалли парвоз келгай.
 Қайтиш хабарин агар эшитса шоҳдан,
 Парвоз қилибон шоҳ қўлига боз келгай.

255

Ҳар ким таниса сени, у жонни на қилар?
 Фарзанду аёлу хонумонни¹ на қилар?
 Девона қилиб, икки жаҳонни берасан,
 Девона киши икки жаҳонни на қилар?

256

Ҳар кимки сени кўрса-ю, хандон бўлмас,
 Хайратдан очиб оғзини, ҳайрон бўлмас,
 Ҳар қанчаки бор, яна юз чандон бўлмас,
 У лою сомондан ўзга ҳеч он бўлмас.

257

Мени киши гар сидкига иқроқ қилса,
 Жойимни қўғирчок каби бозор қилса,
 Бозордан безорман – мен бошқа одам,
 Мен бандасиман ким уни инқор қилса.

¹ *Хонумон* – уй-жой, оила; уй-жой жиҳозлари ва маиший асбоблар.

258

Дарддан қачонки қилса жонинг фарёд,
 Ўшанда Худойингни айларсан ёд.
 Аллоҳ хаки, дод этсанг, етар додингга,
 Ноз этсанг агар, барчаси бўлгай барбод.

259

Бир ёрки, аклу хуш шикоридир унинг,
 Бир ёрки, тоғ-да бекароридир унинг.
 Дедим: «Нега зулфингни кесибсан?» Деди:
 «Олам эли барча харидоридир унинг».

260

Дўст оби ҳаётдан бемор бўлмас,
 Дўст васли гулида ҳеч тикан – хор бўлмас.
 Дерлар дилдан-дилга дарича бордир,
 Йўк ҳожат унга, қачонки девор бўлмас.

261

Ишқингдан ўзига сиғмай уммон жўш урар,
 Кўз ёшини булут-да оёғингга тўкар.
 Ишқингдан отару ўзини ерга яшин,
 Шуъласи унинг тамоми осмонни тутар.

262

Тупрок, рамазонда тутса, зар бўлгусидир,
 Тош хатто сурмаи басар¹ бўлгусидир.

¹ Басар – кўз.

Бир лукма есанг агар зарар бўлгусидир,
Сабр этсанг агар биров гухар бўлгусидир.

263

Эй, сендан бор мушкулим осон бўлгай,
Сарву гулу боғ масти эҳсон бўлгай.
Гул сармасту тикан бадмасту хумор,
Май тутсанг агар, барчаси яксон бўлгай.

264

Бир тунки бу тун – тарк этилмас хона,
Ҳеч ёри ягона бўлмагай бегона.
Бир тунки бу тун – дўсту якинлар хуррам
Ёнгай иштиёқ ўтида мастона.

265

Эй тонг асарини вақти шом ким кўрди?
Бир ошиқи содиқ – эзгу ном ким кўрди?
Куйдим дея фарёд чекасан ҳар лаҳза,
Куйган кишини, ҳолбуки, хом ким кўрди?

266

Бу танҳолик минг бир жондан ортиқ,
Бу озодлик мулки жаҳондан ортиқ.
Хилватда Худо билан бир он бўлсанг агар,
Йўқ икки жаҳонда шу – бир ондан ортиқ?

267

Солсам назарим ёрга, хижил бўлгусидир,
Олсам назарим, офати дин бўлгусидир.
Ўйнар юзида терлари мисли юлдуз,
Юзи сувисиз сувим гил бўлгусидир.

268

Эй дил, кўзингни оч, жаҳон ўтгусидир,
Сармоёи умр бўлиб зиён ўтгусидир.
Тан манзилида маҳбусу ғофил бўлма,
Умр манзилидан, бок, карвон ўтгусидир.

269

Ким то ўзидан фонийи¹ мутлак бўлмас,
Тавҳид² унга сира муҳаккак³ бўлмас.
Тавҳид кечиб ўздан, етишингдир Ҳаққа,
Бу – ёлғон эмас, бу ботили Ҳақ бўлмас.

270

То мадрасаю минора вайрон бўлмас,
Дарвешлик иши созу бенуқсон бўлмас.
То имон куфру куфр имон бўлмас,
Ҳақ бандасидан биров мусулмон бўлмас.

¹ *Фоний* – йўқолиш, маҳв бўлиш. Тасаввуфда моддий боғлиқликлардан буткул кутулиб, фақат Худо ёди билан яшаш, Худодан ўзгага эҳтиёжсизлик.

² *Тавҳид (ваҳдат)* – Аллоҳ таолонинг бирлиги, ягоналиги. Бу тушунчага кўра борлик ягона бир вужуддан, оламдаги барча нарсалар унинг тажаллийси – намоён бўлишидан иборат.

³ *Муҳаккак* – хақиқат.

271

Ишқинг ғам-азоби бениҳоят бўлди,
 Шавқингдан ишим арзу шикоят бўлди.
 Гар истамасанг тонг чоғи нола қилишим,
 Лутфу карам эт – вақти иноят бўлди.

272

Бир жони самандар¹ каби зорим бордир,
 Ишқи оташида хуш қарорим бордир.
 Қуй лабларининг бодасидан, эй соқий,
 Бошда ундан ажаб хуморим бордир.

273

Жон изласам, уммон ичра маржон келди,
 Уммон тубида бироқ у пинҳон келди.
 Бу тийра² кўнгил билан тор бир йўлдан
 Юрдим, юрдим – бир биёбон келди...

274

Ҳар жондаки Ҳақ ишқи хаёли бўлгай,
 Бу жонни(нг) қачон нуқсу заволи бўлгай.
 Ой нуқси агар вақти ҳилоли бўлгай,
 Бу нуқс ибтидои³ камоли бўлгай.

¹ *Самандар* – афсонага кўра олов ичида туғилиб, олов ичида яшовчи, ранги ҳам оловранг жонивор.

² *Тийра* – 1) қора, қоронғи, хира, нурсиз; 2) қайғули, ғам-ғуссали.

³ *Ибтидо* – бошлап, бошланиш; бош, аввал.

275

Ҳар ердаки, сен каби нигор бўлгусидир,
 Бас, куфр агар у ерда қарор бўлгусидир.
 Ақл топсаю сени, кечмаса бошдан агар,
 Янчилик илон каби у хор бўлгусидир.

276

Кўзингда минг сеҳри мутлак бордир,
 Ҳар гўшада минг жон муаллак бордир.
 Зулфинг куфру ой каби юзинг диндир,
 Бок, куфрдан динга канча равақ бордир.

277

Гулларга кўзинг агарда наззора қилар,
 Оҳ-ноласига фалакни ким чора қилар?
 Минг йиллик май ҳам қила олмас ишни
 Бир йиллик ишқ савдоси бир бора қилар.

278

Сенинг бу саховатингни дарё қилмас,
 Лутфинг бугун-эрта дея савдо қилмас.
 Бир нарса сўрашнинг сендан ҳожати йўқ,
 Офтобдан нур биров тавалло қилмас.

279

Ёнғокнинг ичида мағзи ширин бўлгай,
 Гавҳарга садафнинг¹ ичи тўлғин бўлгай.

¹ Садаф – ичида гавҳар етиладиган ҳуққа.

Интилма ҳасаддан уни синдирмоққа,
Синса-да, у минг зарраи заррин бўлгай.

280

Қилди мени хомуш сўзу гуфторинг¹, ёр,
Бекор қилди ҳаловати коринг, ёр.
Дилнинг уйига кочган эдим домингдан,
Дил дом бўлибон қилди гирифторинг, ёр.

281

Ишк аҳли дили кони нақ уммон бўлади,
Ишк аҳли кўпикдек унда сарсон бўлади.
Жисминг тегирмону унинг суви ишк,
Сувсиэ тегирмон хонавайрон бўлади.

282

Банд этди мени бу зулфи банд узра банд,
Қон қилди мени лаблари канд узра канд.
Ҳар ваъдаи дийдоринг ҳеч узра ҳеч,
Ҳажринг ғами бўлса пайванд узра пайванд.

283

Ҳақ суҳбатида хомуш бўлган яхши,
Кўру кару гунг, беҳуш бўлган яхши.
Топмок тиласанг нажот дили бедордан,
Дил аҳлига² дўсту эш бўлган яхши.

¹ Гуфтор – сўз, нутқ.

² Дил аҳли – маърифат аҳли, орифлар, донишмандлар.

284

Ишқинг фалак ичига агар жо бўлгай,
То Аршга қадар фитнаю ғавғо бўлгай.
Рух бўлса агар жаҳон на юксак, на қуйи,
Ишқинг ундан баланду аъло бўлгай.

285

Майхонаи¹ ишқ ичра қани мендай маст?
Хуму кўзаларни синдириб, қилган паст.
Мавж ургуси май денгизи ердан то фалак,
Кўлимга қадах токи қиёмат пайваст.

286

Топмас сира нафъингда ҳушу ақл омон,
Исботинг йўлида у то бермаса жон.
Сендан холи бўлмаса-да ҳеч манзил,
Бўлмайди топиб сендан ҳеч ерда нишон.

287

Дарвеш киши асрори жаҳон бахш этади,
У борини текин бегумон бахш этади,
Бу тоифа ўйламаки, нон бахш этади,
Дарвеш сўраганга жисму жон бахш этади.

¹ *Майхона* – шавқу завқу илоҳий файзга қон қомил орифнинг ботини. Илоҳий олам маъносида ҳам келади. Пири муршиднинг хонақоҳи, Ҳақ толиблари тўпланадиган жой ҳам тушунилади.

288

Ёр танбеҳи ҳам дуога ўхшаш бўлгай,
 У лаъл кабидир агарда оташ бўлгай.
 Танбеҳи унинг ҳамиша дилкаш бўлгай,
 Ел қанча гул узра эсса, хуш бўлгай!

289

Дилтанг бўлма, дил очгучи ёр келгай,
 Қилсанг умид эзгуликни зинҳор келгай.
 Қайрилди қаноти пашша янглиг¹ ғамнинг,
 Қофдан² Ҳумо³ бўлиб мададкор келгай.

290

Дил барча хикоятни баҳорингдан этар,
 Жон барча сўзини лозорингдан этар.
 Кайфини шу кўзлари хуморингдан этар,
 Хизматни шу лаъли беғуборингдан этар.

291

Кеча сув ойингдан осмон ичгай эди,
 Бу оби ҳаётингни жаҳон ичгай эди.
 Умрингга умр қўшгуси бу оби ҳаёт,
 Шундан тирик ҳар бир жон ичгай эди.

¹ *Янглиг* – каби, ўхшаш, сингари, монанд.

² *Қоф* – аждодлар тасаввурига кўра бутун дунёни ўраб олган тоғ.

³ *Ҳумо* – кимнинг бошига сояси тушса, ўша киши бахтли бўлади, деб эътиқод қилинадиган афсонавий давлат қуши.

292

Халк ўртасида девона пайдо бўлади,
 Савдо отини миниб хувайдо¹ бўлади.
 Девона кишини танимайди барча,
 Бизга эса у танишу ошно бўлади.

293

Зиндони унинг нажотдан ҳам яхши,
 Дашноми унинг наботдан ҳам яхши,
 Шамшири унинг ҳаётдан ҳам яхши,
 Етказгани захм савғотдан ҳам яхши.

294

Ошиқ дили тунда тўла савдо бўлади,
 Яхши-ёмон кўзга бепарво бўлади.
 Дил қони билан ниҳон сафар қилмоққа
 Тун чоғи кулай дам хар асно бўлади.

295

Софийсифату пок назар бўлмоқ шарт,
 Ҳақдан ўзгасидан беҳабар бўлмоқ шарт.
 Ҳар лаҳза агарда бўлса минг бир дардинг,
 Излаб яна дард дарбадар бўлмоқ шарт.

296

Сенинг ошиғинг, билки, мусулмон бўлмас,
 Ишк мазҳабида куфру² имон бўлмас,

¹ *Хувайдо* – очик, ошкор, аён.

² *Куфр* – тасаввуфда бу дунё зулмати. Яна: ваҳдатнинг касрат-да маҳв бўлиши. Ҳақиқий куфр абадий фанодир ҳам дейдилар.

Ишқ ичра тану ақлу дилу жон бўлмас,
Бир бўлган бунда икки ҳеч он бўлмас.

297

Ҳар дам ошиқ икки жаҳон ўйнайди,
Юз йили бақони бир замон ўйнайди.
Минг манзилни босиб ўтар бир дамда,
Кўнгил йўлида минг бир жон ўйнайди.

298

Бу ишқ азалдан то абад бўлгусидир,
Ишқ излагучилар беадад бўлгусидир.
Эртага қиёмат куни бўлса ошқор,
Ким бўлмаса ошиқ, ўша рад бўлгусидир.

299

Ишқинг майидан бутхона аҳли-да маст,
Сендан топди бутлар бозори шикаст.
Дардинг қўли ҳар икки жаҳонга етади,
Ҳар икки жаҳон қаршисида бўлгуси паст.

300

Ишқинг жаҳон аҳлини қўймайди омон,
Ҳажринг жон олгувчи ажалдир бегумон.
Минг бир жонга алишмаган кўнглимни,
Бир кулги билан текинга олдинг-ку, нихон.

301

Ишқ келди-ю, ишқларни килди савдо,
 Куйдирди-ю, совурди кулимни ҳатто.
 Бу кул яна ишқ ичра куйиш орзусида
 Ўзини ўзи қайтадан этди пайдо.

302

Келди-ю ҳайит, сендан ҳайитона олар,
 Дилга шу ойинг хирмонидан дона олар.
 Ойингга қараш иложини гарчи топар,
 Топмайди илож то у учун хона олар.

303

Сабр этсам агар, дил ғамдан танг бўлади,
 Фош этсам агар, ғаним иши жанг бўлади.
 Ҳолим бўлади баттар тийсам ўзни,
 Дерсан: «Ишинг ишқимда, нахот, нанг¹ бўлади?!»

304

Ҳеч воқифи асрори шоҳона эмас,
 Ким бедилу беаклу бехона эмас.
 Юзингни кўрар девона бўлса ким – ўша,
 Сендан узок тушса, у девона эмас.

305

Дединг: «Кишига тил нима маҳрам бўлгай?
 Ҳар бир нима маҳрам қачон ҳам бўлгай?»

¹ Нанг – ор, уят, номус.

Ул дам сирини баён қилиб бўлмас ҳеч,
Яъни хокдан хилқати одам бўлгай».

306

Ким ғам ер агар у шоди мутлак бўлгай,
Кўнгли етти чарх узра нак бўлгай.
Қандай қадар у ғам уруғи ерга агар
Еру кўк орасинда муаллак бўлгай.

307

Ғам ерми киши сен ила хуррам бўлгай,
Нуригдан офтоби олам бўлгай.
Қандай қилиб олам сирини қолсин пинҳон,
Кимнинг кўнгли сен ила маҳрам бўлгай?

308

Ёр лаъли лаби шакарфурушликни билар,
Ғайб оламидан у боданушликни¹ билар.
Айтай десам отини ижозат йўқдир,
Мен бандаман унгаки, хомушликни билар.

309

Ишқинг ғами менга ҳеч имон бермайди,
Борми кишиким, ғамингда жон бермайди.
Ҳажрингда сенинг минг бир дил бўлди хароб,
Васлингдан ҳеч киши нишон бермайди.

¹ Боданушлик – майхўрлик.

310

Топдик ишк тимсолида биз маҳрамимиз,
 Ҳар дам қилиб ишкқа нисор ҳар дамимиз.
 Ҳар дамда бу ишк сабр уйини ғорат этар,
 Ҳар бир дамимизда ишк эрур ҳамдамимиз.

311

Маъно сирини биладилар мард эрлар,
 Халқдан яширину Ҳақ ғамини ерлар.
 Дунё ишини кўринг: ким Ҳақни таниса,
 Мўмин бўлару халқ уни кофир дерлар.

312

Дил куши бузиб кафасни парвоз қилади,
 Олам-олам, жаҳон-жаҳон роз қилади.
 Юксалди заминдан, энди ҳар икки жаҳон
 Очиб унга оғушини, эъзоз қилади.

313

Мен бандаси у қавмнинг, ўзни билгай,
 Кўнглини қусурлардан агар пок қилгай.
 Ўз зоту сифотларидан озод бўлибон
 Лавҳида вужудининг «Аналҳак» қолгай.

314

Мен бандаси ёрниким, малоли бўлмас,
 Ҳар кимда малол бўлса, висоли бўлмас.

Дер: «Сенга висол қайда – хаёлинг бу бари»,
Сув хира экан токи, хаёли бўлмас.

315

Кўлимга ёғоч олган эдим, уд бўлди,
Қилсам-да ёмонлик, бари масъуд бўлди.
Дерлар сафар ойида сафар яхши эмас,
Мен бўлса сафар айладиму суд бўлди.

316

Ҳар умрки, дўстлардан айру бўлади,
У мисли ўлим ва ёки уйқу бўлади.
Сув қилса хира табъингни у худди захар,
Пок этса захар мисоли соф сув бўлади.

317

Хушёр бўл, Ҳақ фазли баногоҳ келади,
Ҳар дилгаки, у агарда огоҳ, келади.
Жисминг уйини айла ўзингдан холи,
Холи бўлса, бу уйга у шох келади.

318

Ёд этсам агар уради кўнглим туғён,
Ёш ўрнига кўзларимдан оққайдир кон.
Ёрнинг хабари ҳар ерда етган он,
Бечора дилим урар ўзини ҳар ён.

319

Эй дўсту яқинларим, жудолик қилманг,
 Ҳеч бир-бирингиздан норизолик қилманг.
 Тарк айламангу кибру ҳаволик қилманг,
 Амр этди вафони, бевафолик қилманг.

320

Бир дам нафсинг агарда маҳкум бўлгай,
 Бор пайғамбарлар илми маълум бўлгай.
 Дунё тилаган ғайб илми суврати, бас,
 Фаҳминг ойинасида мафҳум бўлгай.

321

Қоп-қора сочи-ю, қадди раъносига бок,
 Ширин лабининг бу каби шайдосига бок.
 Десам: «Лабинг учидан бағишла бўса»,
 Лаб бурди-ю, кулди у: «Бу савдосига бок!»

322

Жон соқийси тутсин бир жом охир,
 Бу дил қуши айласин тарк дом охир,
 Қўлимга фалак ҳам бўлсин ром охир,
 Қошимда десин узрини айём охир.

323

Бўлдим бугун ташна жуда, масту хумор,
 На дил қолди, на ақлу, на сабру қарор.

Кўзимдан оқиб ёш, кўйида сарсонман,
Сокий, килу ҳиммат, айла бода нисор.

324

Кавсар¹ сувидан яхши кўйи тупроғи,
Йўлида ҳуш ошиқ бошидан-оёғи.
Эшитди ой ишқинг доираси бонгин,
Эгилди-ю, сўнг синди унинг ўроғи.

325

Интилма юқорига сира, паст яхши,
Ҳушёр бўлма, асли юриш маст яхши.
Ёр борлиғи ичра маҳв айла ўзни,
Чунки ўзига бўлмоқ пайваст яхши.

326

Мунча чекасан нафс ғамини бекор,
Мунча туюдек излаганинг емиш, хор.
Мунча чопасан ахтара нону динор²,
Эй кофир одам, қачон бўласан диндор?

327

Бир куни санам кабрига бордим мен зор,
Гуллар очилиб кабрида, бўлмиш гулзор.
Тупрокка дилим амрини этдим изҳор:
«Дилдори вафодоримни асра, зинҳор!»

¹ *Кавсар* – жаннатдаги ҳовуз, булок. Унинг суви асалдан ширин, қор ва сутдан оқ бўлиб, ичган киши абадулабад ташналик нималигини билмайди.

² *Динор* – олтин танга.

328

Табъимга ҳаёт бағишлади жилваи зикр,
 Шеър келинин олди бағрига хонаи фикр.
 Хар байт ичра бўлди намоён минг қиз,
 Марям¹ каби ҳомиладор ҳамда бикр².

329

Сенсиз унади гул эксам, ўрнига тикон,
 Товус тухумин бостирсам, чиккай илон.
 Қўлимга рубоб олсам ғамнинг зўридан,
 Саккиз жаннат бўлар жаҳаннам бегумон.

330

Дедимки: «Кўзим». Деди: «Йўлига тик ҳар он».
 Дедим: «Жигарим». Деди: «Мудом айла кон».
 Дедимки: «Дилим». Деди: «Дилингда не бор?»
 Дедимки: «Ғаминг». Деди у: «Асра пинҳон».

331

Дедимки: «Кўзим». Деди: «Саҳоб³ бўлгусидир».
 Дедим: «Ашким». Деди: «Сароб бўлгусидир».
 Дедим: «Юрагим». Деди: «Кабоб бўлгусидир».
 Дедимки: «Таним». Деди: «Хароб бўлгусидир».

¹ *Марям* – Исо алайҳиссаломнинг онаси.

² *Бикр* – пок, бокира.

³ *Саҳоб* – булут.

332

Дедим: «Чик боғ сайрига кулганда баҳор,
 Бор созу маю шам, яна гул юзли нигор.
 Ҳар ердаки сен йўксан – улардан нима наф?
 Ҳар ердаки сен бўлсанг – уларга нима бор?»

333

Ҳар лаҳза кулоқда янгрисин асроринг,
 Ҳар лаҳза кўринсин кўзга дийдоринг,
 Зеб бўлсину базмимизга соз, хумморинг,
 Бўлсин мудом ишқингда бехуд¹ хушторинг.

334

Тонг чоғи ғанимат, келтир соф май, ёр,
 Ўлим каби бу тириклик эсанг хушёр.
 Ё тингла рубоб куйини ўзни унутиб,
 Ё доғ тўла бу куюк дилинг от зинҳор.

335

Эй ишқ, бағишладинг бу жонга парвоз,
 Жон чангини лутфинг билан қилдинг соз.
 Бир зарра иноятингга етмас, ё Раб,
 Минг йил қилса агарда тасбеҳу намоз.

¹ Бехуд – ақлу хушини йўқотган, маст, ихтиёрсиз. Тасаввуфда ўздан беҳабар, ошиқлик ва мастлик мақомидаги киши.

336

Бу кеча санам биз билан айтишди роз,
 Эй кеча, мудом топ эхтирому эъзоз.
 Туннинг қора кузғунлари шоддир жоннинг –
 Оқ лочини бирлан қиламиз деб парвоз.

337

Жонинг-ла бугун шодман, хар асно ҳам,
 Ҳам сувману ҳам гавҳару ҳам дарё ҳам.
 Ҳам ишу иш орттирувчи ошно ҳам,
 Етказгучи кўнгил сўзини гўё ҳам.

338

Эй лола, кел-у, чехрамдан ранг ўрган,
 Эй сафро, кел, кўнглимдан чанг ўрган.
 Тинглаб бу висол навосининг оҳангин,
 Эй бахти абад, кел, ундан оҳанг ўрган.

339

Дил ҳолини сўра тонгда эсган боддан,
 Ношод¹ бўласан сўрсанг агар ношоддан.
 Бўлса бегуноҳни ўлдириш орзу агар,
 Сўр йўлини ўз жоду кўзинг – сайёддан².

¹ Ношод – шод эмас, ғамгин, хафа.

² Сайёд – овчи.

340

Бўлдим ғамида зору паришон, сўрама,
 Ох, қанчалик оввораи сарсон, сўрама.
 Қилсанг сафар, эй хаёл куши, ёр сарига,
 Ҳолимни аён айла-ю, чандон сўрама.

341

Очилди дилимда гулдай асрори ғаминг,
 Дунё гулига алишмагум хори ғаминг.
 Ўткинчи жаҳонда боримизнинг сабаби
 Сомон каби юзимизу девори ғаминг.

342

Бир боккан эди менга кўзи хуммори,
 Кўзимни хира қилди йиғию зори.
 Кўйганмиди наргис кўзига сурмани у,
 Сурмага беланибди бутун рухсори.

343

Ранг ёр юзидан ўзига ўғирлади гул,
 Ўғри каби осилди сабо дорига ул.
 Қайтар дея жон эвазига этса-да зор,
 Булбул сўзин этмади сабо асти кабул.

344

Нола қилсам, дейдики: «Яъқуб бўлма!»
 Сабр этсам агар, дейдики: «Айюб бўлма!»
 Бошимни эгиб, чеккага олсам ўзни,
 Дейди кулиб: «Эй, сурмакаш чўп бўлма!»

345

Дерлар: «Ишк оввозаи номдир». – Ёлғон.
 Дерларки: «Ишк умиди хомдир». – Ёлғон.
 Жон ичра ниҳон асли саодат Зуҳали,
 Дерлар: «Жойи еттинчи томдир». – Ёлғон.

346

Дерлар: «Ёр бўлмайти вафодор». – Ёлғон.
 Дерлар: «Охиратда йўк дийдор». – Ёлғон.
 Дерлар: «Майни айла инкор». – Ёлғон.
 Дерлар: «Жон бахш этмас зинҳор». – Ёлғон.

347

Тамкину қарорим кимда бор ишк ичра?
 Мастлигу хуморим кимда бор ишк ичра?
 Мен сув тиласам агар, санам мисли шамол,
 Бу кирдикорим кимда бор ишк ичра?

348

Кимнинг дилида бўлса агар гавҳари ишк,
 Кўксига унинг санчилади ханжари ишк,
 Огоҳ бўласан очсанг агар дафтари ишк:
 «Кимнинг боши ўрнида, ўшандан нари ишк».

349

Ҳар кун чиқади янгидан у дилбари ишк,
 Ошиқлари бўйнига уриб ханжари ишк.
 То айламасин даъво деб ошиқ бари ишк,
 Ранж ичра яширди Ҳақ ўзи гавҳари ишк.

350

Ошиқ дили ғам оташидан доғ бўлади,
 Ё этаги ишқ дастидан чок бўлади.
 Ошиқни(нг) тавоф этар ери хок бўлади,
 Ошиқ вужудидан бу жаҳон пок бўлади.

351

Кўриб сени очилмаса ким худдики гул,
 Гўёки ичи бўш ноғора каби ул.
 Кофир бўлади мангуга шод айламаса
 Ҳар кимсани Ҳак даъвати, дийдори Расул.

352

Бу ишқ камолдиру камолдиру камол,
 Бу нафс хаёлдиру хаёлдиру хаёл,
 Бу ишқ жалолдиру¹ жалолдиру жалол,
 Бу кун висолдиру висолдиру висол.

353

Бу сўзни эшит мендан, эй шамъи Чигил²,
 Ҳар канчаки йўл бўлса-да дилдан то дил.
 Кўзимдасан-у, мен эса кўзингда эмас,
 Сен мардуми дийдасан-у, мен мардуми гил.

¹ Жалол – улуғлик, шукух, ҳашамат.

² Чигил – қадимги туркий қабилалардан бирининг номи. Чигил кизлари ўз гўзалликлари билан машҳур бўлишган.

354

То ушбу биёбонда бўлибсан ҳосил,
 Ўлтирма хабарсиз кишилардек ғофил.
 Интил, кадам ур, турма кутиб бир нимани,
 Ётсанг осуда – сенга узоқдир манзил.

355

Кўзга меҳмон бўлди хаёлинг, дилбар,
 Кўз ичра ватан тутди мисоли гавҳар.
 «Ҳар қанчаки сув истасанг ич, эй меҳмон», –
 Соқий бўлиб кўзларим унга айтар.

356

Ҳеч узма умидинг, бўл умидвор, эй дил,
 Бил, ғайб ажойиботи бисёр, эй дил.
 Қасдингга агар кўзғолса икки жаҳон,
 Дўст этагидан қўл узма зинҳор, эй дил.

357

Ҳам шоҳиду дийдасану ҳам шоҳиди дил,
 Юзинг нуридан дийдаю дил бўлди хижил.
 Дерлар: «Нима топдинг кўз ила кўнгилдан?»
 Бу иккисидан ишқу ошиқлик ҳосил.

358

Май жисмим учун агар ҳаромдир, ҳаром,
 Жоннинг у озиғи мудомдир, мудом,
 Қуй майни-ю, ҳеч дема тамомдир, тамом,
 Этгай то абад ичиш давомдир, давом.

359

Қанча ғам чексам, мен шунча шодман,
 Бўлсам хароб канчалик ободман.
 Бўлсам-да замин каби хомушу сокин,
 Асли момақалдирик каби фарёдман.

360

Сархуш булбулдан наво эштаман,
 Елдан оҳанги дилрабо эштаман.
 Кўргайману ёр хаёлини сув узра,
 Ёр хидини гулда доимо эштаман.

361

Мен дард ичра айни даво кўргайман,
 Қаҳру жафода лутфу ато кўргайман.
 Ер каъридан токи фалак токигача
 Ҳар ерда сени мен доимо кўргайман.

362

Гул чехрангдан ҳамиша гулшан эдим-ей,
 Кўзингга караб кўзлари равшан эдим-ей.
 «Бўлсин, – дер эдим, – узок ёмон кўз сендан,
 Ул кўзи ёмон, нахотки, ёр, ман эдим-ей?!»

363

Тушмиш чекима ажаб шикор, қайга борай?
 Бошимга савдою хумор, қайга борай?

Мен зоҳиду¹ хийлагар, агар йўлда тутиб,
Бир бўса бағишласа нигор, қайга борай?

364

Ўзимни бугун ошиғи мастона қилай,
Бош косасидан қадаҳу паймона қилай.
Бугун бу шаҳарни чарх уриб бошдан-оёқ,
Ҳар қанчаки оқил эса девона қилай.

365

Ишқинг ғами бу кеча мудомдир, мудом,
То тонггача жому май давомдир, давом.
Дарду ғаму андиша ҳалолдир, ҳалол,
Уйку, ҳавасу таом ҳаромдир, ҳаром.

366

Дардимни сенга қилиб фиғон айтарман,
Беркитсанг агар қулоқ, ниҳон айтарман.
Яхши биламан, ғамим эшитиб шодсан,
Шундан сенга дардимни ҳар он айтарман.

¹ Зоҳид – узлат ва тақвони касб қилиб олиб, дунё лаззатидан юз ўгирган киши. Бу тоифа ишқ ва ирфондан беҳабар бўлиб, мақсади тақво билан охираат мағфиратини қозониш. Қуръонда ваъда қилинган жаннатнинг ҳузур-ҳаловатига етишиш. Сўфийларнинг ҳар икки дунёдан мақсади Худонинг ўзи, унинг дийдори бўлганлиги учун зоҳидларнинг бу ишини тамагирлик деб ҳисоблайдилар ва уларни танкид қиладилар.

367

Сабр айла бу ғамларга давойингман ўзим,
 Ҳеч ўзгага боқма, мубталойингман ўзим.
 Ўлдим дема ёр кўйида ўлсанг-да агар,
 Сен шукр этаверки, хунбаҳойингман¹ ўзим.

368

То жоним бор асири маржонинг ўзим,
 Дил жам, чунки зулфи паришонинг ўзим.
 Эй най, қил нола – масти афғонинг ўзим,
 Эй чанг, жим бўлма сира – меҳмонинг ўзим.

369

Зулфингга дилу жондан то бандамиз-ей,
 Гоҳ жам у каби, гоҳи парокандамиз-ей.
 Сажда қилиб арвоҳингга айтар барча:
 «Ўлган эдик олдингда, яна зиндамиз-ей»².

370

Орзум шуки, сени деб бу жондан кечсам,
 Сен деб яна ҳар икки жаҳондан кечсам.
 Етсин дея барчага қуёшинг сенинг,
 Мен мисли булут сен томондан қочсам.

¹ Хунбаҳо – ўлдирилган одам хуни эвазига унинг ворисларига тўланадиган пул ёки нарса.

² Зинда – тирик.

371

Дил берсам агар ишқингда, жон этаман,
 Берсам нима, ўрнига чандон этаман.
 Зулфинг чавғони¹ гар муяссар бўлса,
 Тўп дунё майдонидан ҳар он этаман.

372

Майхона сари мен азм агар қилгай эдим,
 Эгнимдаги хиркани² бадар қилгай эдим.
 Ҳар кимки бирор ёққа назар ташлар эса,
 Мен ўз назарим билан назар қилгай эдим.

373

Майхонада бир ёр кўйига етдим мен,
 Ишқини дилу жонга харид этдим мен.
 Зулфи бўйи етганда димоғимга менинг,
 Ҳар икки жаҳондан қўл ювиб кетдим мен.

374

Ёр кўрдик, мен хастаману ҳам ғамгин,
 Қопимга кулиб келди-ю, берди таскин.
 Бошимни силаб туриб деди: «Эй мискин,
 Бу ҳолда сени кўриш менга оғир, чин».

¹ Чавгон – 1) «от тўпи» ўйинида тўп урадиган учи эгри таёқ;
 2) «от тўпи» ўйини, чавгон ўйини; 3) соч ҳалқаси.

² Хирқа – жанда. Шайху муридлар киядиган махсус кийим.

375

Майхонада мен ул куни май ичгай эдим,
Хирқамни ечиб, гаров учун кечгай эдим.
Майхона сабаб жаҳонни кўрдим маъмур,
Маъмуру хароб шундай етишгай эдим.

376

Шодманки, жаҳон шодлигидан озодман,
Сархушман ажаб – май ичмасам ҳам шодман.
Ҳеч бир кишининг ҳоли билан йўқдир ишим,
Ботин кўзи очилганидан дилшодман.

377

Юзинг чамани бўлди тамошойи дилим,
Жабринг заҳари бўлди ҳалвойи дилим.
Дардингдан йўк шикоятим ҳеч, аммо,
Завк бахш этади тингласанг оҳ-войи дилим.

378

Олам жисму унинг жони бизмиз,
Олам туну ойли осмони бизмиз.
Гар тупроғу сув зулматидан тушсак узок,
Ҳам Хизру оби ҳаёт нишони бизмиз.

379

Ишқ тонг кабидир – мен уни деб бедорман,
Ишқ мисли баҳор – мен у сабаб гулзорман.
Севгига касам, у югуриб-елмоқдир,
Мен бекор бўлмаган куним бекорман.

380

Хурлар ғамидан гоҳ дили оташ бўламан,
 Дўстлар изидан гоҳ юраги ғаш бўламан.
 Қайдан қидирай ўзимга шодлик йўлини?
 Бир дилхушлик бормики, дилхуш бўламан?

381

Дедимки: «Ўзимга нафс итин пир айлай,
 Бўйнига унинг тавбадан занжир айлай.
 Занжирни узишга уринар у мурдор,
 Бу ит дастидан нима тадбир айлай?!»

382

Васл орзусида гоҳи дили ғаш бўламиз,
 Ҳажр ўтида гоҳи куйиб, оташ бўламиз.
 Пок бўлса сену мандан сену менлик агар,
 Йўқдир сену менлик ғамию, хуш бўламиз.

383

Тунимки наҳор бўлмас экан, мен не қилай?
 Бахтим бедор бўлмас экан, мен не қилай?
 «Сотиб оламан, – дедим, – жаҳон давлатини!»
 Иқболим ёр бўлмас экан, мен не қилай?

384

Биз икки сифат туфайли кўп хор бўламиз,
 Икки ёмон феълга гирифтор бўламиз:

106

Бири шуки, қаттиқ бўламиз маст Ундан,
Бир бошқаси шуки, кеч хушёр бўламиз.

385

Биз ўз дилимизнинг қонини ичамиз,
Тан хуми ичида мисли майдек жўшамиз.
Жонни берамиз катра ичай деб майдан,
Сотмасмиз уни агарчи бошдан кечамиз.

386

Бизмиз ўша – май ичиб бежом хушмиз,
Ҳар тонг мунаввармизу ҳар шом хушмиз.
Дерларки: «Сизда ҳеч саранжомлик йўк».
Биз бўлмаса-да сира саранжом хушмиз.

387

Биз гоҳи ниҳону гоҳида пайдомиз,
Гоҳ мўмину гоҳ жухуду гоҳ тарсомиз.
Бизнинг дилимиз қолипи ҳар бир дилнинг,
Шундан ҳар кун бир сурати анвомиз.

388

Душман биламиз бизга биров бўлса ёр,
Душман бизга бор ғофилу хушёр.
Душман элчиси ила бўлиб ҳамкор,
Қонга булаб этакни яшаймиз зинҳор.

389

Мен бандаи Куръонман то жоним бор,
 Пайғамбар эшиги тупроғиман зинҳор.
 Ким бошқача бир талкин этса изҳор,
 Мен унинг ўзию ҳам сўзидан безор.

390

Бермасман хокинг чархи аъзамга¹,
 Бир зарра ғаминг ҳар икки оламга.
 Оламга нисор қилдим ўз накшимни,
 Накшингни бироқ бермасман одамга.

391

Ишқингни қўлимдан бермасман осон,
 Дил узмасман ёрдан то танда жон.
 Ёрдан ёдгор дилимда бир дардим бор,
 Ёнидан ўтаверсин унинг минг дармон.

392

Бермасман захмингни малҳамга сира,
 Бир тола сочингни икки оламга сира.
 Дедим: «Келтир жонни, маҳрам бўлайин».
 Ортик бераман, кўнмайман камга сира.

393

Бошимни берай йўлингда, эй кони карам,
 Сархушрокман бугун сендан-да, санам.

¹ Чархи аъзам – муаззам фалак.

Сен зарра ишонмасанг агар сўзимга,
Ичдим нима, ичмадим нима онту касам?

394

Ёр одагу феълин жуда ҳам билгайман,
Ўт бўлса у, мен ёғ чинакам, билгайман.
Жон нури латифидан унинг, кўргайман,
Атрофида тутун мен ҳам, билгайман.

395

Ишкинг сенинг менга мисоли имон,
Дил холи эмас ишкингдан то бор жон.
Дедим чекайин бир-икки кун ранжу ғаминг,
Лекин сандан тутолмадим ҳеч пинҳон.

396

Мен ҳам сендек окилу ҳушёр эдим,
Ошиқ зотини килувчи инкор эдим.
Девонаю масту бепарво бўлдим,
Гўёки бутун умр ошиқи зор эдим.

397

Мен биргина жонман, аммо минг битта таним,
Бу жону бу таннинг ҳар иккиси маним.
Заҳмат билан эврилдим бир бошқага мен,
То ҳуш бўлсин бошқа аъзон баданим.

398

Моҳтоб баланд бўлди-ю, биз паст бўлдик,
 Маъшук ўзига келди-ю, биз маст бўлдик.
 Эй жони жаҳон, бизни қаторга қўшма,
 Йўқлик оламига, чунки пайваст бўлдик.

399

Халқдан ўзни қачон жудо кўргайман,
 Ўздан вужудимни ризо кўргайман.
 Бир лаҳза ўзимни-да унутсам мен агар,
 Бошдан-оёқ оламини Худо кўргайман.

400

Зулфинг каби ҳар лаҳза паришонингман,
 Ҳуснингу камолингда намоёнингман,
 Ҳар ерда ҳозири дастурхонингман,
 Меҳмонингу меҳмонингу меҳмонингман.

401

Ҳам меҳмонинг, ҳам дастурхонингман,
 Ҳам жамингман, ҳам паришонингман.
 Дил шишасига қамаб мени, ҳукм айла,
 Эй рашки пари, чунки парихонингман.

402

Ёр келмоқда – биз унга йўл очгаймиз,
 Дилларни йўлига гул каби сочгаймиз.

Келдик дея ов этгали у ханда қилар,
Биз ови унинг – наъра уриб қочгаймиз.

403

Бир қатра майинг бизга тамомдир, тамом,
Кўнглимда мухаббатинг мудомдир, мудом.
Ишқингда кўнгил кони ҳалолдир, ҳалол,
Осудалигу ишқ ҳаромдир, ҳаром.

404

Ёшлик чоғи толиби устод бўлдик,
Дўстлар дийдоридан неча шод бўлдик.
Эшит сўзимиз охирина: мисли булут –
Келдигу жаҳонга, оқибат бод бўлдик.

405

Эй, дарду ғаминг чикарди кўп ох мендан,
Шод бўлди ғаним бу ҳолда ҳар гоҳ мендан.
Эй воҳ, ҳажринг туфайли, эй жони жаҳон,
Қон бўлди дилим – эмассан огоҳ мендан.

406

Умримда бўлар гар беёр ҳар дамим,
Бўлгуси ўзидан безор ҳар дамим.
Жон ошиғи бўлган бу гулшан ичра
Ўтгай гўё бўлиб хор ҳар дамим.

407

Сенсиз ҳаромдир тириклик, эй жон,
 Сенсиз тамомдир тириклик, эй жон.
 Аллоҳга қасамким, сен агар бўлмас эсанг,
 Ўлим мудомдир тириклик, эй жон.

408

Сенсиз ҳаромдир тириклик қилмоқ,
 Сенсиз тамомдир тириклик қилмоқ.
 Юзинг кўрмай ўтса ҳар умр, эй жон,
 Ўлим унга номдир тириклик қилмоқ.

409

Эй, жумла жаҳон сенинг юзингга муштоқ,
 Ишқ аҳли этар тўнини чок-чок ҳар чоғ.
 Фазл аҳлининг якинлигидан минг бор
 Девона бўлиш кўйингда яхши мутлоқ.

410

Ҳар икки жаҳон ичра ягона, шошма,
 Кетмоқлик учун мисли замона, шошма,
 Хилватни қилиб бизга баҳона, шошма,
 Ташлаб бизни, бўлма равона, шошма.

411

Эй гул каби чехранг чамани икки жаҳон,
 Жонинг боис мавжуд тани икки жаҳон.

Ободу хароблиги ўзингдан доим,
Сендан йўргагу кафани икки жаҳон.

412

Сендан топди зарба рубоби дилнинг,
Бу нолани тинглаки, жавоби дилнинг.
Вайронада, дейдилар, хазина бўлади,
Бас, ишқ хазинаси хароби дилнинг.

413

Эй муниси олам, менсиз ҳолинг не?
Эй ғамхўру ҳамдам, менсиз ҳолинг не?
Мен-ку бу хазон юз-ла харобман сенсиз,
Эй юзлари кўклам, менсиз ҳолинг не?

414

Эй нолаи ишқ, ўзинг рубоби бу дилим,
Эй нола, бўлиб бутун жавоби бу дилим.
Сен истаганинг ўшал фаровон давлат
Манзили эсанг огоҳ хароби бу дилим.

415

То бўлди-ю қибла юзинг, эй жони жаҳон,
На Каъба аён бўлди-ю, на қибла аён.
Бўлмайди қараб қиблага юзинг бор экан,
Бу қиблаи жисму чунки, у қиблаи жон.

416

Тавба қилдим тавба қилишдан, эй жон,
 Қисматга не наф айб илишдан, эй жон.
 Мен-ку қасам ичмасман, аммо нима хуш
 Дўст номи билан қасам ичишдан, эй жон?!

417

Ҳал айламагай ҳеч киши мушқулим-ей,
 Кўрсатмади бир нишони суву гилим-ей.
 Қон кўркувидан икки йўлнинг дилим-ей,
 Қайси бирида экан менинг манзилим-ей?!

418

Дард истаю дард иста, дард иста бутун,
 Бундан бошка бир чора бўлмоғи қийин.
 Дилтанг бўлма келмади деб бахт яқин,
 Ғам бўлмаса, ғам йўқлигига бўл хазин.

419

Ишқинг маст этди – на маю на афюн,
 Мажнун бўлдим, адабни билмас Мажнун.
 Кўнглим мавжидан жўш урар юз Жайхун,
 Тортар хира чарх, чарх урсам мен дилхун.

420

Ёрим менинг элдан ниҳондир, билсанг,
 Қошида гумон ҳар гумондир, билсанг,

Кўксимда ой каби аёндир, билсанг,
Жисмим ичра мисли жондир, билсанг.

421

Хар канча қоғоз чикса Миср, Бағдоддан,
Тўлди бари дилдаги фиғон-фарёддан.
Бир лахзаси ишқнинг юз жаҳондан ортик,
Юз жон айлансин ошики дилшоддан!

422

Бир шоҳки, ақл ошиғи девонасидир,
Ишқ боис дил унинг ҳамхонасидир.
Парвона-да келди қилиб ўзни қурбон,
Минг бир шамни ёккан парвонасидир.

423

Биз одими ганжидан вайронаси-ей,
Афсонасидан бўлдик афсонаси-ей.
Кўп қийнади паймону паймонаси-ей,
Хонангни унуттиргай унинг хонаси-ей.

424

Эй дил, ҳар бир хаёлга мағрур бўлма,
Парвона каби фидойи ҳар нур бўлма.
Ким бўлса ўзи билан – Худодан у узоқ,
Хақдан тушиб узоқ ранжур¹ бўлма.

¹ Ранжур – дардманд, эзилган.

425

Эй дил, йўк бўлса тоқати ғам, боргин,
Ишк дарди сенда эмас кам, боргин.
Эй жон, келавер мард эсанг, кўрксанг агар,
Йўқдир келишингнинг ҳожати ҳам, боргин.

426

Эй мушфик фарзанд, дубайтий¹ айтгил,
Ҳар лаҳза қилиб панд дубайтий айтгил,
Қил ҳажру висолни банд, дубайтий айтгил,
Афзал ғазал ҳарчанд, дубайтий айтгил.

427

Номаҳрамни маҳрами асрор этма,
Нокас қошида таърифи ёр этма.
Душманни ўзингга дўст зинҳор этма,
Туя емишини ғайри хор этма.

428

Дил яйратади шу турк қизи хандаси-ей,
Куйдирди унинг зулфи парокандаси-ей.
Озодлиги тўғрисида хат қилди талаб,
Келтирди-ю хат – мен бўлдим бандаси-ей.

429

Фарзонаи ишкни сен девона дема,
Юз пардасини сира бегона дема.

¹ *Дубайтий* – икки байтли шеър, тўртлик.

Сен ҳеч улуг уммонни паймона дема,
Номингни у ўзи билар – афсона дема.

430

Кетди ҳамма, аммо, дилрабо, сен кетма,
Бор дарду азобимга даво, сен кетма.
Тут менга кадах ширин табассум айлаб,
Эй сокийи оламоро, сен кетма.

431

Ҳаттоки набот рашк этади хандасидан,
Хоҳ шоҳу хоҳ гадо унинг бандаси-да.
Ким қибла билар экан бу дунё молин,
Ҳақ олдида инсоннинг энг шармандаси-да.

432

Гох кир дилимизга мисли асрор, кетма,
Гох салла каби бошдан зинҳор, кетма.
Дединг: «Дилдек тез бориб, тез келаман».
Макр айлама, эй дилбари айёр, кетма.

433

Ҳокиммизу оламга, бечора сенга,
Қилмай тура олмаймиз наззора сенга,
Офтоб-да бўлиб асир, сайёра сенга,
Моҳ пора бўлибди, эй моҳпора, сенга.

434

Мастман лаби болу шакарингдан, эй ой,
 Пастман қадди санобарингдан, эй ой.
 Зор бўлди юзим сарғайибон дардингдан,
 Кетма ўгириб юз бу зарингдан, эй ой.

435

Мен бандасиман, бандасиман, бандасиман,
 Мен бандаи шу ширин лаби хандасиман.
 Эй оби ҳаёт, менда ўлим хавфи йўқ,
 Мен Хизр каби ишқингнинг зиндасиман.

436

Эй сен тани хокий, дема ҳеч хокдан сўз,
 Айтсанг айт ул ойинаи¹ покдан сўз.
 Гар Холиқи афлок² сифати бор дилда,
 Сўзла сифати Холиқи афлокдан сўз.

437

Келди дилга хаёли жонон тонгдан,
 Кафтингга олиб ол майи алвон тонгдан.
 Охиригача симир кадаҳни чўчимай,
 Мастлар сафига кир марди майдон тонгдан.

¹ *Ойина (кўзгу)* – илоҳий мазҳар бўлган комил инсон қалби. Чунки ойина деганда, Аллоҳнинг зоти, сифатлари, исмларига ишора қилинадикки, уларнинг барчаси комил инсон қалбида акс этади.

² *Холиқи афлок* – фалаклар яратувчиси, яъни Худо.

438

Дедим: «Эй ой юзли, қаерда хонанг?»
 Деди у: «Дили харобу мастонанг.
 Офтоб каби тутсам макон вайронанг,
 Бил, масту хароб бўлгусидир кошонанг».

439

Ҳам ойинаю ҳам сиймомиз баримиз,
 Сармасти пиёлаи бакомиз баримиз,
 Даф этгучи ранжу ҳам шифомиз баримиз,
 Ҳам оби ҳаёт, ҳам сақкомиз¹ баримиз.

440

Ё Раб, сен бир ёри жафокор бергил,
 Бир дилбари бадфеълу ситамкор бергил.
 То ошиқлар аҳволини англасин у,
 Ишқинию шавқини бемикдор бергил.

441

Бутхонада гоҳи мени маст этгайсан,
 Каъбада гоҳи бутпараст этгайсан.
 Хоҳ яхшилигу хоҳи ёмонлик айла,
 Қўлингда-ку хоҳ баланду паст этгайсан.

442

Бизнинг оху воҳдан нега фарёд этасан?
 Яхши-ку висол билан агар шод этасан.

¹ Саққо – сув ташувчи, мешқобчи, сув улашадиган.

Биздан нега қочасан, нега дод этасан?
Хавфим шу: висолни хали кўп ёд этасан.

443

Бугун мени сен жуда паришон қилдинг,
Гўёки яланғоч, хонавайрон қилдинг.
Мен кеча бўлолмадим сенга улфат,
Еб менинг улушимни-да, пинҳон қилдинг.

444

Эй хожа, гуноҳ қилмаки, бадном бўласан,
Хос бўлсанг агар, гуноҳ сабаб ом бўласан.
Йўлингга тузоқ кўйиб кўйибди шайтон,
Қилсанг ёмон иш, асири дом бўласан.

445

Эй дўст, мендан қилма умид ғамхорлик,
Иш менга туну кун масту хумморлик.
Қисмат шуни этибди Худованди карим
Ақл ёвимизу душманимиз ҳушёрлик.

446

Бу дил бир дам мутеъи Раҳмон бўлмас,
Ёмон ишидан сира пушаймон бўлмас.
Сўфию¹ фақиҳу² зоҳиду донишманд –
Бўлди-ю, бироқ асти мусулмон бўлмас.

¹ Сўфи(й) – тариқатга кириб, дунёдан кўнгил узган, риёзат босқичларини босиб ўтиб, Ҳаққа интилаётган киши.

² Фақиҳ – шарият ҳукмларини мукамал билган, фикҳ – мусулмон ҳуқуқи билан шуғулланувчи киши.

447

Эй бош, сабаб сенда, сабаб сенда, сабаб,
 Эй тан, ажаб сенда, ажаб сенда, ажаб,
 Эй дил, талаб сенда, талаб сенда, талаб,
 Эй жон, тараб сенда, тараб сенда, тараб.

448

Дил элчисининг ўзи бу жонга арзир,
 Бир жон не бўлар, икки жаҳонга арзир.
 Бир пулга-да арзимас усиз кўхна жаҳон,
 Ундан нима истасам, у шунга арзир.

449

Кошки билсам мен ўзи қандай инсон?
 Дунёда нима деб бу қадар саргардон?
 Ғафлат пахтаси бўлмаса кулоқда агар,
 Ўз ҳолимга йиғлар эдим ўзим қон.

450

Эй гул, сени ўстириб чаман кулдиргай,
 Ё булбул ўз ишки билан кулдиргай.
 Ёки яширин бокқанидан ёр юзига
 Олган завқ-шавқи уни шаън кулдиргай.

451

Эй ой, чиқиб кўкка, нурафшон бўлдинг,
 Билдим, мен учун мисоли бир жон бўлдинг.
 Сайр этдинг-у бир лаҳза фалак узра кулиб,
 Сўнг эл кўзидан жон каби пинҳон бўлдинг.

452

Эй ёр, олиб кўлга қадаҳ келмишсан,
 Майни ерга тўка-тўка елмишсан,
 Фитна туради агарда кўзғалмишсан,
 Қайга кочасан, ахир, маст бўлмишсан?..

453

Жон ўрнига бу бандага сен жон бўлдинг,
 Куфр зулмати ичра нури имон бўлдинг.
 Кўнглим ичида туриб ғазалхон бўлдинг,
 Майдек ўйнаб бошимда шодон бўлдинг.

454

Лутф айлаб, ўзинг-ку меҳрибони элнинг,
 Шодлик боғида сарви равони элнинг.
 Мен зохиру ботинингга боқсам кўраман
 Сен бир кишининг эмас, жони элнинг.

455

Дарди бўлмай етарми дармонга киши?
 Ё жон чекмай васли жононга киши?
 Гулхан ичига кирмаса Иброҳимдек,
 Етгайми Хизрдек оби ҳайвонга киши?

456

Сендан сира безор бўламанми? Йўк! Йўк!
 Бир ўзгасига ёр бўламанми? Йўк! Йўк!
 Васлинг чаманида мен фақат кўрдим гул,
 Оввораи ҳар хор бўламанми? Йўк! Йўк!

457

Бир лаҳза агар воқифи асрор бўласан,
 Жонингни фидо қилиб, харидор бўласан.
 Маст бўлсанг ўзингга, умр ўтар ғафлатда,
 Маст бўлсанг ёр ишкига, хушёр бўласан.

458

Дўст кўйида ақл агар раҳбар бўлмас,
 Ошиқ юзи бу қадар музаффар бўлмас.
 Ёинки садафнинг ғами гавҳар бўлмас,
 Оғзи очилиб, ошиғу музтар¹ бўлмас.

459

Айтишга агар сирингни имкон бўлгай,
 Бошдан-оёк еру кўк гулистон бўлгай.
 Дунёда агар кибру ғурур бўлмас эди,
 Ҳар Фиръавн² Мусои Имрон бўлгай.

460

Дедим: «Санамо, суюкли жононим ўзинг,
 Ўйлаб қарасам, асли менинг жоним ўзинг.
 Кофир бўлайин мендан юз ўгирсанг агар,
 Эй жон, билсанг, куфру имоним ўзинг».

¹ *Музтар* – мажбур бўлган, ночор, ноилож.

² *Фиръавн* – ўзини Худо деб зълон қилган Мисрнинг золим подшоҳи.

461

Даъватсиз бир ерга бориб ғам бўласан,
 Даъват ила бор – махрами ул дам бўласан.
 Бормайди Худо хоҳламаса кофир ҳам,
 Шарм айла, наҳот, кофирдан кам бўласан?!

462

Ҳар бир кишининг бордир дўсту ёри,
 Қайда қолди кўнглимининг дилдори?
 Кўйсанг шакар ит олдига – бокмайди сира,
 Афзал унга доим ўзининг мурдори.

463

Ҳар кимнинг бор ўз дўсти, ўз ёри,
 Ҳар кимнинг ўз хунарию ўз кори.
 Дил хилвати, ёр хаёли бизга қисмат,
 Абу Бакр Расулнинг эди ёри ғори.

464

Жон де, чекасан қачонгача нон ғамини?
 Тўйдирмоқ учун бу тани нодон ғамини.
 Қоринни килиб ноғора, томокни най,
 Бу лунж азоби, зарби дандон¹ ғамини.

465

Бир бўса десам, бешта бериб қилдинг шод,
 Кимнинг кўлида ўқиб, бўлибсан устод?

¹ Дандон – тиш.

Хусн узра яна карамни килдинг бунёд,
Бўлгай бу жаҳон сенинг туфайли озод.

466

Ёд этсам агар боиси ёдим бўласан,
Оғзимни очиш учун муродим бўласан,
Шод бўлсам агар мазмуни шодлигимнинг,
Макр истар эсам, сен устодим буласан.

467

Дил бир куни дилситонга¹ етказгусидир,
Жон бир куни жононга етказгусидир.
Дард этагини сира кўлингдан берма,
Дард бир куни дармонга етказгусидир.

468

Ким ёрга етолмаса, унинг бағри доғ,
Саргайса узилгуси дарахтдан япрок.
Ўзингни биров кўзига жо этсанг агар,
Унинг кўзи қораси бўларсан мутлок.

469

Ўтдим бир умр бўлиб санам муштоки,
Васфига мушкулдир сўз топилмоғи.
Чалмайман ўзи чалмаса созни қарсақ,
Ичмайман агар бўлмаса ўзи соқий.

¹ Дилситон – дилни олувчи, кўнгилни ўзига асир қилувчи; махбуба, маъшука.

470

Сув бўйига ҳар кеча тикарсан чодир,
 Минг битта нақш солиб чаманга нодир.
 Дил доираси юзига ҳар лаҳза уриб –
 Турсанг у бўлар самоъ¹ қилишга кодир.

471

Эй мушкулин ўзи ҳал этолмай ўтган,
 Ёр васлига бир лаҳза етолмай ўтган.
 Эй сув бўйида ташнаю зор жон узган,
 Ганж узра гадоликдан кутулмай ўтган².

472

Бошимда шароб сабаб паришонликлар,
 Ширин шу лабингдан бари шодонликлар.
 Тутдинг яширин кадаҳ паёпай³, сокий,
 Расво бўлди барча бу пинҳонликлар.

473

Битганди яратган куни Ҳак фурқатимиз,
 Бас, беҳуда барча жангу ваҳшатимиз.
 Бўлсак ёмон, етмасин-ей захматимиз,
 Гар яхши эсак, ёд айла суҳбатимиз.

¹ *Самовъ* – эшитиш, тинглаш. Сўфийларнинг вазду ҳолга эришиш мақсадида уюштирадиган зикр мажлислари, қўшиқ ва рақс базмлари.

² Бу рубоий Фаридиддин Атторга ҳам нисбат берилади.

³ *Паёнай* – кетма-кет, устма-уст.

474

Гоҳи мен ўз-ўзимга амирман дер эдим,
 Гоҳ нола қилиб, банду асирман дер эдим.
 Ёр кетиб, ўзимга ўхшамай қолдим ўзим,
 Бўлдим бу жаҳон ичра сағир ман дер эдим.

475

Сармасту хумордир аҳли асрор бу кеча,
 Парда ичра мусоҳиби¹ ёр бу кеча.
 Қоч, кирма бу йўлга бўлсанг бегона,
 Гар бўлса, халал бергуси агёр² бу кеча.

476

Келди-ю менга қўлида бордир деб зар,
 Кўрдик зарим йўк, узди кўнгил дилбар.
 Бокдим у қулоғи ҳалқасига, дедим:
 «Ҳар қайда қулок бор, зар ҳам бор ўхшар».

477

Хусни у гўзалнинг давраимизга зийнат,
 Йўк даврада – қолди қайда у бу фурсат.
 Бир сарви баланду қомаги бордир рост,
 Эл ичра қиёмат кўзғар бу қомаг.

¹ Мусоҳиб – дўст, ҳамдам, сирдош.

² Агёр – бегоналар, бошқалар, ракиблар.

478

Бор юки бу хожанинг қанду шакар-ей,
 Кибри сабаб ўз кандидан беҳабар-ей.
 Дедим: «Бу шакардан берасанми улушим?»
 Рад айлади: «Билмадингми, бу найшакар-ей!»¹

479

Ким кесса агар бошингни, ғамхўринг ўша,
 Эгнингни битирса, ўғри – ағёринг ўша,
 Неъмат берса кимки, ситамкоринг ўша,
 Ким қилса жудо ўзликдан², ёринг ўша.

480

Ҳар кимнингким, кўксида дил бўлгай,
 Кўймай кадамин мақсади ҳосил бўлгай.
 Тасбеҳу тавба, жойнамоз, зуҳду³ вараъ⁴,
 Бу барчаси йўлу хожа манзил бўлгай.

481

Ҳар ким сени кўрса зоҳир кўзи билан,
 Кулгайдир у ҳар ишию, ҳар сўзи билан.

¹ *Найшакар* – шакаркамиш.

² *Ўзлик* – инсоннинг нафс ва дунё билан боғлиқлиги. Улар ҳар лаҳза кишига ўзлигини эслатиб, уни Худо йўлидан чалғитади.

³ *Зуҳд* – дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шуғулланиш, такводорлик, парҳезкорлик, порсолик.

⁴ *Вараъ* – тариқатнинг иккинчи макоми бўлиб, такво, парҳез маъноларини билдиради: тил вараъи, кўз вараъи, қалб вараъига бўлинади.

Кўзига тикан тўлар бечоранинг-ей,
 Ҳар кимки қиёс қилса сени ўзи билан.

482

Хуснига париларни қилувчи таслим,
 Келди-ю саҳарда, боқди кўнглимга жим.
 У йиғлади, мен йиғладим – отди тонг ҳам,
 Ҳар иккаламиздан сўради: «Ошиқ ким?!»

483

Бизнинг қози оддий бир қози эмас,
 Ҳар хою хаваснинг сира ҳамрози эмас.
 Бизнинг қози бўлди азалдан ошиқ,
 Ишки ёрдан ўзгасига рози эмас.

484

Бу кун нима кун, ҳатто қуёш қомаги ҳам?
 Бу кун бошқа кунлардан бошқача ҳам.
 Ҳатто замин ахлига фалак чархи қарам,
 Эй ошиқлар, сизники бу кун чинакам!

485

Бу тун бир тунки, жон фидо бўлгусидир,
 Бу тунда тилакларинг раво бўлгусидир,
 Бу тун туни эҳсону ато бўлгусидир,
 Бу тун киши ҳамрози Худо бўлгусидир.

486

Эй тан, ўласан нечук, гўзал жон сенда,
 Эй куфр, кўпам қувонма, имон сенда.
 Куйдирса-да хотинчалишлар харчанд,
 Эй мард, мардлар ҳиммати чандон сенда.

487

Эй жони жаҳон, жону жаҳон бокий эмас,
 Бир ишқидан ўзга шоҳиду соқий эмас.
 Ошиқ тавоф айлар йўклик Каъбасини,
 Бу дунёнинг у сира ўртоғи эмас.

488

Эй дил, чоку бемор этарлар сени-ей!
 Девона, гирифтор этарлар сени-ей!
 Бор мисли данак ширин мағзинг сени ҳам,
 Оҳ, синдирибон хор этарлар сени-ей!

489

Зикри монёъ ёрнинг томошосини-ей,
 Юзи нури никоби сиймосини-ей.
 Қилди-ку, лаби ёди лабидан маҳрум,
 Тўсди лаби ёди лаби зебосини-ей.

490

Боиси хуморлигим эмас май асло,
 Бу май кадаҳи ҳамиша дарду савдо.

Тўкишга майимни сен буюрдинг ташриф,
Афсуски, майим хануз эмасди пайдо.

491

Бу фитнага боис дили танг – бошқа нима?
Дил ишк туфайли мисли чанг – бошқа нима?
Тан қолипи ичра кеча-кундуз бу дилим
Сен деб қилади мен ила жанг – бошқа нима?

492

Бор ушбу забондан ўзга бизда забон,
Жаннат ҳам эмас, дўзах ҳам – у ўзга макон.
Озод диллар тириклиги ўзгача жон,
Ҳам манзили пок гавҳарининг ўзгача кон.

493

Мен хастаману ғам имтиҳон қилгайдир,
Аммо ғами мени навкирон қилгайдир.
Ғамдан ўзга ҳар нима есам, қизиғи,
Бу беморлик ичра зиён қилгайдир¹.

494

Ҳақ суҳбатида хомуш бўлмоқ лозим,
Бекўзу бетил, беҳуш бўлмоқ лозим.
Бедор диллардан бўлай озод десанг,
Бу тоифа бирлан хуш бўлмоқ лозим.

¹ Бу рубой Умар Хайёмга ҳам нисбат берилади.

495

Келгил яна то санам килибди паймон,
 Сендан юзини ўгирмаган юз чандон.
 Сен меҳр қўйибсан, ўзи сенда бир жон,
 У бўлса ҳамиша жони жони жон.

496

Мен тунга дедим: «Борми ойингда имон?
 Кўз очиб-юмгунча ўтар, бу – нуксон».
 Узр айтди юзини ўгириб тун менга:
 «Менда не гуноҳ, агар тун бепоён...»

497

Бўлган бизга асли азал ўзга қарор,
 Бу борлиқ олами ўзи ўзга диёр.
 Зоҳид, туриб эрта, сен намозга мағрур,
 Ҳолбуки, намоздан ўзга олам бор.

498

Бўл ишққа яқинки, гавҳари конинг ўшал,
 Изла кишини – бўлсин қурбонинг ўшал,
 Жон дема бу жонингни, ғам жонинг ўшал,
 Ўзингга ҳаром қил агар жонинг ўшал.

499

Мен найга дедим: «Қилди сенга ким бедод?
 Недан чекасан ҳамиша тилсиз фарёд?»

Деди: «Шакар истаб бағрим тилдилар-ей,
Шундан нола этмоқдан эмасман озод».

500

Иш борлигу йўкликдан бегоналиг-ей,
Аслида эмас бу иш мардоналиг-ей.
Кўнглимда менинг агар ажойиблик бор,
Қилмас мени девона бу девоналиг-ей.

501

Ҳар кайдаки бош урсам агар, масжуд¹ Ўзи,
Ҳар олти томон², ташкарида маъбуд Ўзи.
Боғу гулу булбулу самоёю шохид³,
Бу барчаси бир бахонаю, мақсуд Ўзи.

502

Юксақда яшар жисму жондан дарвеш,
Афзал заминун осмондан дарвеш.
Мақсуди эмас Худонинг олам халқи,
Мақсуди Худо асли жаҳондан дарвеш.

503

То жон офтобининг юзи хандондир,
Сўфий мисоли зарра саргардондир.
Дерларки, бу васвасаи шайтондир,
Шайтон латифдиру хаёт-чи, жондир.

¹ *Масжуд* – сажда қилинадиган, Тангри.

² *Олти томон* – олд, орт, ўнг, чап, юкори, куйи.

³ *Шоҳид* – ҳозир, далил; калбдаги ҳолат, ғойиб бўлган нарса-ни кўрсатадиган ва калбга ҳузур бахш этадиган нарса; маҳбуба.

504

Сен тўйдинг-у, мен-чи, билмадим дармон не?
 Кўрсат бадалингни, бадали жонон не?
 Дедингки: «Сабр ичрадир имон ажри».
 Эй бандаи имон, Усиз имон не?!

505

Кўзинг бу жаҳонга сеҳру афсун этди,
 Душман ҳасад оташида куйди-кетди.
 Иссиғу курукликдан эмас юз қизили,
 Ўлдирган ошиқларингни(нг) қони тутди.

506

Сендан-да гўзалроқ бу жаҳонда ёр йўк,
 Юзингни кўришдан яхши иш зинҳор йўк.
 Ҳар икки жаҳонда менга бир ўзинг бас,
 Ҳеч қайда нурингдан айру бир дилдор йўк.

507

Дунёда гўзал ҳар нимадан хулку хўйинг,
 Дил борми жаҳонда қилмаса орзу кўйинг?
 Камлик қилади – сочим торича дема,
 Бошлар бари қурбони сочи хушбўйинг.

508

Юзинг офтоби осмондан юксак,
 Ҳуснинг эса ҳар шарҳу баёндан юксак.

Жонимнинг ичидан жой олмиш ишқинг,
Бўлса-да ўзи жону жаҳондан юксак.

509

Боғимда агар сарву агар гулзордир,
Ёрнинг қаду юзи акси унда бордир.
Ҳар дам у санамнинг номига иқрордир,
Жисмимда бирор томир агар хушёрдир.

510

Маъшуқа хаёли бўлса бутхонада то,
Каъбани тавоф қилиш бўлар айни хато.
Бутхонача йўқ Каъба-да ёрнинг бўйисиз,
Ёр бўйи билан бутхона Каъба гўё.

511

Бир йўл тилдан дилга ҳар он пайваста,
Унга сири жон билан жаҳон пайваста.
Тил боғлик экан, у йўл мудом очикдир,
Тил очик эса, у йўл ёпиқдир, баста¹.

512

Сендан назар узоклиги тўскиндир,
Асли кўзимиз то ҳали суратбиндир².
Юзингни кўришга лойик эмас гарчанд,
Кўнгилни узолмас сира – жон шириндир.

¹ *Баста* – ёпик.

² *Суратбин* – суратни кўрувчи.

513

Ишкинг бу хил ҳакиму устод нега?
 Меҳринг бу хил латифу бунёд нега?
 Ишк ичра куяй нега у хуш бўлмаса гар,
 Хуш бўлса агар, барча бу фарёд нега?

514

Кирди-ю, дилимга ишкинг, шод кетди,
 Келди яна, бир уй кила бунёд кетди.
 «Қол бир-икки кун», – дедим такаллуф айлаб,
 Қолди-ю, кетишни айламай ёд кетди.

515

Бир тоифа ғамгин – билмас қайдан ғам,
 Бир тоифа шодон – билмас Ҳақни ҳам.
 Кўплаб чалу рост беҳабар бир-биридан,
 Кўплаб мову манлар-да¹ бегона ҳар дам.

516

Гар оҳ урсам, оҳ бунга рози эмас,
 Тупрок бўлсам, шох бунга рози эмас.
 Соя каби сажда айласам моҳни кўриб,
 Нетдим яшириб, моҳ бунга рози эмас.

517

Кўзлаб гар шаҳвату риё кетгайсан,
 Бу дунёдан сен бенаво кетгайсан.

¹ *Мову ман* – манманлик, худбинлик, кибру гурур.

Келдинг нега бу хаётга? Қилдинг нима иш?
Қолдирмай ўзингдан ҳеч вако кетгайсан.

518

Қўш зулфи санамнинг қармоқ бўлмай то,
Икки кўзидан бода ололмас асло.
Эл ичра қилар таъна ғанимлар туну кун:
«Тутмас кўлини қолса оёқдан ҳатто!»

519

Деди: «Қани, кел, самоъ сазовор бўлди».
Дедим: «Мени кўй – банда бемор бўлди».
Тортиб қулоғимдан деди: «Кечгил баридан,
Ҳар икки жаҳон фитнаси бедор бўлди».

520

Дунёда топилмас киши то шайдо эмас,
Бош йўқки, ғамингдан у тўла савдо эмас.
Ул завқ асосики, қўзғар шавқни,
Пайдодир агар, лекин ўзи пайдо эмас.

521

Дедим: «Сендан бўса тилайман, жонон».
Дедики: «Бу бўсанинг баҳосидир жон».
Дил келди-ю жон ёнига, берди кенгаш:
«Рози бўлавер, бу нарх жуда арзон».

522

Дерлар менга: «Дилда ўзга дарду савдо,
Тарк айлаб бизни, истар ўзга маъво».
Келди яна кайтиб, аммо ғамгину хижил,
Ўз узрини келтирди кошимда хатто.

523

Кўнглим куши тарк айлади бу донани-ей,
Тан олса бўлар – бу иши мардонани-ей.
Кечди дилидан дилбари чеккач кўлини,
Жондан кеча этди азми жононани-ей.

524

Бу маъшука майхўру балойи жондир,
Сармасту шўху шангу бефармондир.
Зулфининг куфри унинг имондир,
Бир дардқи ишк дарди, бедармондир.

525

Мансур Ҳаллож мудом «Аналҳак» деб ўтар,
Йўл гардини киприги билан у супурар.
Йўклик уммонига ўзин айлади ғарк,
Энди ундан «Аналҳак» дурини терар.

526

Сен бирла ўтирмакка на бор ҳад, имкон,
На сенсиз ўтирмакка сабрим бир он,

138

Андиша бу воқеада зор, саргардон,
Бу воқеамас, бир дарди бедармон.

527

Бўйинг банда димоғидан ҳеч кетмас,
Кўзимни юзинг хаёли ҳам тарк этмас.
Ўтди-ю висолинг орзусида умрим,
Васлинг орзуси дилда қойим¹ – ўтмас.

528

Хусн ичра сифатдан ортиқдир жонон,
Ҳолимни сўраб, бўлди уйимда меҳмон.
Судраб келар этагини-ю, дил айтар:
«Кўтар этагингни, мавж урар, бунда қон!»

529

Ҳам обиду² ҳам зоҳиду ҳам қотил ёр,
Қотиллигининг боиси парҳез зинҳор.
Бу бандага офтоб иноят айлар,
Бу банда-да кеч турар – нима айби бор?

530

Менда бўлади ишк сабаб яхши мизож,
Бу ишк табибу менга, дорую илож.
Кетмоқ тиламайди яна, чунки бу ишк
На туккану на туғилган – безҳтиёж.

¹ Қойим – мустаҳкам, барқарор, устувор.

² Обид – тоат-ибодат қилувчи, ҳудожўй, тақводор.

531

Кўздан ёшим мисли қон келгусидир,
 Дарё каби бу қон равон келгусидир.
 Қоним қандай чидайти – дил ютса уни,
 У ташқари кўздан шу замон келгусидир.

532

Бу тоифа ҳар қанча билимдондирлар,
 Дил аҳли дили қошида нодондирлар.
 Аҳли дили хос хоси шоҳаншоҳларнинг,
 Боқийлик йўлида хиромондирлар.

533

Ҳар кимгаки дўст ишқидан бедод етди,
 Дўст раҳмату фазлидан имдод¹ етди.
 Етказ мени васлингга – умр қиска ўзи,
 Етмасдан ажал, менга фарёд етди...

534

Ҳар кимдаки давлати каноат бўлгай,
 Ҳар хилда ейиш, ётишу тоат бўлгай.
 Ҳеч қилма тавалло Ҳақдан ўзгага сен,
 Ҳақ рағбати чунки бир соат бўлгай.

535

Ҳар дилки, санам сари нихон бокқусидир,
 Дунё мулкига у қачон бокқусидир.

¹ *Имдод* – мадал, ёрдам, кўмак.

Безор бўлади ажал кунда кўздан,
Топгуси нажот гар жон томон боккусидир.

536

Дил теграсидан оромижон айланади,
Дил бирла қилиб жонни нишон айланади.
Гул мисли ниҳол бош чиқарди хандон,
Бошида ҳаёт суви равон айланади.

537

Ул кунлар ўтди – эдим ишқингдан шод,
Энди ўтар умрим кила васлингни ёд.
Ҳар қанча сабаб келтирманг, дарёга
Етмас сира тупроқдан бўлган бунёд.

538

Ул кони набот, манбаи шаккар келмас,
Ул оби ҳаёт, чашмаи Кавсар келмас.
Дедим: «Борсам, ишва билан сеҳр этади»,
Сеҳр айласа-да майлига дилбар, келмас.

539

Кимнинг суву гул накшу нигори бордир,
Бир куни висолдан қарори бордир.
Бугун суву гилдан ташқари бўлганнинг
Сендай бир ажиб шаҳриёри¹ бордир.

¹ Шаҳриёр – улуғ подшоҳ.

540

Қай тоифанинг кўнгли азалдан эди маст,
 Йўкликдан келди жонлари ишқпараст.
 Жон бошига қўйди кадамини дилдан,
 То дард тўла бир дилга бўлди пайваст.

541

Орифлар кўйини қилганлар ёд,
 Най ноласидан шавққа тўларлар дилшод.
 Бир тоифа тан нафсига бўлди банда,
 Бир тоифа жонию жаҳондан озод.

542

Инсон борки, ҳар сўзи жонга арзир,
 Бир туки агар тўкилса, конга арзир.
 Инсон борки, эшитмасанг сўзини-ю,
 Ҳам юзини кўрмасанг, жаҳонга арзир.

543

Ҳеч банда сенинг лутфингдан умидсиз эмас,
 Мақбул киши топди бокий умр шу нафас.
 Қай заррага етса лутфинг бир лаҳза,
 Тенг бўлди шу зарра минг офтобга, бас.

544

Сабрим кўшинида байрок қолган эмас,
 Кўнглимда бирор нарсдан доғ қолган эмас.

142

Энг кизиғи, ел эсса-да ишқнинг бошидан,
Жонимда бирор-бир титроқ қолган эмас.

545

Дил ишқ елидан кўкка равон бўлгусидир,
Жонсиз борасан қаёкка – жон бўлгусидир.
Тушган эдинг осмондан ерга аввал,
Энди яна манзил осмон бўлгусидир.

546

Ишқ ўти кишини навкирон айлагуси,
Гўё жисмингга янги жон айлагуси.
Маъшукка ҳалол ҳамиша ошиқ катли,
Ўлдирса бокий умр аён айлагуси.

547

Соқий бу кеча майни фаровон этди,
Имонга чўзиб қўл, дилни яксон этди,
Майни шу қадар тўқдики, тўфон этди,
Ақлу хуш уйин буткул вайрон этди.

548

Ёр телба бўлишимиз бу кун хоҳлайди,
Мажнундан ўтишимиз бутун хоҳлайди.
Йўкса нега йиргар номус пардасин у,
Бас, расво бўлишимиз учун хоҳлайди.

549

Бахт ўзи шу: ҳар кимсадаки бордир жон,
 Қилса ўзини ёр қадамига қурбон.
 Маст булбулдек кўксида доғи ҳижрон,
 Бўлса туну кун манзили боғу бўстон.

550

Аввал заъфарон¹ юзим, дилим қон эрди,
 Мажнун менга ҳамхирқа, қадрдон эрди.
 Шу сурату шу қоида эрди доим,
 Тушди бир иш энди, ғайри имкон эрди.

551

Дейсан: «Ёр васлидан нишон бўлмас эмиш,
 Бу бахту саодат ҳеч қачон бўлмас эмиш.
 Ёрдан қолган эмас фироқдан ўзга,
 Ўтди бари, энди бегумон бўлмас эмиш».

552

Эй аҳли сафо², жаҳонда саргардонсиз,
 Ёр ишқиди мунча Мажнуни хайронсиз.
 Ўздан қидиринг уни, бу дунёдан эмас,
 Излаб ўзингизни аслида сарсонсиз.

¹ *Заъфарон* – сарғиш тус берувчи хушбўй ўсимлик; мажозан: сариқ ранг.

² *Аҳли сафо* – кўнгли соф, покиза кишилар, илоҳий оламдан баҳра олувчилар.

553

Меҳробдасиз-ей, аҳли муножот, ҳар дам,
Манзил кўп узок – шитоб айланг сиз ҳам.
Эй, сиз, харобот аҳли¹, майга ғарк,
Карвонлар ўтар, сиз уйқуда хотиржам.

554

Ҳар зарра қуёш сочса зиё ракс этади,
Ҳақ ишқи билан чарху ҳаво ракс этади,
Жонлар ҳушидан бўлиб жудо ракс этади,
Мунча нимага бўлиб фидо ракс этади.

555

Истар бўлсанг санам ризосин, эй дил,
У нима буюрса-да, қулоқ қоқмай кил.
Қон йиғла деса: «Сабаб нима?» – деб сўрама,
Жон сўраса, килма эътироз, де: «Маъқул».

556

Эй дўст, дема: «Бандамисан ё озод?»
Бу банда керак кимга – иши фиску фасод?
Ким сента кўлини чиқариб тутса агар,
Шундан сўра дилда бўлса канча мурод.

¹ *Харобот* – майхона; комил инсон ҳузури; башарий сифатларнинг хароб ва жисмоний вужуднинг фоний бўлиши. *Харобот аҳли* – риндлар.

557

Орзу бошини ерга эга боғла,
 Фазл умидини бир раҳнамога боғла.
 Ҳеч бир киши ҳожатинг раво айламаса,
 Узмасдан умид, дилинг Худога боғла.

558

Бир қушки, қилар ўзига шерларни емиш,
 Тўйган кишилар жондан дардини демиш.
 Бўл шоду яша осуда – сендан бу шаҳар
 Бошдан то охир остин-устун эмиш.

559

Эй ишқ, бу жонлар асари жонингдир,
 Бор ҳусну жамол манбаи ҳам конингдир,
 Манзили дуру инжунинг уммонингдир,
 Пинҳону ўзинг, барча намоёнингдир.

560

Ишқинг ўти кимнинг дилида ёқилади,
 Бошига унинг дарду бало ёғилади.
 Ким берса нишон ишқ сиридан Мансурдек,
 Бўйнига унинг ҳасад ипи тоқилади.

561

Васлинг нафига сира зиён етмасин-ей!
 Жонингга зарар-да бегумон етмасин-ей!

Ҳар дам сени кўркитадилар, сен бўл мард,
Ёмон кўз сенга ҳеч қачон етмасин-ей!

562

Инсон суратин кўп мубҳам боғладилар,
Бир ипга тизиб азобу ғам боғладилар.
Гоҳ деғу гоҳи фаришта, гоҳи ваҳший,
Ўзи нима тилсим – маҳкам боғладилар?!

563

Кўнглимга менинг севимли жонон жо бўлар,
Биргина танимга икки минг жон жо бўлар,
Бир буғдойга минг-минг хирмон жо бўлар,
Юз дунё бир игнага бегумон жо бўлар.

564

Бу севги соҳиби марди майдон бўлади,
Оху каби у шерга намоён бўлади.
Бу ишк уйи амал билан ободдир,
Ўйлайсанки, менсиз у вайрон бўлади.

565

Бахш айла у бандагаки, билмас уйқу,
Бахш айла у ташнага, ҳовуч сув орзу.
Бахш айла равоси йўқ бахилга ҳатто,
Ҳақ қошида гарчи бир иши йўқ эзғу.

566

Бок бандага токи бир савобинг бўлсин
 Ҳам хуш табассум-да жавобинг бўлсин,
 Зор йиғлайман, токи шаробинг бўлсин,
 Дил ўртанади, токи каобинг бўлсин.

567

Ул зотга дедим – далилу бурҳон¹ билгай:
 «Борми кишиким, ҳақиқати жон билгай?»
 Деди у табассум билан: «Эй савдойи,
 Бу куш тилидир – фақат Сулаймон билгай».

568

Кўнглимга менинг то ишқинг ўти етди,
 Ишқингдан ўзга бари куйди-кетди.
 Аклу сабоғу китоб – бари бўлди унут,
 Шеъру ғазал ишқи батамом банд этди.

569

Бир тоифа мисли Ҳайдари каррордир²,
 Бир тоифа дардингни чекиб бемордир.
 Ишқинг дер: «Бу йўлда керак комиллар».
 Дейсан сен эса: «Хасталар бисёрдир».

¹ Бурҳон – далил, ҳужжат.

² Ҳайдари каррор – қайта-қайта ҳужум қилувчи шер:
 Ҳазрати Алининг лақаби.

570

Безорман у сувдан агар оташ бўлмас,
 Ёрнинг халқа зулфига чирмаш бўлмас.
 Хусн ичра жаҳонда ёрга ўхшаш бўлмас,
 Маъшук сира ҳам кайсару саркаш бўлмас.

571

Майхонада чеккувчи ғаминг бисёрдир,
 Кўзинг каби ҳам уйкуда, ҳам бедордир.
 Бас, тутма дариг майингни, бу ошиқлар
 На масти ҳақиқатдиру на хушёрдир.

572

Дарёи сафосиз дуримиз санг¹ келди,
 Бежони жаҳон жону жаҳон танг келди.
 Ёр суҳбати асли дилу жон сайкалдир,
 Жонимга менинг аммо бўлиб занг келди.

573

Хушбахт кишиларнинг нафаси хуш бўлади,
 Бадбахт дилозор, яна саркаш бўлади.
 Гул суҳбатидан тикан оловдан кутулар,
 Гул ўрни тикан туфайли оташ бўлади.

¹ Санг – тош.

574

Ишқингдан бошимга то ғам тушди,
 Бечора дилимга ғам бўлиб жам тушди.
 Ишқинг ғамидан эди ўзи хору забун,
 Унга кўшилиб барча ғами ҳам тушди.

575

То бизни талаб қилиш сенга ком бўлгай,
 Бизсиз олган ҳар нафасинг дом бўлгай.
 Ҳар дилда агар ишқи дилором бўлгай,
 Жонидан умиди бўлса, у хом бўлгай.

576

Ёлғиз юрма, қароқчилар ҳам кўпдир,
 Шу биргина жонга қасд қилар ҳам кўпдир.
 Гўлларча жаҳонда ҳар бир эзгуликни
 Сендай жони жаҳон билар ҳам кўпдир.

577

Бир мавжудлик то осмондан келади,
 У наъра уриб фалак томондан келади.
 Титроққа тушар жону жаҳон наърасидан,
 Бу жони жаҳон у жаҳондан келади.

578

Жон маҳрами даргоҳ бўлмоғи керак,
 Дил тўла ғаму оҳ бўлмоғи керак.
 Йўл топмасанг ўзингдан агар биз сари сен,
 Бу йўл биздан ҳар гоҳ бўлмоғи керак.

579

Кўздан қолгач, ёр тўтиё қилса не наф?
 Кўнгил қолгач, меҳру вафо қилса не наф?
 Куйгач ғамидан буткул жону жигар,
 Сўзини ширин, дардга даво қилса не наф?

580

Ҳақ тонги отиб, нурлари то оққусидир,
 Танлардаги жон куши қанот қокқусидир.
 Мард етга-ю бир мақомга, ҳардам энди
 Кўз заҳматисиз ҳам ёрга бокқусидир.

581

Кошки ёр кўйидан ғубор етса эди,
 Жоним унга бўлиб нисор кетса эди.
 Жон жабру жафосидан бўлар хурраму шод,
 Жабрига вафо бўйини ёр этса эди.

582

Кошкийди ғами дилимга ҳамдам бўлса,
 Жонимга бу ғам ҳамиша маҳрам бўлса.
 Сен, эй дили бедил, ўзингга ол ғамини,
 Шояд ғам аро унинг ўзи ҳам бўлса.

583

Зулфинг тўрига кимки гирифтор бўлгай,
 Йўқ бўлса агар ўшал яна бор бўлгай.
 Масту беҳуд бўлма деб этгайсан амр,
 Май ичса киши қандай ҳушёр бўлгай?!

584

Ишк ичра агар бўлса кароринг бир дам,
Ишк аҳли ичида сенга йўк иш ҳеч ҳам.
Сен учли тикан бўлсанг, ёр мисли гул
Гоҳ кўйнинггу гоҳ юзингда кулгай хуррам.

585

Ишқинг ҳаваси дилда яралган кундан,
Соянг билан гаплашаман мен шундан.
Кўркмасман агарчи мен, бироқ кўркув бор,
Шундай нарсаки ишк, йўк наф ундан.

586

Дил берди менга севиш учун дилдорни,
Ардоқладим мудом суюкли ёрни.
Жон боисидир тириклигу шодликнинг,
Девона бўлиб, хор этдим жони зорни.

587

Дилдори абад олиб дилим айланади,
Жонимни қилиб тилим-тилим айланади.
Мен мисли дарахт ердан унарман хандон,
Ул оби ҳаёт суйиб гилим айланади.

588

Дарвеш иши дарду савдо бўлгусидир,
У дард чекишда танҳо бўлгусидир.
Бутхона ясарлар ҳар тарафда, билсанг,
Бутхона ўзи бу дунё бўлгусидир.

152

589

Ундан кеча боғ шукри саломат қилди,
 Гуллар юзини безаб, аломат қилди,
 Ул сарви чаман дуойи қомат қилди,
 Гул ханда уриб, унга қиёмат қилди.

590

Ҳар икки жаҳони бир хаёл – бошқа эмас,
 Биз унда баҳона эҳтимол – бошқа эмас.
 Умрим бўйи жон қиссасини эштаман,
 Бу барчаси афсона мисол – бошқа эмас.

591

Кеча малагим ой каби тобон эди-ей,
 Ҳусн ичра қуёшдан-да чароғон эди-ей,
 Юксак у хаёлдан неча чандон эди-ей,
 Идрокидан аклим уни(нг) хайрон эди-ей!..

592

Диллар самоъда бекарор бўлгусидир,
 Ёмғиру чакинли навбахор бўлгусидир.
 Оч раҳмат кафтини, эй Зухраи айш,
 Созандаю созлар бекор бўлгусидир.

593

Бир куни хаёли ёри жон ракс этади,
 Бир жон нимадир, жумла жаҳон ракс этади.
 Дил уйига урганларида ҳар парда,
 Мискин тани бенаво ҳамон ракс этади.

153

594

Савдоси учун баҳона ҳам етгусидир,
 Сархушларига тарона ҳам етгусидир.
 Ўлдирмок учун урар жафо тиғини ёр,
 Камчиласа у ягона ҳам етгусидир.

595

Ориф кишидек бир гули хандон бўлмас,
 Аччиқлик қанду болда ҳеч он бўлмас.
 Биллур қадах мисоли ошиқ жони,
 Биллур қадах асло сандон бўлмас.

596

Товус эмассанки, жамолинг кўрса,
 Семурғ¹ эмассанки, маконинг сўрса.
 Лочин эмассан, элни боқса овинг,
 Охир, нима қушсан сотиб олмок эрса?!

597

Мушк исли насим тонгда равон ўтгусидир,
 Кўйидан фалоннинг бегумон ўтгусидир,
 Кўп ухлама, уйғонки, жаҳон ўтгусидир,
 Ғофил ўтирма, карвон ўтгусидир.

¹ *Семурғ* – Коф тоғининг энг баланд чўккисида яшайди деб тасаввур қилинадиган афсонавий қуш. Атторминг «Мантик ут-тайр», Навоийнинг «Лисон ут-тайр» дostonларида у Худо тимсоли бўлиб келади.

598

Ким ошиқ бўлса, кеча-кундуз май ичар,
 Ўздан ақлу номус либосини ечар.
 Ишқ ичра тану ақлу дилу жон бўлмас,
 Бир бўлса шу хил ким, иккиликдан у қечар.

599

Ошиқ тавозе қилмаса, не қилар?
 Тунларда кўйингга келмаса не қилар?
 Зулфингга агар лаб босса, бўлма хафа,
 Телба занжирни тилмаса, не қилар?

600

Сабр этсам, жон тўни ниҳон куйгусидир,
 Жонга кўшилиб тан бегумон куйгусидир,
 Оҳ урсам, оғзим шу замон куйгусидир,
 Мендан ўтса, икки жаҳон куйгусидир.

601

Гар тутса балиқлар бутун дарёни,
 Қоплонлар эгалласа тамом саҳрони,
 Топса кўзи очлар молу дунёни,
 Ошиққа кифоядир гўзал жонони.

602

Душман тилагайки, банда хандон бўлмас,
 Пинҳон тутма бандаданки, пинҳон бўлмас.
 Ёзсанг-да боғ эшигига «Бу – зиндон» деб,
 Боғ бу ёзувингдан сира зиндон бўлмас.

603

Дарёда суза кема равон ўтгусидир,
 Ўйлайдики, ҳар нарса чунон ўтгусидир.
 Бизлар ўтамиз асли жаҳондан бир-бир,
 Бизга туюлар, бироқ жаҳон ўтгусидир.

604

Ошикка фано бўлса агар бермоқ жон,
 Ё ишк кўйида ўзини қилмоқ курбон,
 «Ишк асли ҳаёт чашмасидан сув ичмоқ», –
 Деган гапу сўзлар эмасми ёлғон?!

605

Ҳар кимсаки, бор-йўққа қаноат айлар,
 Бор-йўқ унинг амрига итоат айлар.
 Энди унинг ўзи яратувчи бўлгай,
 Чунки Ҳақ ўзи унга иноят айлар.

606

Ҳақ йўлида мард аҳлига ёр ўзгача жон,
 Осмондаги кушларига-да ўзга макон.
 Оддий кўз ила боқма, уларга бордир
 Ҳар икки жаҳондан айру бир ўзга жаҳон.

607

Йўл қўйма, сени васваса тутқун айлар,
 У мисли илон ҳийлаю афсун айлар.

156

Забт этгали қасд айласа ул ой агар,
Осмону заминни остин-устун айлар.

608

Йўл қўйма, сени айламасин ғусса нишон,
Кўнглингни хароб васвасаи ушбу жаҳон.
Бор, ишқ майини қуй оғзингга туну кун,
Тарк этмагунича сени Ҳақ ҳукмича жон.

609

Бермайди бу йўлда хонаки маъшуқа иш,
Ноз қилса-да чунки у, вафо қилмас эмиш.
Чин маъшуқа ошиққа қабр оғзида ҳам
Очғуси фалак эшигини пешма-пеш.

610

Мушкин бу таноби пардаи моҳ бўлади,
Ким парданишин¹ бўлса, у гумроҳ бўлади.
Кўрса иягининг чоҳини Юсуф агар,
Боғлаб танобини, асири чоҳ бўлади.

611

Дилдор келару мисли шакар кулгайдир,
Ҳусни ою офтобдан ўтар, кулгайдир.
Маҳрам унга бу жаҳонда биргина назар,
Шундан яширин қилиб назар кулгайдир.

¹ *Парданишин* – парда ичида ўлтирувчи.

612

Ҳақнинг ўзи беҳабарлигим билгайдир,
 Кўнглим сабабидан мени шод қилгайдир.
 Гул шохига ўхшайди кўнглим-да менинг,
 Тонг ели гулим тўкиб-тўкиб елгайдир.

613

Ҳар кечаси осмон юзи гулшан бўлгай,
 Олам ҳам осуда тамоман бўлгай.
 Дил ойинасидан чиқарарман юз ох,
 Дил ойинаси оҳдан равшан бўлгай.

614

Ҳар куни дилим тоза шакар нўш этади,
 Ўтган сафоларни фаромуш этади,
 Аввал ўзи сипкоради-ю ишқ майини,
 Сўнг бизга тутиб, барчани беҳуш этади.

615

Ҳар дилки, севиб бир дилрабога кетмас,
 Аллоҳ хақи, у ғайри фанога кетмас.
 Бу шод кабутар ишқ асири бўлмиш,
 Ҳар канча уни қувма, бир жо(й)га кетмас.

616

Ҳар ерда вафо гули унаркан алвон,
 Берган унинг уруғини бизнинг хирмон.

Шодлик сози янграса каерда хандон,
Бизнинг шодлик унга асосдир ҳар он.

617

Мен банда ақлгаким, кўйида хайрон,
Ёр дардида қон кўнгилга юз жон қурбон.
Ошиқлар кўзидан тўкилган ёшга
Рашк этгусидир оби ҳаёт ҳам ҳар он.

618

На сув тўяди балиқлардан бир он,
На сувга балиқлар тўяди беармон.
На додга келар жони жаҳон ишқ элидан,
На жони жаҳонга тўяр ишқ аҳли ҳамон.

619

Ҳар кимки сени бир марта кўрса агар,
У кимса қачон бир ўзга дилбарга қарар?
Ҳар кўзки, агар ташласа бир сенга назар,
Энди унга ой, қуёш-да хира кўринар.

620

Бадном ошиғингдан, эй санам, нанг этма,
Ҳам кўзига майхонани-да танг этма.
Хум қуйқасидан тўйғазу айла беҳуш,
Кўй қаҳру ғазабни – биз билан жанг этма.

621

Эй ишқ, на хушсанки, энг хушдан хуш,
 Оташ менга урсанг, ўша оташдан хуш.
 Ҳар олти жиҳат обод, хуш шавкингдан,
 Кечса баридан бировк, йўк бу ишдан хуш.

622

Юзинг каби кеча боғда кўрдим бир анор,
 Рангим заъфарон бўлди монанди динор.
 Бечора бу жонимга урдинг оташ,
 Эй кофири золим, дин келтиргил, бор!

623

Қилдим: «Не қилай?» – дея сўроқ. Дедик: «Ўл!»
 «Сув бўлди, – дедим, – тандаги ёғ». Дедик: «Ўл!»
 Дедим: «Бўлайин шамингга мен парвона,
 Эй юзи шамдек порлоқ!» Дедик: «Ўл!»

624

Бу хастани ёр ранжитади ҳар асно,
 Ё кўнгли каттик, ё ўзи бепарво.
 Дил қиссасини юзимга ёздим қон ила,
 Ёрнинг кўзи тушса-да, ўқимас асло.

625

Хотиржам кўнглимни қилар ғаш жонон,
 Ҳар лаҳза этар фалак каби саргардон.

Бир лаҳза қувар барчанию бир лаҳза
Кумри каби ишк дарсин ўқиб гиргиттон.

626

Ёримда баҳор ранги эса, менда хазон,
Ҳеч бўлган эмас гулга тикан тенг бегумон.
Зид бир-бирига гулу тикан гарчи азал,
Бирга яшагай лекин улар ҳар қачон.

627

Эй дил, жабри ёри меҳрибондан қочма,
Қилсанг агар ўғрилиқ, посбондан қочма,
Нишон тиласанг, ҳеч бенишондан қочма,
Юз жон беру дарди жонондан қочма.

628

Мен тавба билан гуноҳу зухду парҳез –
Келдим барига уриш учун оташ тез.
Ҳар канчаки ўт истаса, келтирдим мен,
Дил уздим Ҳақдан ўзгасидан ҳар кез.

629

Эй зарра, қуёшдан қоч, топсанг имкон,
Қочишнинг иложи йўқми, қилма исён.
Сен гўё бир кўза, тақдир эса тош,
Юр тошдан узок, сувингни асра ҳар он.

630

Юз мисли зари замона, кўру сўрама,
Ашк анори дона-дона, кўру сўрама.
Уйнинг ичи аҳволини сўрма мендан,
Манзил менга остона, кўру сўрама.

631

Ишк отини мин, ҳайда равону чўчима,
Қуръондан ўқиб оят ишону чўчима.
Ўзингдану ўзгадан агар ғолибсан,
Маъшук бил ўзингни бегумону чўчима.

632

Дилдор шу қадар бўлди паришон, сўрама,
Қуйдирди жуда оташи ҳижрон, сўрама.
«Дил узма», – десам, дер: «Узмасанг, узмасман»,
Хуш кўрди шу бир сўзимни жонон, сўрама.

633

Эй жон Юсуфи, Яъқуб ҳолини сўра,
Эй жон қурти, Айюб малолини сўра.
Қошингда гўзаллар бари кўғирчоқдир,
Ҳижрондан бу банда заволини сўра.

634

Дунёни қуритгувчи киёматдан кўрк,
Кўксингни ўяр ниши адоватдан кўрк.
Эй ҳирс тунида ғурур уйқусига маст,
Отди ажалинг тонги – жаҳолатдан кўрк.

635

Кушлар Сулаймонга қилишди исён:
 «Булбулни тийиб қўйишга борми имкон?!»
 Булбул деди: «Уч ойгина куйлайману мен,
 Сўнг тўккиз ой жим юраман – қилманг кон!»

636

Май деб лакаб олдим гоҳида, гоҳи жом,
 Гоҳ асл олтинман, гоҳи нуқрай¹ хом,
 Гоҳ донаману гоҳ ову гоҳи дом,
 Бу барчаси не учун – беролмайман ном.

637

Эй савдойи, бор толиби савдо бўл,
 Суратга эмас, чин дилдан шайдо бўл.
 Бу жанжалу жанг эмас ёмон феълингдан,
 Феъл – соя, кечибу бу ёвдан танхо бўл.

638

Мен кеча ақл пирига дедим пинхон:
 «Дунё сирини яширма мендан ҳеч он».
 У аста қулоғимга деди: «Эй нодон,
 Билмоқ фазилату гапирмоқ нуқсон».

¹ Нуқра – кумуш.

639

Мен дилга дедим: «Бўлма бировдан устун,
Бор, хастага ниш бўлма-ю, малҳам бўлгин.
Десангки, ёмонлик кўрмайин ҳеч кимдан,
Ёмон ўю сўзу ишга бўлма тутқун».

640

Эй жонон, кел, жон ичида пинҳон бўл,
Мард ахлига ақлу ҳушдек сарбон бўл.
Ҳар икки жаҳон давлату бахтисан ўзинг,
Шу давлату бахт каби мудом гардон¹ бўл.

641

Ишк тўнини кийма асти бўлса имкон,
Кийдингми, бало етишса чекма афғон,
Тўн ичра куйиб-ёну гапирма ҳеч он,
Бир куни тикан келтиради бол чандон.

642

Мен султон мажлисида синдирдим жом,
Жанжал бўлади агар эшитсам дашном,
Қаттиқ эди шунчаликки мен тушган дом,
Билмасман қайси пухта², қайси хом?

643

Дил қилса хаёлингни агар қолмас ҳуш,
Май лаъли лабингсиз сира бўлгайми ҳуш?

¹ *Гардон* – айланувчи, чарх урувчи.

² *Пухта* – бу ерда: пишган.

Дийдорингдан кўз-да тутмайди кўз,
Эшитмайди кулок берсанг товуш.

644

Бугун самоъдиру самоъдиру самоъ,
Бир нури зиёдиру зиёдиру зиё,
Бу ишк мутедиру мутедиру муте,
Хушдан жудодиру жудодиру жудо.

645

Дил чашмаси мавж урар килиб ёди самоъ,
Ҳар бир дил эмас лойиғи бунёди самоъ.
Ҳар дил боғланса диллар дарёсига,
Бу майдан уриб жўш, берар доди самоъ.

646

Меҳмонингмиз сению, меҳмони самоъ,
Эй хамдамлар жонию, султони самоъ,
Ҳам лаззат дарёсию, ҳам кони самоъ,
Ораста бўлар сендан майдони самоъ.

647

Совук кишилар мисоли қиш фаслида зоғ,
Маҳрум гулу булбулдан қолган каби боғ.
Ҳар дамни ғанимат англа, жонга қувват,
Топмассан уни сўнгра ёқиб мингта чирок.

648

Бу дил сира тутмас ўзга ерда манзил,
 Кўнглимдан узоқ ким ишқдан бўлса хижил.
 Кўз очилиб, ичмади сувингдан ўзга,
 Ҳам сурмаи дийда бўлди, ҳам қуввати дил.

649

Мен сен деб агарда минг маломат чекаман,
 Дил узсам агар, кейин надомат чекаман.
 Бу умр вафо қилса, дилимга солган
 Жабру ситамигни то қиёмат чекаман.

650

Ғам ёлқинидан ўт, эй санам, истайман,
 Кўйинг тупроғидан гилам истайман.
 Нохушликлардан келдим жонга жуда,
 Бас, марҳаматингдан хуш дам истайман.

651

Мен шод ўламан сенинг учун берсам жон,
 Бандангга ё банда бўлсам йўқ армон.
 Занжир каби кўш зулфинг девонасиман,
 Икки жоду кашмирий¹ кўзингга хайрон.

¹ *Кашмирий* – Ҳиндистондаги Кашмир вилоятининг кизлари кадимдан ўзларининг гўзалликлари ва сеҳр-жодулари билан машҳур бўлганлар. Кашмирий деганда Шарқ шеъриятида айёр ва афсунгар маҳбуба кўзда тутилади.

652

Аллоҳга шукур, сенга мудом пайвастан,
 Ҳажринг тузоғидан кутулдим – рост ман,
 Йўклик майидан мен шу қадар ичдимким,
 Мен рўзи азалдан¹ то абад сармастан.

653

Дардинг уйдан бизга бало етгусидир,
 Ҳар дам минг бир ранжу жафо етгусидир.
 Дилдан куйган жигар ҳиди ҳар лаҳза
 Ғам суфрасига қайдан, аё, етгусидир?

654

Бу кеча етар севимли ёрдан салом,
 Уйқу кўзу кўнгилга ҳаромдир, ҳаром.
 Зулфинг ҳидига ўхшаганидан мушки
 Агтор кўркиб, сотар уни томма-том.

655

Бу кеча ишк ойи тўлиштиш тамом,
 Том четидан ўғринча боқар дилором,
 Бу кеча ишим зикр энди, сажда, қиём²,
 Уйқую маю қадах ҳаромдир, ҳаром.

¹ *Рўзи азал* – азал кун, яратилишнинг ибтидоси.

² *Қиём* – ибодат вақтида тик туриш пайти.

656

Эй дил, жаҳон аҳлидан кўп этма ваҳим,
 Ҳақ Муҳсину¹ Мунъиму² Карим ҳамда Раҳим.
 У бандалари ҳожати учун чиқарар
 Инъом ўкини карам ёйидан доим.

657

Эй дил, эса ҳамдаминг хору хас, не қилай?
 Боғдан теришинг мудом гул эмас, не қилай?
 Ҳуснидан Унинг равшану олам, сенинг
 Бу нурни кўзинг агарда кўрмас, не қилай?

658

Эй дўст, шикорману шикорим бордир,
 Бекорман агар, шарафли корим бордир.
 Дединг: «Оламан бошингни – бошинг борми?»
 Албатта, боши хору зорим бордир.

659

Мен ёрни талаб қилиб, шитоб этгайман,
 Умр етди-ю сўнгига, мен ётгайман.
 Ёр васлини излай-излай ўтган бекор
 Умримни қаердан энди топгайман?..

660

Узум каби оёқ остига тайланаман,
 Ишк бошласа кайга – шу тараф шайланаман.

¹ *Муҳсин* – эҳсон қилувчи.

² *Мунъим* – ризк-рўз берувчи.

Дер: «Айланасан нега менинг теграмдан?»
Сенинг эмас, ўз теграмдан айланаман.

661

Сендан холи ётибди маъвойи дилим,
Аччиқлиги рангингнинг ҳалвойи дилим.
Йўқ асло шикоятим ғамингдан, аммо,
Эшитсанг агар кифоядир войи дилим.

662

Эй ишқ, ҳақиқатда менга сен маъшуқ,
Сен Холики мутлаксану мен махлуқ¹.
Кўнгил кўзи кўр нокас мункирлар учун
Юксак кўтарарман сени мен то Айюқ².

663

Ох-фарёд чексам, деди: «Бўл хомуш!»
Хомуш бўлсам, дейдики: «Қайна, ур жўш!»
Жўш урсам агар, дейдики: «Йўқ, сокин бўл!»
Сокин тортсам, дейдики: «Жўш урсанг хуш!»

664

Келиб яна ёнингга ўтирдим, жонон,
Юзингни тавоф этиш муродим ҳар он.
Кўрганда юзингни синдирарман сенсиз
Ҳар канча ўзим бирлан қилсам паймон.

¹ Махлуқ – яратилган, банда.

² Айюқ – сомон йўлининг ўнг тарафида жойлашган юлдуз.
Айюкка етказиш – баланд кўтариш, авжига етказиш.

665

Майхонага вакф бўлди дилим – шундан шод,
 Жонимни-да жом учун берарман барбод.
 Чунки дилу жон бирга бўлишни тиламас,
 Ҳар иккисидан кечдиму бўлдим озод.

666

Бор икки жаҳондан ўзга менда мурод,
 Бу шодликларсиз-да ҳаёт этгуси шод.
 Оч менга лабингни хуш табассум бирлан,
 Кетсин очилиб токи ишим-да, паризод!

667

Бехуда юрай қачонгача мисли ғубор?
 Ё мисли рубоб чекай ғаминг зарбини зор?
 Дединг: «Қиламан наво ёнингда чангдек».
 Дам ургали мен найинг эмасман-ку, нигор?!

668

То кўрдиму юзингни жаҳондан тўйдим,
 Бир тулки эдим, шер бўлдим-қўйдим.
 Эй кибр ила халк бошига қўйган оёк,
 Билки, мен хокисорликни суйдим.

669

Қошимда агарда бўлса коса айрон,
 Тикмасман ўзга болига кўз ҳеч он.

170

Бечоралик ўлимга ризо қилса-да, ҳеч
Қилмасман эрким қулликка қурбон.

670

Мендан гумон этмаки, каминг кўргайман,
Кўз заҳматисиз ҳар даминг кўргайман.
Сикқай на тасаввургаю на таърифга
Шодликларки, берди ғаминг – кўргайман.

671

Сен қилма гумон бўлди дея ғам ўти паст,
Ё дема кўниб фироққа васл этмади қасд.
Мен шунча кўп ичдимки ишқинг майини,
Бўлдим азалдан то абад масту аласт.

672

Бу жонда мен икки юз жаҳон билгайман,
Дейсанки, фалондиру фалон билгайман.
У шоҳиди Хизру Ҳақ рашк айлагуси,
Боғланса кўз ундан бегумон билгайман.

673

Тупроқ уйида ганжи ниҳон биздирмиз,
Соҳиби бақо мулки, аён, биздирмиз.
Озод бўлсак тупроғу сув зулматидан,
Ҳам Хизру ҳаёт суви ҳамон биздирмиз.

674

Ишқингда сенинг жигар конин ютгайман,
 Зулмингни киёматга қадар этгайман.
 Сен қон тиласанг агар киёмат кунда,
 Мен бўлса юзингга назар этгайман.

675

Измингдаману шу ҳолати тангдан хуш,
 Жанг қилсанг қил – мен ҳатто жангдан хуш.
 Бу ишқ йўлида сенга маломат ордир,
 Номимни гаров қўйдиму мен, нангдан хуш.

676

Бир дам ўз ўтимдан ўзни хуш қилайин,
 Бир лаҳза сени токи фаромуш қилайин.
 Бу жоним аклимни-да айлар беҳуш,
 Тушсангу қадахга, мен сени нўш қилайин.

677

Кўнглимни кўксим ичра оввора қилай,
 Тошга урибон кўзамни пора қилай.
 Юз гавҳарни ғамингда қилсам пора,
 Лаълингдан унга бир куни чора қилай.

678

Дашном бера қолки, масти дашномингман,
 Дашноминг эшитай дея бадномингман.
 Бол ўрнидадир менга захар тутсанг агар,
 Умрим бўйи мен чунки сенинг ромингман.

172

679

Бошимни урай эшиги тупроғига мен,
 Кўнглимни берай зулфи қармоғига мен.
 Жоним лабга етди – лабини тутсин,
 Жоним шу баҳона қўяй дудоғига мен.

680

Ким бўлмади бу ўк дастидан мисли камон,
 Ёинки жароҳати сабаб банди чунон.
 Ким топса хабар бундан оёғини тепиб,
 Ўз кибру ҳавосидан чекар ох бегумон.

681

Жон ичра яшир сиримни бўлса имкон,
 Ҳолимни ўзимдан ҳатто тут пинҳон.
 Жонимни ол оғушингга бўлса жонинг,
 Куфримни менинг кил раҳнамойи имон.

682

Бу кеча мену минг бир сўфий пинҳон,
 Ошқору ниҳон барчалари мисли жон.
 Эй орифи мутриб¹, энди килма хато,
 Рақс айлаб бу сифатга етгунг бегумон.

¹ *Мутриб* – чолғувчи ва қўшиқчи, муғанний. Тасаввуфда орифлар дилини рамзлар кашфию ҳақиқатлар баёнига тўлдирадиган, файз етказувчи ва тарғиб қилувчиларни мутриб дейдилар. Раббоний оламдан огоҳ қилувчилар ва комил пирларга ҳам ишора қилинади. Унинг куйи – маърифат, қўшиғи эса – ҳақиқат.

683

Эй додки, эмиш барча бедод мендан,
 Оламдаги минг бир оху фарёд мендан.
 Шодлик нима билмадим бу дунёга келиб,
 Ғам дегани бўлган асли бунёд мендан.

684

Эй дўст, қабул айла-ю, жонимни ол,
 Маст айла-ю, ҳар икки жаҳонимни ол.
 Овунса дилим нима билан сенсиз агар,
 Ёқиб мени, ошкору ниҳонимни ол.

685

Юзинг кўнгил Каъбасию қуввати жон,
 Куйдим шамдек ғамингда, эй жони жаҳон.
 Кўрсат юзинг ошиққа ниқобингни олиб,
 Жон тўнини токи йиртиб отсин шу замон.

686

Эй шох, мот бўлганни яна мот этма,
 Бу ошиғи бечорага бедод этма.
 Бўлсам-да гуноҳга ғарк агар, афв айла,
 Аллоҳ хақи, зулм ишини бунёд этма.

687

Дил олами сен туфайлидир қобили жон,
 Ҳал айлади зотинг¹ сифати мушқули жон,

¹ Зот деганда тасаввуф аҳли Мутлақ руҳнинг ўзини, илоҳиёт оламининг жавҳари, яъни абадий ва азалий Ваҳдатнинг моҳиятини тушунганлар.

Ақлу дилу ҳуш сен боис ҳосили жон,
Жони жонсан, ақли жону дили жон.

688

Ишк одати шу аслида – имон емоқ,
На ғуссаи нон, на ғуссаи жон емоқ.
Тун-кун ғамидан холи бу дастурхон,
Рӯза эса эзгуликни пинҳон емоқ.

689

Эй қаҳру ғазаб этмоқ сенга одат,
Бир сўзим бор кўзингга, берсанг рухсат.
Тушмиш жуда мос бир-бирига қошу кўзинг,
Кўрмоқни уни насиб қиларми қисмат?!

690

Дардинг жомидан қатра жаҳон дарёси,
Йўқотди бошу оёғини дунёси.
Ишқингга кўмилмоқни тилайди олам,
Боғлабди қанотин рашқинг савдоси.

691

Кўп кезди жаҳон бўйлаб оввора дилим,
Ўз дардига ахтариб даво, чора дилим.
Жўш урди-ю, бағридан чиқарди охир
Ул оби ҳаётни бўлибон пора дилим.

692

Курсат хасталарга маломат йўлини,
 Ҳар лаҳза эзиб, айла жароҳат дилини.
 Ур жонга оловингни, тириклик ҳаққи,
 Ҳар бир нафасинг куйдирсин ғам кулини.

693

Бу тоифага жон берайин, жондир улар,
 Гулдек мужассами эҳсондир улар.
 Ҳар кимда қусур бор, биров холи эмас,
 Аммо бари резадирлару кондир улар.

694

Ул шоҳи жаҳон измида ҳар икки жаҳон,
 Ҳам пасту баланду ҳам ошқору ниҳон.
 Ҳар ўкки учса, шох уни отди, аён,
 Ҳар сўзки бор, шох уни айтди, инон.

695

Сен бодаи лаъли ломаконни ёд эт,
 У-бу дема, шу оромижонни ёд эт,
 То жонинг бор, жони жаҳонни ёд эт,
 Мастлик тиласанг, ахли ирфонни ёд эт.

696

Қил дилни кина, хирсу ҳасаддан холи,
 Бадфеъл кишининг яхши эмас аҳволи.
 Инкордан етар сенга зиён – камрок қил,
 Икрорни кўп айла, у наф тимсоли.

176

697

Кўрдим, санамо, юзингни, бас, беркитма,
 Мендан яширин сира шароб нўш этма.
 Ҳар қанча ёмонлар этмасинлар гап-сўз,
 Эй кўз нури ошиқларнинг, эшитма!

698

Келди-ю ҳайит, тухфаси хусни султон,
 Ким икки жаҳонда уни кўрибди қачон?
 Бу мингта ҳайитга татигай, эй дилу жон,
 Чикди пинҳон еридан ул ганжи ниҳон.

699

Султон ҳуснин кўриш саодат ҳар он,
 Ёр юзини кўрса, тирилар ўлган жон.
 Кўрдим ишқинг силсиласин уйқумда,
 Ё Раб, бу паришон уйқудан мен ҳайрон.

700

Ё Шому Ироқу ё агар Луристон,
 Нурли юзидан бўлса агар нуристон.
 Мункар ва Накир¹ бирлан қил ҳамкорлик,
 Қарсак чалибон рақс этсин гўристон.

¹ *Мункар, Накир* – исломий тасаввурга кўра, ўлганларни қабрда дастлабки сўроқ қилувчи, улардан ердаги қилмишлари тўғрисида ҳисобот олувчи ва қилган гуноҳларига қараб жазо-ловчи фаришталар.

701

Ҳакдан ўзга жаҳонда йўқдир бегумон,
Йўк яхши-ёмонлик, ошқору ниҳон.
Ҳар ўкки учар, манбаи қаттиқ у камон,
Ҳар сўзки чиқар, унинг оғзидан аён.

702

Мушток бўлсанг, қошига бор муштокнинг,
Ўлтир эшигида туну кун ушшоқнинг.
Дунё тааллуқларини айлаб тарк,
Халқдан узилу қўлини тут Халлоқнинг.

703

Ишк аҳли бутун олами бир пора менга,
Чорагару чорасози бечора менга,
Чарх офтоби бандаи сайёра менга,
Кўргувчи икки жаҳонни наззора менга.

704

Демасман ҳеч дўсти ғамгин ила бўл,
Кўнгли очиғу тили ширин ила бўл.
Бокка кирсанг, борма тикан қошига ҳеч,
Ҳар лаҳза гулу суману¹ насрин² ила бўл.

¹ Суман (ёсуман) – ясмий гули, хушбўй оқ гул.

² Насрин – оқ хушбўй гул.

705

Ҳам кўнглим нурисан, ҳам роҳати жон,
 Ҳам фитнанинг офатию ҳам фитнанишон.
 «Дўстдан хабаринг борми?» – сўрайсан мendan,
 Менга бенишонлик нишон дўстдан, ишон!

706

Эй, булбули масти бўстонсан, сўйла,
 Бошим қизитиб, роҳати жонсан, сўйла.
 Мен масту деёлмайман тайин бир сўз,
 Билсанг нима, эй жони жаҳон, сўйла.

707

Эй дил, ғамга йўқми чидам, бор, кета қол,
 Кўп ииқ оввораси бирам, бор, кета қол.
 Эй жон, кела қол, агарда сен чўчимасанг,
 Кўй йўқса бу ишни сен ҳам, бор, кета қол.

708

Шодлик асосидир хаёли хушинг-ей,
 Жонларга ҳарорат беради оташинг-ей.
 Дил шодлиги тарк этса қачонки бизни,
 Ром айлар ўзига зулфи саркашинг-ей.

709

Эй лутф ила кўрлар кўзин ёркин этдинг,
 Кофирларни раҳнамои дин этдинг.
 Дарвешларни шоҳ айлаб Хисравдек,
 Хисравни эса асири Ширин этдинг.

710

Эй, сарв алиф¹ кадингдан олмиш улгу,
 Гул кўйлаги чок юзинг қошида, ёху².
 Хусн ичра жаҳонда борми сендан ўтари?
 Аллоҳ хақи, бок олиб кўзингга кўзгу!

711

Бир жонки, таом унга ғаму андиша.
 Ўрмон шеридек ўзгаси беандиша.
 Андиша мисоли тешадир, билсанг агар,
 Ҳой, ўз оёғингга урмагин то теша.

712

Сен сувсану биз эса гиёҳмиз баримиз,
 Сен шоҳсану биз эса гадомиз баримиз,
 Сўзловчи ўзингу биз садомиз баримиз,
 Изловчи сену сенга фидомиз баримиз.

713

Кўрдим то юзингни, эй нигори ғофил,
 Оввора бўлиб ишқдан, йўкотдим йўл.
 Бир куни хабар етар: «Ишқинг ғамидан
 Ўтди-кетди фалончи бўлмаёвосил».

¹ *Алиф* – араб алифбосининг биринчи ҳарфи: «а», «о». Тик ва тўғрилиги жиҳатидан маҳбубанинг баланд ва келишган қомагига нисбат берилади.

² *Ёху* – Худони ёдлаш, Худованд дейиш (арабча «ё хува» сўзидан).

714

Кўғирчоғи кудрати Худомиз баримиз,
 У давлат соҳиби, гадомиз баримиз.
 Бас, бир-биримизга бундан ортиқни тилаш –
 Нега, меҳмони бир саро(й)миз баримиз.

715

Ҳар канча бу пардага асирсиз барча,
 Сурсангиз уни четга – амирсиз барча.
 Халқ оби ҳаётини мудом истарсиз,
 Соҳилда бирок ташна ўлурсиз барча.

716

Бўлдим дийдорингга ниҳоят ташна,
 Кўрган сари бўламан бағоят ташна.
 Мен икки ширин лабингга кўп бандаман-ей,
 Қонимга жаҳон шундан шояд ташна.

717

Улкан қадаҳинг агарда арзон қиласан,
 Дунёнинг бор аъзосини жон қиласан,
 Гар ғунча дудоғингни хандон қиласан,
 Ҳар хасни-да ўйнатиб, хиромон қиласан.

718

Ул зулм агар етса, додин берасан,
 Ғамгин дилларга жоми шодин берасан.
 Аввал ичган майни унутдим энди,
 Нега яна тутмасанг ёдин берасан?

719

Офтоб нурини эмиб, маҳваш бўласан,
Кибритга¹ яқинлашиб, оташ бўласан.
Сен жаҳд этасан нохуш бўлсин деб хуш,
У хуш бўлмас, сен эса нохуш бўласан.

720

Жондан кочаман, агарда жондан кочсанг,
Дилдан кочаман, агарда ундан кочсанг.
Сен ўқсану биз мисли камонмиз то ҳануз,
Ҳеч бўлмас ажаб агар камондан кочсанг.

721

Бу зору ҳазиндан кўнгил сўргайсан,
Сўрмай кўя қол агар шу хил сўргайсан.
Дил этагини ғамингда чок этдимү мен,
Сен бўлса енгимни нукул сўргайсан.

722

Сендай нодир мевани билмас айём,
Минг донасини еса бўлар ҳатто хом.
Ҳажрингни раво кўрма килиб душманлик,
Бир кун яна қайтар ўзингга бу бадном.

723

Гулдан жон қушига қафаслар қиласан,
Қора хокдан ширин нафаслар қиласан.

¹ *Кибрит* – олтингугурт.

Сен сурмасини чекканларни кўрган
 Ҳар бир дилда завқу хаваслар қиласан.

724

Сен ишки азал сабаб ғазалхон бўлдинг,
 Ишк ҳайратидан гўлу нодон бўлдинг.
 Ўлдингу ғамида қайта топдинг жон,
 Ҳар не тиласанг ғамида чандон бўлдинг.

725

Устозга дедим сархушлик чоғи, ох:
 «Қил борлиғу йўклик сиридан огоҳ».
 Устоз жавоб қилдики: «Халқ заҳматидан
 Гар бўлсанг узок – унга бўлурсан хамроҳ».

726

Эй сенки, мени асири юз дом қиласан,
 Дейсан кет деб тунда-ю, пайғом қиласан,
 Мен кетсам агар ким билан ором қиласан,
 Ҳамномсану менга, кимни ном қиласан?

727

Эй барча дардимизга сенсан дармон,
 Ўтди хаддан дардимиз, айла фармон.
 Аллоҳ ҳақи, минг бир маъжун¹ берсанг-да,
 Мен кўрмай то юзингни бермасман жон.

¹ Маъжун – дори.

728

Эй, сен мени дунё аҳли дейсан зинҳор,
 Мендан бир сўзни тингла, бўлсанг хушёр:
 Дин бор менда бўлсам-да дунёдор,
 Сенда эса на дунёю на дин бор.

729

Эй, бандаларинг ҳолин ўзинг билгайсан,
 Тун зулматида кўзу чироқ бўлгайсан.
 Диллар қушини ўзинг ҳавога учириб,
 Ўзингга яна банду асир қилгайсан.

730

Эй хожа, хаёл қўлида мисли бодсан,
 Ҳеч нарса учун хафасану дилшодсан.
 Кўрдимки ўт ичрасан, ўзингга қўйдим,
 То пухтаю зийрак бўласан, устодсан.

731

Сен шоҳсану, эй май, адлу дод этасан,
 Юз бандани бир қатра-ла озод этасан.
 Офтоб каби сен туфайли кўзим равшан,
 Мен интиламан сенга – ўзинг шод этасан.

732

Эй йўлда туриб, йўл ҳар гоҳ истайсан,
 Моҳга тутила туриб, моҳ истайсан.

184

Гўзал Юсуф каби ияк чоҳи аро
Ўзинг буржу¹ Юсуфу чоҳ истайсан.

733

Ҳам жонга душман, ҳам ширин жонсан ўзинг,
Ҳам нури Мусо, ҳам Тури Синосан² ўзинг.
Эй дўст, бу жонга йўқдир дард асло,
Номинг тутса кифоя – дармонсан ўзинг.

734

Эй дўст, ҳар бир сўзим учун жанг киласан,
Юз жабру жафо тиғида бағрим тиласан.
Наздингда кумушман, ўзгалар-чи, олтин,
Кўрганда уриб эртага тошга биласан.

735

Эй соқийи жон, мисоли сарв хушандом,
Бу беором, хаста кўнгилга ором.
Махмур бугун барча сархушларинг,
Охири ўзингга кайтади бу бад³ ном.

¹ *Бурж* – 1) кувёшнинг йиллик ҳаракат доирасидаги ўн икки нуктанинг ҳар бири; 2) чўкки, юкори нукта; 3) ўрин, жой, манзил.

² *Тури Синос* – Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таоло билан сўзлашган Арабистондаги тоғ.

³ *Бад* – ёмон.

736

Эй шодликка сендан минглаб шодлик,
 Сендан бу майхонада минг ободлик.
 Хоксор банданг бўлган боғ сарвига ҳам
 Тегмиш сенга бандалигидан озодлик.

737

Эй ой, агарчи равшану сернурсан,
 Ул хур юзи нури олдида панд ерсан.
 Эй наргис, агар мусаффою махмурсан,
 Ёр кўзини кўрмаган эсанг маъзурсан.

738

Тўпдир иягингу ҳалка зулфинг чавгон,
 Қошинг мисли камону ўқдир мужгон¹.
 Офтоб каби манглайингу чехранг ой,
 Май тусли лабингу икки кўзинг мастон.

739

Мен дилга дедимки: «Бўлмасанг гўл, нодон,
 Ёр хизматидан чекармидинг бош хеч он?»
 Дил дедики менга: «Бу сўзинг айни хато,
 Мен лозими хизматману сен саргардон».

740

Кир боғга гул билан агар хормассан,
 Муроса қил эл билан гар ағёрмассан,

¹ Мужгон – киприк, мижжа.

Юзингни захар қилма агар мормассан¹,
Бу накшни ўқи гар накши девормассан.

741

То ошиғи ул гўзал паризод бўласан,
Тупрок каби чарх уриб, гирдбод² бўласан.
Кўрсам-да ўт ичра, кўйдим ўз ҳолингга,
Шоядки пишиб бу ишда, устод бўласан.

742

Хушёр билмас сархушлик лаззатини,
Топмас киши севса танни(нг) жон давлатини.
То тупроғу сувдек дўст ишқи ғамида
Бўлмас фано, билмас борлик сийратини³.

743

Ишк айламади хато қилиб хумморлик,
Бас, сокий, лутф этсанг агар дилдорлик.
Ўздан гина кил агарда бўлсанг сархуш,
Тупрок қилади ғиштни тегирмон – кўрдик.

744

Доим хуш эътикод бўлгай сўфий,
Ўз ботинидан шод бўлгай сўфий.
Сўфий софдир – ғам унга солмас соя,
Кайхусраву Кайқубод⁴ бўлгай сўфий.

¹ *Мор* – илон.

² *Гирдбод* – кучли шамол, тўзон, довул, қуюн.

³ *Сийрат* – юриш-туриш, ахлоқ, одат, табиат.

⁴ *Кайхусрав, Кайқубод* – каёнийлар сулоласига мансуб Эрон ҳукмдорлари.

745

Ўзинг сира биз сари нигоҳ қилмайсан,
 Гўё бу гуноҳу сен гуноҳ қилмайсан.
 Кўнглим юзинг гулини деб йиғлар зор,
 Кўнглим ойинасига оҳ қилмайсан.

746

Дунёда тилар бўлсанг агар фард бўласан,
 Дин йўлида ёки соҳиби дард бўласан,
 Мард ахлининг изла суҳбатини доим,
 Мардлар ичида юрсанг агар мард бўласан.

747

Зухд ичра агар Мусою Ҳорун¹ бўлсанг,
 Жаброилдек, тонг йўк, сургун бўлсанг.
 Зухд суратидан сенга нима фойда агар
 Сийратда ўзинг Язиду² Қорун³ бўлсанг?!

748

Ишқинг биёбонида қилдим сафар,
 Топгайманми деб васлингдан хабар.

¹ Ҳорун – исломгача бўлган пайгамбарлардан бири.

² Язид – умавийлар халифаси (680-683), Муовия ибн Абу Суфённинг ўғли.

³ Қорун – Мусо алайҳиссалом даврида яшаган, ҳад-ҳисобсиз бойлигини хайрли ишларга сарфламай, ҳасисликда ном чиқарган шахс. Бу такаббур кимсани охир-окибат бутун мол-дунёси билан бирга ер ютган. У Шарк адабиётида ҳарислик ва ҳасислик тимсоли ҳисобланади.

Кўрдим заиф тану забун бошларни
 Қай бир манзилга оёқ қўйсам агар.

749

Дил дер менга: «Сўйла, нима ахтаргайсан?
 Не деб бу жаҳонда чарх уриб юргайсан?»
 Дедим: «Мени асли ўзинг оввора қилиб,
 Бор айбу гуноҳни менга ағдаргайсан!»

750

Дарвеш кишига ордир молу давлат,
 Кўнглига малол – озордир молу давлат.
 Ҳақ йўлида, чунки чинакам факр¹ афзал,
 Шундан у учун хордир молу давлат.

751

Ҳар икки жаҳонда мен учун ёрсан ўзинг,
 Ҳар дарду ғамим чоғида ғамхорсан ўзинг.
 Ҳар икки жаҳонда бир ўзингдан ўзга
 Севимли киши йўқ – бунга икдорсан ўзинг.

752

Зоҳид наф қилмади бирор, эй соқий,
 Зухди чин эмас, у хийлакор, эй соқий.
 Мардона киру бу йўлга, чикма дархол,
 Не бўлса азалда, ўша бор, эй соқий.

¹ *Факр* – тариқатнинг тўртинчи макоми. Дунё неъматлари, вужуд эҳтиёжларидан қўл тортиб, фақат Ҳаққа мухтож бўлиш.

753

Бор, эй ғаму андиша, хато сўзларсан,
Нега у вафони сен жафо сўзларсан?
Солган каби гўдакка жафодан кўрқув,
Кекса дея мени нораво сўзларсан.

754

Майхонанинг олдидан ўтардинг бир кун,
Гоҳ биз сари ноз ила қарардинг секин.
Остин-устун қилса жаҳонни бу кавм,
Сен дунё ишин килардинг остин-устун.

755

Олам кўм-кўк, ҳар томон боғ-бўстон,
Хурлар юзи аксидан хуррам-хандон.
Қондан чиққан дур каби ҳар ён алвон,
Пайваста ҳар томонда жонга жон.

756

Ошиқ бўлсанг агар дилу жондан кўрк,
Гар ўғрилиқ айласанг, посбондан кўрк.
Даъво киласан муҳаббат, эй бемаъни,
Ҳар дам тилдан учувчи ёлғондан кўрк.

757

Бўлсанг юз кун агарда ёрга пайванд,
Бўлмайди сира жон бу фиғондан хурсанд.

190

Эй сенки, бу сўзимга агар кулгайсан,
Сен Мажнун эмас, сен ҳали донишманд.

758

Мен сўфий эдим асли, ғазалхон қилдинг,
Ринд аҳли аро соҳиби исён қилдинг.
Мен мағрур эдим ибодатимга, гўё
Гўдак каби бир аҳли тўполон қилдинг.

759

Кофирки эмассан, очма имондан сўз,
То жондан кечмай дема жонондан сўз.
Нафсинг ила машғулу забунсан то хануз,
Беҳуда сенга асрори султондан сўз.

760

Ғамнинг қўлида дард жоми, ранги сўлғин,
Дедимки: «Сарик юзинг муборак бўлсин!»
Деди: «Не қилайки, келтириб шодликни,
Бозоримни менинг касод қилдинг сен!»

761

Ишк ичра қилдинг неча нодирликлар,
Ўлдиргали ошиғингни соҳирликлар.
Ишкинг яшириб дилим Самарқанди аро,
Огоҳмисан, этдинг нима кофирликлар?

762

Дедим: «Эй дил, кайси балога тушдинг?»
 Дер: «Яхшиман, ўзинг не маъвога тушдинг?»
 Дедимки: «Димоғни даволаш лозим». «Девонасан-у, – деди, – давога тушдинг».

763

Гар хою ҳавасга ўзни банда этасан,
 Васлига етолмай йўлда қолиб кетасан.
 Жаҳд айла талаб биёбонида тинмай,
 Шоядки висоли Каъбасига етасан.

764

Мен зарра эдим, тоғдай улуғвор этдинг,
 Энг ортда эдим, ҳаммадан илғор этдинг,
 Дармони дили хастаю бемор этдинг,
 Қарсак чаламанки, масту хуммор этдинг.

765

Узмайман умид гарчи мени тарк этдинг,
 Қасдимга менинг бир ўзга ёр тутдинг.
 То жоним бор – ғаминг чекиб толмасман,
 Умидсизлик аро умидвор этдинг.

766

Гар юзинг наққоши Раҳмон эмас,
 Устодинг ўзи нақшингга ҳайрон эмас.

192

Ишқинг доғи манзили гар жон эмас,
Ишқингда жон бўлиш осон эмас.

767

Ҳар зарра хокни мисли моҳ қилдинг,
Ул моҳни яна ҳамдами шоҳ қилдинг.
Чикди фироғингдан охир оҳим тутуни,
Ўзим сари ул оҳдан роҳ қилдинг.

768

Кимнинг дилида бўлса агар нури Худо,
Жонини унинг тўлдиради сирини Худо.
Бечора дема менинг танимни зинҳор,
Босган уни бошдан-оёқ тўри Худо.

769

Эй, йўк-ку юзинг шамъига шамдон, кела қол,
Йўк қибру ҳаво феълингда, жонон, кела қол.
Сен қилма сира ўзингни кўзда пинҳон,
Бўлмас тутиб ҳусни пинҳон, кела қол.

770

Улки, сира бермайди уйқу менга,
«Меҳробни ёшинг ҳўл қилсин», – дер у менга.
Хомуш мени айлади-ю, отди сувга,
Бир сувки, ҳаловат бағишлар бу менга.

771

Ул зотки, суратингни чизди – танҳо,
Ғам ичра қўйиб қўймас ўзингни асло.
Тасвиринг уйида – дилингда, яъни
Юз очади икки юз дўсти зебо.

772

Сўзловчи у лаъл жон беради маржонга
Ҳам сурати алвон беради маржонга,
Ҳар дам шўру ғавго беради имонга,
Бу сирни ҳали гапирмадик ҳеч жонга.

773

Эй, сен мисли куёш танҳо, кела қол,
Сенсиз боғу роғ мисоли сахро, кела қол,
Сенсиз гарду губор бу дунё, кела қол,
Ишқ анжуманида йўк маъно, кела қол.

774

Аввал минг бир лутф ила суйдирди мени,
Охир минг бир ғуссада куйдирди мени,
Ўйнаб меҳри муҳрасин¹ ийдирди мени,
Айландиму мен унга, тийдирди мени.

775

Эй, кибру ғурур мунча фаровон сенда,
Ҳар турфа хаёл мудом намоён сенда,

¹ *Муҳра* – сокка; шахмат ёки нард доналари.

Энг қизиғи, содир бўлмай ҳеч нарса,
Минг шубҳа-гумон қилар ғалаён сенда.

776

Ишқ бўлди азалдан бизнинг матлабимиз,
Висол майидан равшан ҳар дам таъбимиз.
Ул майданки, ҳаром демас мазҳабимиз,
Сероб бўлади токи киёмат лабимиз.

777

Ғалвир каби рўза элайди жонни,
Ошкор қилади у айби пинҳонни.
Ул жонки, хира қилар моҳи тобонни,
Очиб юзини, нурга кўмар осмонни.

778

Кўзингда кўр ул икки кўзи фаттонни¹,
Ҳар сўзини тингла яхшилаб Раҳмонни(нг).
Ҳар конки, наргис кўзи ичган эмас,
Кўзимдан окишига қара ул конни.

779

Ботмай терга хижолат ичра нетаман,
Ул ердаки, дилдор сари нигоҳ этаман.
Ё бир куни мақсаду муродга етаман,
Ё дил каби бошимни-да бериб кетаман.

¹ *Фаттон* – фитна солувчи, мафтун қилувчи, жозибали.

780

Тарк айла ўзингни, тиласанг ўзингни,
 Кўлмакни кўйиб, дарёга бур юзингни.
 Ҳўкиз каби кўтарма бу дунё юкини,
 Чарх уру, жаҳонга ўтказ сўзингни.

781

Танбур эшилиб, майин таратгай наво,
 Занжир каби унга ўралар дил, аё.
 Кўксида ниҳон унинг киши овози,
 «Ҳамроҳ топиб кел!» – дея айлайди садо.

782

Ишқинг ўлдирди турку тозини¹,
 Мен бандасиман шаҳиду ҳам ғозийни².
 «Ҳеч жон мендан топмас омон!» – дер ишқинг,
 Эй дил, шу учун кўй бу ўйин – бозини³.

783

Ишқ пайғамбар мазхаби, эй фарзона,
 Биз – ишқ фарзанди, бизга – ишқ она.
 Уйқуда бу она парда ичра қона,
 Кофир феълимиздан бекиниб пинҳона

¹ *Този* – араб.

² *Ғозий* – ғазотда, муқаддас урушда қатнашувчи, ўз эътиқоди йўлида жанг қилувчи.

³ *Бози* – ўйин.

784

«Ло ҳавлу вало...»¹ қувгуси дилдан ғамни,
Таъқиб этса дев агар одамни.

«Ло ҳавлу вало...»дан бўлса ким ғамгин,
«Ло ҳавлу вало...» килар зиёд у дамни.

785

Эй дил, икки-уч кун то саҳаргоҳ ётма,
Офтоб ҳажрида мисли моҳ ётма.
Челак каби йўл топ зулмат чоҳ тубига,
Шояд сени маҳкум этмаса чоҳ, ётма.

786

Эй банда юзингга гулу гулнор, ётма,
Гавҳар сочади лабинг бемиқдор, ётма.
Эй кўзлари маст, хумору хунхор², ётма,
Ишрат тунидир бу кеча, зинҳор ётма.

787

Эй моҳ, бу кеча моҳ каби зинҳор ётма,
Чарх айла мисоли чархи даввор³ ётма.
Бедорлигимиз чироғидир оламнинг,
Бир кеча чироқни асра, бир бор ётма.

¹ «Ло ҳавлу вало...» – «Ла ҳавлу вало қуввата илло биллох» – «Барча куч ва қудрат соҳиби ягона Аллоҳдир» оятининг бошланиш қисми.

² Хунхор – кон тўқувчи.

³ Чархи даввор – айланиб турувчи фалак, ўзгариб турувчи дунё.

788

Осуда киши тинчини бузмас кўпу кам,
 Бойлигу фақирлик дея емас сира ғам.
 На унга жаҳон ташвишу, на халқи жаҳон,
 Ўзлигида ўзи қолмаган зарра ҳам.

789

Бу шохнинг хоки пойи тождир бошга,
 Афзал бу фироқдан келса ўлим қошга.
 Дейди заъфарон юзим: «Бу – кўхна савдо,
 Мендан гина қилма бу ишда бошқа...»

790

Аҳдинг қани дема, аҳд эмасдир мен учун,
 Зулфинг каби аҳдимда тугун узра тугун.
 Ўхшатма шакар идишига ёр лабини,
 Ё ўтда дема лабингнинг ранги яширин.

791

Беёрликдан зарифрок ёр бўлмас,
 Бекорликдан латифрок кор бўлмас.
 Айёрлигу хийладан ким чекса бош,
 Шу кимса каби зийрагу айёр бўлмас.

792

Бошимга бу дил солди-ю, ғавғо қочди,
 Жон келди-ю кўрдикки не савдо, қочди.

198

Кўнглим ўгини кўрди-ю Зухра хатто,
Ваҳм ила чалиб довул шу асно кочди.

793

Фарёд қилсам агар фиғоним куйгай,
Хомуш бўлсам, жисму жоним куйгай.
Қилди мени у ташқари бор хилватдан,
Чиксам ўртага ҳар томоним куйгай.

794

Эй, солди юзинг ҳасрати ҳусн аҳлига ғам,
Қайрилма қошинг зоҳидлар қибласи ҳам.
Шўнғишга яланғоч фазлинг денгизига
Кечдим баридан, канча сифат бўлса манам!

795

Эй банда, билиб кўй, сохиби Шарк будир,
Дур тўла азал булутидан барк¹ будир.
Сен ҳар нимани киёс қилиб айтарсан,
У кўрганини нақл этади – фарқ шудир.

796

Дунёда сенинг каби латиф, пок йўқдир,
Сенинг каби ҳусн ичра бир ток йўқдир.
Бу йўлда бу хил таъна-маломат кўпдир,
Биз бирла агар бўлсанг Ўзинг, бок² йўқдир.

¹ Барқ – чакмоқ, яшин.

² Бок – 1) ваҳм, хавф, қўрқув; 2) зарар; 3) парво; 4) ажаб.

797

Эй тун, нима тунсан, кунлар сенга фидо?
 Дарёсан – жонлар жони сенда жо.
 Бу кеча сенинг дилингда шуъла уради
 Ул фитнаю утки, эди бошингда, аё!

798

Ишк шоҳу туғи – аломати маълум эмас,
 Қуръон ҳақдиру ояти маълум эмас.
 Бу сайёддан ўк еган ҳар бир ошик
 Қони оқару жароҳати маълум эмас.

799

Мен дилга дедим: «Дил уни деб Жайхундир,
 Дилбар захардиру сенга кескиндир».
 Кулди-ю дилим, дедики: «Бу афсундир,
 Шаккарни нечук захар дейиш мумкиндир?»

800

Дарё суви, сахро шамолидай худди
 Жангу жанжал билан бугун ҳам ўтди.
 Тонггача бутун тосу лаганини урамиз
 Ой пардасидек кўнгилни мотам тутди.

801

Дуст иззату неъмат ичра ўстирди бутун,
 Томиру теримдан тикди хирка узун.

200

Тан бўлди-ю хирқа, унда кўнглим сўфий,
Олам эса хонакоҳ у пир Ҳақ ўзи, чин.

802

Бўлсин тавоф айладигинг кутби нажот,
Борган каби ҳожилар Каъба, Арафот.
Ёпишдинг лой каби заминга мунча,
Билсанг, ҳаракатдадир калити баракот.

803

Сен кўзсиз агар йўл юрсанг айни хато,
Кўзингга ишонсанг ортик – бошга бало.
Бутхонаю мадраса мажоздир асли,
Билмайсан Унинг манзилидир қайда, аё?

804

Юзинг ғамидан Аршга етар оҳ-нолалар,
Дилларда эса савдосидан ғулғулалар.
Жон кафтида ишқи майидан титроғу зор,
Дил бўйнида зулфидан эса силсилалар.

805

Кўзғолинг, ул ёр саломат турди,
Кўзғолинг, ишқидан маломат турди.
Кўзғолинг, ул латиф комат турди,
Кўзғолингки, бу кун киёмат турди.

806

Зохир ила ботинда неча хайр ила шар(p)¹,
 Боис унга Ҳақ ҳукми, казо бирла қадар².
 Мен жаҳд этарману казо қайтаради:
 «Ҳақ ҳукми бўлак, банда иши ўзга бўлар!»

807

Ишқ ичра киши бако майин ичгусидир,
 Ҳам жонидану ҳам дилидан кечгусидир.
 Десам: «Сени таниб, кейин ўлсам», дер:
 «Мени таниган мангу ҳаёт кучгусидир!»

808

Кимнинг дили бўлса, эгаси дилбаримиз,
 Ҳар ерда чақин чакса, нури гавҳаримиз.
 Ҳар зарда агар бўлса азалнинг маҳри,
 Қай конда эса у зар бизнинг заримиз.

809

У том бошидан боқди кеча бизга сари,
 У жони малакдирми ва ё руҳи пари?

¹ *Хайр ила шар(p)* – савоб ва гуноҳ.

² *Қазо ва қадар* – илоҳий илм. *Қазо* – Аллоҳ таолонинг ҳамма нарсаларнинг келажакда қандай бўлишини азалдан билиши. *Қадар* – ҳамма нарсаларнинг Аллоҳнинг азалий илмига мувофиқ равишда вужудга келиши. Маълум бўладики, казо ва қадарнинг маъноси бандалар томонидан келажакда содир бўладиган ишларнинг Аллоҳ тарафидан олдиндан билиб турилиши.

Бебахра эса марҳум ўшал бу руҳдан,
Ғофил яшагай бўлмаса ундан хабари.

810

Лутф этди-ю кеча, биз сари боқди ёр:
«Менсиз тириклигинг эмасми душвор?»
Дедим: «Гўё баликман айру сувдан».
Дер: «Айбдор ўзингу менга йиғлайсан зор».

811

Ёдингни қилиб, шодликка тўлди дил,
Аммо у кадаҳни ичмади, тўкди ул.
Жонсиз жасад билар ўзин дил сенсиз,
Жонни аяган кимсанинг аҳволи шул.

812

Ул майдан мастман – нақши жоми ишқдир,
Бир отни миндимки, лажоми ишқдир.
Ҳар қанча улуғ иш эса-да ишқ, аммо,
Мен бандасиман унинг – ғуломи ишқдир.

813

Шафеъ эди ҳар гуноҳга ул шоҳ – кетди,
Ул тунки, мот олдида минг моҳ – кетди.
Айтинг яна келса-ю, мени сўрса агар:
«Йўл бошида эди сендек у, оҳ, кетди...»

814

Юз бор айтдим: хоҳ масту хоҳ хушёр,
 Кўлингни узатма ҳар шохга зинҳор.
 Кўнглинг гоҳи унга, гоҳи бунга хуштор,
 Сенда суву менда қолмади ўт, эй ёр!

815

Ошиқлар ўгити ақлга етди,
 Йўлда туриб, йўлтўсарлик одат этди.
 Кўрдик, бу ишк аҳли ўғитни олмас,
 Хоки пойини ўпиб, йўлига кетди.

816

Васлинг этагин тутишга қўл – чанг йўқдир,
 Ишқинг таънасин тинглагали нанг йўқдир.
 Васл шавқи ила яшайману йиғлайман
 Бу васл аро хижрондан ранг йўқдир.

817

Васл этсанг агар биҳишт ё боғ шудир,
 Ҳажрин чексанг, дўзах ё доғ шудир.
 Бу ишк азалий агар, жаҳонда пинҳон,
 Ошиқни қилар фош – иши ҳар чоғ шудир.

818

Дерлар соҳиби фан ақли қулдир¹,
 Бу чархни-да сойир² этган ақли қулдир.

¹ *Ақли қул* – етук, комил ақл. Жабронил алайҳиссалом, нури Муҳаммадий ва Арши азим ҳам тушунилади.

² *Сойир* – сайр қилувчи, кезувчи.

Бир жузвдир ул ақлки, ақли бордир,
 Мояси¹ унинг зотан ақли кулдир.

819

Минг бир бошда агарчи васлингга ҳавас,
 Васлингга сенинг бирор киши етган эмас.
 Ҳар кимки етди, топди тенгсиз давлат,
 Ким етмаса, топди у ғам ҳар нафас².

820

Қўшилди келиб йўлдан бизга бир маст,
 Қўлдан-қўлга қадах ўтарди пайваст.
 Синди у тушиб кетди-ю қўлдан ногоҳ,
 Синдирмай уни кўярми шунча бадмаст?..

821

Мен ул жонданки, жонларга жондир,
 Ул юртданки, юртсизларга кондир.
 Бу юртнинг йўли жуда бепоёндир,
 Бўл беқўл-оёқ, қўл-оёқ у ҳар ондир.

822

Мен ғарки Худоману Худода мен жо,
 Жонимда у, изламанг кезиб сиз дунё.
 Подшоҳману, бу сизга туюлгай қизик,
 Чунки ўша зотнинг ўзи менга подшо(х).

¹ *Моя* – 1) асл, моҳият, асос; 2) сабаб, боис.

² Бу рубоий Нажмиддин Куброга ҳам нисбат берилади.

823

Қошингга келар ҳар куни ул дилбари маст,
 Қўлида қадах, килиб дилинг олгали касд.
 Рад этсам агар жонга нажот йўк ундан,
 Ичсам учади хушим бўлиб масту аласт.

824

Ҳар зарраю ҳар хаёл бир бедорлик,
 Ҳар шодлигу ғам торттиради хушёрлик.
 Йўк нега яқинлар ичида бегона,
 Ғофил яшаш огоҳ ахлидан бадкорлик.

825

Ҳар зарраки мавжуд еру кўкда ҳар он,
 Кўйингда ҳамиша чарх уриб саргардон.
 Ҳар зарра агар ғамгин, агарда шодон,
 Ҳар лаҳза куёш теграсида гиргиттон.

826

Бу ҳурлар асли фитнаи бутхона,
 Чорлар мени юр дея мудом майхона.
 Бу йўлда агар кофиру ҳам золимдир,
 Зоҳидлигу обидликда афсона.

827

Ҳар сўзга агар кўнгилда парво бўлгай,
 Яхши биламан: тезда у расво бўлгай.
 У шунча жамолинг ёдини қилгайким,
 Ҳар бир дамида даминг пайдо бўлгай.

206

828

Толиблар мард аҳлига интилгайлар,
 Кеку кинадан дилингни пок қилгайлар.
 Сен қилма улар айбини андиша, улар
 Сен андиша қилмай, барини билгайлар.

829

Бу тоза вужуд мудом балойингда бўлар,
 Ўз конига ғарқу Карбалойингда¹ бўлар.
 Ё Раб, ишинг бордиру ҳам ишхона,
 Бекорлик ҳатто муддаойингда бўлар.

830

Бир кўзим тўкди жудоликдан кон,
 Иккинчи кўзим бу ҳолга бўлди хайрон.
 Ёпдиму висол келганида уни, дедим:
 «Сен йиғламадинг – харом висоли жонон».

831

Кесган кимнинг киндигин ишқ ила агар,
 Ошиқ оху додини ўша эшитар.
 Талпинмас у кўрса дона, аксинча, қочар,
 У қушлар уча олмас бир ерга учар.

¹ *Карбало* – Ироқдаги саҳро. Муҳаммад алайҳиссаломнинг невараси, Ҳазрат Алининг ўғли Имом Ҳусайн халифа Язид билан бўлган ҳокимият учун курашда оила аъзолари ва яқинлари билан шу ерда шахид бўлган.

832

Ҳар кимгаки илму ақл этди инъом,
Қилди у дунёда ҳам иззат-икром.
Кимнинг бошини қилди ақлдан холи,
Тўлдирди уни мол билан айлаб ром.

833

Оламни яратганда Худованди карим,
Ошиқларни яратди бир ўзгачаким,
Етмайди бу иш моҳиятига ақлинг,
Бу сирни еча олмади ҳеч битта ҳаким.

834

Ул кунки, кўзинг мендан агар юз ўгирар,
Бошимда ажал фариштаси чарх урар.
Иззатталаб дилим ўшанда ҳам, ох,
«Кошки кўзи ёш тўкса», – дея қайғу чекар.

835

Мен бандаси ул қавмни(нг), ўзни билгай,
Пок этгали кўнглини мудом интилгай.
Феҳристига¹ солганча «Аналҳақ» нақшин,
Ўз зоту сифатларини дафтар қилгай.

836

Юз мингта таним, агарчи жоним танҳо,
Йўқ чораси оғзимда эса қулф аммо.

¹ Феҳрист – жадвал.

Кўрдим икки юз халқни – бари мен эдим-ей,
Лекин бирида кўрмадим ўзни асло.

837

Жон манзили мақсудинг эса, жонсан, бас,
Нон бурдаси мақсудинг эса, нонсан, бас.
Окил эсанг, англа ушбу ҳикматни мудом:
«Не изласанг, ўшанга тенг инсонсан, бас!»

838

На сен билан ўлтириш менга осондир,
На сенсиз бир дам яшамок имкондир.
Бу ҳолдан аклим-да саргардондир,
Оддий ҳол эмас, бу дарди бедармондир.

839

Оҳ, аҳду вафода шунчаки дилдорим,
Қон йиғлаш уни деб кеча-қундуз корим.
Топиб у бир ўзга ёр, яшар хотиржам,
Аҳмок каби мен юрибман у деб ёрим.

840

То менга вафосиз у ёр ишки етди,
Мен бир мис эдим-у мени кимё¹ этди.
Мен изладим уни минг бир қўл билану,
У қўлин узатди-ю, оёқдан тутди.

¹ *Кимё* – ал-кимё: ўтмишда оддий маъданларни олтину қумушга айлантириш йўллари излаган илм; бу ерда: олтин.

841

«Саргашта сени мисли тегирмон қиламан,
 Бошингни мисоли туп сарсон қиламан».
 Дединг яна: «Бошқа ёр топарман энди».
 Ҳар кимники топсанг, уни қурбон қиламан!

842

Кўнглинг доим шод, лабинг хандон бўлсин.
 Кўрса сени ошиқлар шодон бўлсин.
 Ҳар кимки сени кўрса-ю, шод бўлмаса гар,
 Бадбахту шармисору сарсон бўлсин.

843

Жон токи ўша юзи кумушга тушди,
 Лаб ҳалқаси ичра жон хурушга¹ тушди.
 Намруд каби окди кўзларимдан кўнглим,
 Ўт ичра Халил² каби куйишга тушди.

844

То пардада ул гўзал хиромон бўлгай,
 Кимнинг кийими бор – ёкавайрон бўлгай.
 Ҳаттоки бахил гаровга қўйгай молин,
 Ҳатто тош кон каби дурафшон³ бўлгай.

¹ *Хуруш* – бакир-чакир, жанжал.

² *Халил* – дўст, ёр, севикли. Иброҳим пайғамбарнинг лақаби.

³ *Дурафшон* – дур сочувчи, порлоқ, равшан.

845

Келди-ю хайит, сендан хайитона олар,
 Ой хирманидан бу хайитинг дона олар.
 Бу етса агар, у юзини ойга қилар,
 Бу етмаса гар, янги ой хона олар.

846

Жон хастаю бедармон бўлмоғи керак,
 Ҳоли элга дoston бўлмоғи керак.
 Одам бўлсанг, узилма одамлардан,
 Маъвойи малак осмон бўлмоғи керак.

847

Бир ёрки, аклу хуш шикоридир унинг,
 Бир ёрки, тоғлар-да қароридир унинг.
 Десам: «Сочинг учини кесибсан», деди:
 «Кўп бошлар йўлида нисоридир унинг».

848

Топ доим маст ошиқлар суҳбатини,
 Нокаста сира боғлама дил рағбатини.
 Вайрон сари бошлар зоғу тўти эса қанд,
 Ҳар тоифа тортар бир ён улфатини.

849

Бу тоифа яхшилардан айру тушди,
 Ўғриларнинг сеҳру домига учди.
 Судралганидан ортда чўлоқ эчки каби,
 Қашкирлар бирма-бир конини ичди.

850

Қилди мени банд у зулфи банд узра банд,
 Қон этди мени лаблари канд узра канд.
 Эй, дийдоринг ваъдаси ҳеч узра ҳеч,
 Ошиқ кишига беҳуда панд узра панд.

851

Ишқ лашкари иши қон тўкишдир ҳар кез,
 Санчиб тиғини ошиққа, айлар тез.
 Мен дарё каби дилимга бўлганман ғарк,
 Айтингки яқинларга, қилишсин парҳез.

852

Эй ишқ, нимасанки, барча қурбонингдир,
 Сен жамсану жамлар-чи, паришонингдир,
 Сен хонанишину барча дарбонингдир,
 Сен онаю барча фарзанди жонингдир.

853

Ишқинг ғами ҳар кеча ноғора чалишар,
 Бу кечада барча танлар жон бўлишар.
 Тун чодиринчра қизларин асрар ишқ,
 Ғам келса, улар соч-соқолини юлишар.

854

Маст аҳлини муҳтасибдан¹ кўрқитгайлар,
 Гар муҳтасиб ўзи маст эса нетгайлар?

¹ *Муҳтасиб* – ислом маросимлари, шариат қоидалари ва жамоат тартибини назорат қилувчи амалдор.

Маст аҳлини олмаслар гаровга не учун,
Шаҳр аҳли ўзини мард агар тутгайлар?!

855

Ишқинг жону жаҳонни олган жойда,
Уйингда ўтирганинг сенинг не фойда?!
Ул кунки, сен ойдек тўлдинг, билмассан,
Олам эли кўриб сени оху войда.

856

Бу кўз назораи гулу лола қилар,
Бу чархи фалакни тўла оҳ-нола қилар.
Йўк таъсири минг йиллик майнинг мунча,
Бир йиллик ишкки, кишини вола қилар.

857

Ошиқки, хоксорлик қилмай не қилар?
Тунларда кўйингга келмай не қилар?
Бир ўпса агар зулфингдан бўлма хафа,
Девона занжирни тилмай не қилар?

858

Кўнглимга муҳаббати кириб келган дам,
Кар бўлди фиғонларимдан аҳли олам.
Ишким кучайиб, энди камайди оҳ ҳам,
Ўт олса аланга, тутуни бўлгай кам.

859

Нозу нозиклик ичра ошик танхо,
 Ошиқлик мазҳабида марди дунё.
 Ошиққа муносиб эмас макр асло,
 Бўлғуси Юсуфлик этса, Яъқуб расво.

860

Умр дўсту яқинлардан агар айру бўлар,
 Наздингда у ўлим ёки бир уйқу бўлар.
 Сув бузса мижозингни – у гўёки захар,
 Дардингга даво қилса захар – дору бўлар.

861

Ишк ичра кеча дил эди бизга ҳамкор,
 То тонггача нотинч эди-ю ҳам бедор.
 Уйкусираган кўзу сарик чеҳра билан
 Келди кошимизга тонгда мисли бемор.

862

Зарни қорага бўяб, тутунга тутишар,
 Ўғри кўзини шу йўл билан чалғитишар.
 Ошиқ юзи қора бўлмас, у – асл олтин,
 Тушмас у оёқ остига, эъзоз этишар.

863

Ишк аҳли кўйингга дилни ёкиб келишар,
 Жигар қони кўзларидан оқиб келишар.

214

Тупрокдай мен олдингда-ю, бошқалар эса
 Елдай кетишар, елдай улокиб келишар.

864

Ким сени кўриб агарда хандон бўлмас,
 Оғзи очилиб, ҳуснингга ҳайрон бўлмас,
 Аввалгидан аҳволи паришон бўлмас,
 Бир тошу кесак у, сира инсон бўлмас!

865

Сабр этсам агар, дил ғамдан танг бўлгай,
 Фош этсам агар, ғаним иши жанг бўлгай.
 Баттар бўлар аҳволим қилсам тавба,
 Дерлар сенга бизнинг ишқдан нанг бўлгай.

866

То бошу кўзинг ичра ақлу нур бор,
 Сот тилни-ю, бошни тиғдан асра зинҳор.
 Бўлмас танидан жудо балиқ боши сира,
 Боғланди тили, чунки тамадан ошкор.

867

Бир бўри келар биз сари вақти саҳар,
 Олиб кетади семизми, ориқ магар.
 Хуррак ота тўшакда ётарсан мунча,
 Бас, етади – ғафлат уйқусин айла бадар!

868

Сокийга дедим: «Менга майи тоза узат!
 Жон берсину дилни этсин покиза узат!»
 Дер: «Синдиради кадаҳни даврон қуюни».
 Сен қилмай уни қуюнга овоза узат!

869

Эй, тонг асарини вақти шом ким кўрди?
 Бир ошики содиқ эзгу ном ким кўрди?
 Фарёд урасанки, мен куйдим дея,
 Кўй, йиғлама, куйганини хом ким кўрди?

870

Эй шафкат аҳли, экасиз тухми вафо,
 Сочарсиз ер юзига сиз дурри сафо.
 Вокифсиз ҳар ерда менинг ҳолимдан,
 Кўрманг мени ҳижрон қўлига асти раво.

871

Эй дўсту яқинларим, жудолик қилманг,
 Ҳар хою ҳавасга мубталолик қилманг.
 Бирга бўлингу қибру ҳаволик қилманг,
 Амр этди вафони, бевафолик қилманг.

872

Кўриб заъфарон юзимни ёри номдор,
 «Васлимдан умид айлама, — деди, — зинҳор.

216

Биз энди сира кўришмагаймиз дийдор,
Бок, менда баҳор, сенда хазон ранги бор».

873

Сарғайганидек офтоб, тўсиб девор,
Ёр дардида юз заҳилу кўнгил бемор.
Гох ёр ғами, гох фироғи бергай озор,
Охири кўринарми бу ғамнинг зинҳор?!

874

Ёрнинг юзидан тушдим узоқ айни баҳор,
Энди ҳайити кайфу сафода нима бор?!
Яхши эди ёмғир ўрнига тош ёғса,
Гул ўрнига унса эди боғда хасу хор.

875

Куй тонг маҳали покиза майни, дилдор,
Ўлимга тенг оламда яшамок хушёр.
Ё тинглагил ошуфта рубоб ноладини,
Ё е доғли дилинг кабобин зинҳор.

876

Эй дил, бор-будингни ёр кўйига сол,
Юзингга Юсуфнинг эзгу кўйлагини ол.
Сен мисли балиқчасан – хаётинг сув ила,
Бас, ўйлаб ўтирмай ўзни сувга ота қол.

877

Мардона кел – эмасдир ишинг асти мажоз,
 Бошла боши йўк таронани хушдилу соз.
 Мўйловни сила, шаҳарга сохибсан ўзинг,
 Беҳуда эмас, ахир, бу мўйлови дароз¹.

878

Айтар менга ёри меҳрибон: «Олма малол,
 Кун ўтди, кетайлик энди – битди висол».
 Эй тун, сен йўклик қаъридан чикма сира!
 Ботма сира, офтоб, кўк авжида қол!

879

Эй ёр, келдинг менга мувофик, шод бўл.
 Холига дилимнинг жуда лойик, шод бўл.
 Дуо қиламан: «Шод бўлсин ошиқлар.»
 Сен ҳам бўлсанг агарда ошиқ, шод бўл.

880

Тун бизлар учун нима? Бу – вақти нолиш,
 Ким ошиқ эмас, уни кўтаргай болиш.
 Ким бўлса бу йўлда ҳали хому ноқис,
 Бир зарба бу борада унга бергай иш.

881

Қилса санам аҳду паймон эшитмасман,
 Тутса-да қўлига Куръон эшитмасман.

¹ Дароз – узун.

Дер: «Сенга кулоқ солмасман мен ҳам, бас!»
 Хоҳлар кутулишни осон, эшитмасман.

882

Дерлар менга: «Куй, алдама, кулгинг – ёлғон,
 Доим ишинг айшу сўзинг лоф ҳар он».
 Гийбат тўрини тўкима ўргимчакдек,
 Семурғ танийди Кўҳи Қофни осон.

883

Лиммо-лим бу жаҳон Исога, алхол,
 Дунёга қачон сиғар матои Дажжол?!¹
 Дунё меши бўлса тиниқ сувга тўла,
 Сиғмас унга шўр суви нодоннинг яккол.

884

Коч нодон суҳбатидан оқил бўлсанг,
 Фозил кишиларнинг этагига ур чанг.
 Нокаста яқинлашма, қилар ҳолинг танг,
 Ойинани сувга солсанг, босгай занг.

885

Ишк аҳли кўлидан тут, эй ошиқ, маҳкам,
 Осилади ўз дарахтига мева ҳам.
 Румлик Румга, ҳабаш Ҳабашга тортар,
 Ранг олгандек узум узумдан ҳар дам.

¹ *Дажжол* – ислом динига кўра, киёмат олдидан пайдо бўладиган ва диндорларни Худо кўрсатган тўғри йўлдан оздирадиган бир кўзли одамсимон махлук.

886

Бўғилмиш овозинг, ноланг бас қила қол,
 Ёрингга аён чунки бу сендаги хол.
 Бу хиркираган овозу бу хаста томоқ,
 Бил, аҳли камол олдидадир айни завол.

887

Эй ёр, тиладинг мендан ҳам зар, ҳам дил,
 Бордир менда на ую на бу ҳосил.
 Қашшок кишида қаерданам бўлсин зар,
 Ошиқ кишида сира бўларми кўнгил?!

888

Бўлса нима яхши, этишар ман мудом,
 Маҳрум шу баҳона кўп лаззатдан авом.
 Йўкса нега чангу маю хуш нақшу самоъ
 Хосларга ҳалол, авомга қолганда ҳаром?!

889

Ишк ила сени таниганим дам, жонон,
 Мен сен билан ўйнадим кўп нард пинҳон.
 Кўнглим уйини сенинг учун безатдим,
 Келгилу хиром эт унда масту шодон.

890

Хўб этсанг агар юзимни, мен хўбингман,
 Бир чўп каби қилсанг агар, чўбингман,

220

Дард ичра кўяр бўлсанг, Айюбингман,
Эй Юсуфи олам, мен Яькубингман!

891

Кўк ҳўкизидан вафо сутини соғаман,
Шохига унинг агарчи қўрқиб боқаман.
Ҳар қанча кеча халқа қулоғимда эди,
Сал яхшилигимни кечагидан уқаман.

892

Ҳар кечагидан бу кеча бағримдир қон,
Эрта ураман минорага тиғ беомон.
Қахру ғазаб айлайди мудом бизга санам,
Чох қаърига етдим, бироқ йўқ арқон.

893

Тун дер: «Май ичар қим – унга дўстман бегумон,
Қимнинг жигари қуйган эса мен унга қон.
Ишқ ичра насиба топмаган тоифага
Жонини олувчи Азроилман беомон».

894

Кўйингда, эй эҳсон қони, бошимни берай,
Сархушман мен бугун сендан-да, нетай?
Сўзимга ишонмасанг, ичай сенга қасам,
Нега ичаман қасамни турганида май?!

895

Эй, мунча рубобдек захми ғам етказасан?
 Доира каби зарби ситам етказасан?
 Дединг: «Қучоғингда чанг каби нола қилай»
 Найманми сенга, пуфлаб дам етказасан?

896

Мен энди сенинг кўйингдан кетгайман,
 Сен ўйлама, чорлаб фарёд этгайман.
 Йўк, йўк, кетавер, мен биламан феълингни,
 Бу шунчаки суратим – енг силкитгайман.

897

Мен очману, аммо тўқликдан хуррам,
 Тулкиману шердек ному номус ҳамдам.
 Нафсимни тасаввур айламоқ ҳам даҳшат,
 Мардлигим эмас аммо нафсимдан кам.

898

Зулфингга агарда интиларман ҳар он,
 Худо ҳақи, бу ҳақиқат, эмас ёлғон.
 Зулфингнинг учида кўрдиму кўнглимни,
 Қилдим у билан ишқибозлик чандон.

899

Сендан сени истарман мен ҳар они,
 Ишқингдан туздим ишқ дастурхони.

222

Туш кўрган эдим кеча, эсимдан чиқди,
 Маст ухлаган эдим – бу шунинг нуқсони.

900

Сеҳр этди биров – ўраламан мисли илон,
 Кетдим чувалиб ёр зулфидек бегумон.
 Мен-ку бу чигаллик сирини билмасман,
 Лекин бу чигалликсиз ҳеч кимман, аён.

901

Мен шошиламан дўст висолин кўзлай,
 Умр ўтди ғафлатда бўзлай-бўзлай.
 Эвоҳки, дўст висолини топмок учун
 Бу ўтган умримни қаердай излай?!

902

Эй наргиси серуйқу, килдинг бедор,
 Эй лолаи сероб, мени қақшатдинг зор,
 Эй сунбули ҳалқа-ҳалқа, домсан маккор,
 Эй гавҳари ноёб, бўларсанми ёр?!

903

Ошиқ ҳуши қаерда? Елдан нарида,
 Оқил ҳуши қаерда? Дунё зариди.
 Гуллар жойи қаерда? Жаннат тўрида,
 Ўтин жойи қаерда? Дўзах қаърида.

904

Мен рози эмасман ҳаётимдан асло,
 Бахтимни топмадим кўйингда зеро.
 Қуёнга ҳушим йўқ, тутмасман оху,
 Шер ошиғию толибиман ҳар асно.

905

Бор жонворларга жондан ўзга бир жон,
 Бор нонхўрларга нондан ўзга бир нон.
 Дунёга не яхшилиқни фарз этсанг агар,
 Жонондан ўзгаси бадалдир ҳар он.

906

Мен ўлсам агарда осилиб дорингдан,
 Қилмасман оху нола озорингдан.
 Ғамзанг қиличи агарда тўкса коним,
 Хандон ўламан гул каби дийдорингдан.

907

Ёр боғи сари бир сафаринг лозимдир,
 Гул чехрасига бир назаринг лозимдир.
 Элтдинг беҳабарлик чоғи тўп майдондан,
 Энди бу ишингдан хабаринг лозимдир.

908

Ҳар кеча менинг-ла ҳамнишин тушмишсан,
 Ой нури каби келиб замин тушмишсан.

224

Уйкуга тўла хумор кўзинг бандасиман,
Сезган каби кўнглим, инчунин тушмишсан.

909

Эй бахт ўти, излаб дунё кетдинг,
Эй оби ҳаёт, кўзлаб дарё кетдинг.
Бедилман деб айтар эдим мен сенга,
Бедилман энди ташлаб то кетдинг.

910

Эй гул шохи, нега сабодан хафасан?
Гулсан-ку, нега ҳукми қазодан хафасан?
Пардоз беради асли сабо гулга, ахир,
Сен сўйла, наҳот, лутфи Худодан хафасан?

911

Гар кўзи ғилай, дилбари раънога нима?!
Бадном бўлса, ошики шайдога нима?!
Кимнинг оёғи оксаса бу ишк йўлида,
Тез йўлни босиб ўтувчи ошнога нима?!

912

Кеча мени ташлаб, яхши ухладинг-ей,
Бу кеча кучоғимда кўп уфладинг-ей.
Бирга бўламиз деб то киёматга қадар
Мастликда ўзинг, ҳолбуки, айтган эдинг-ей!

913

Мен ошиқман, сен эса тенгсиз дилдор,
 Ҳар битта сўзимни олма оғир зинҳор.
 Ё олган эдинг дилимни, кайтар ортга.
 Ё кўтар ошиғинг нима қилса, эй ёр!

914

«Ҳар дилдордан истама бўса зинҳор,
 Бир йўла ўзимдан ол уни», – дер дилдор.
 Мен зар берайинми десам, асло унамас,
 «Жоним берайин?» – десам, «Ҳа!» – дер у маккор.

915

Мен май ичсам қилиб ёмонлик ошкор,
 Эй хожа, жўна, сен оқил ҳам хушёр.
 Тақвою ибодатингга кибр этма жуда,
 Ҳақ розилигини пулга чакма зинҳор.

916

Гар яхши эмас, яхшипарастман, аммо,
 Гарчи май эмасман, майпарастман, аммо.
 Гар аҳли муножотдан эмасман, бу – раво,
 Мен аҳли хароботга пайвастанман, аммо.

917

Оғзинг очмай, мунча кулиб, шод бўласан?
 Гулга ўхшаб, ўз-ўзингдан куласан.

226

Жондан туғилган ишқ бир ўзгачадир,
Ўз риштасига уни банди қиласан.

918

Осмон сари интилсанг, осмон бўласан,
Мард аҳли билан бўл – ориф инсон бўласан,
Кон ёнида юрсанг, лаълу маржон бўласан,
Ёр теграсида юрсанг, ўзинг кон бўласан.

919

Тун зулматида ойга чодир қурдинг,
Ақл ухлар эди – сен юзига сув урдинг.
Кўксини фироқ шамшири билан яралаб,
Ваъдани бериб, хаммани алдаб юрдинг.

920

Ул водийдан агарда йўқ ному нишон,
Бок, канча умид умидсизликда ниҳон.
Эй дил, умидинг узмаки, жон боғи аро
Хурмо оласан ҳатто толдан бегумон.

921

Дедим: «Сирка эмассану мунча заҳар?»
Дер: «Душманга яқинлигим қилди асар».
Дедим: «Суву ёғдек бўламан мен ҳам, бас!»
Кулди: «Жўна, феълинг ўзгарувчан бу қадар?!»

922

Эй мисли баланд байроқсан сахрода,
 Эй мисли қизил шаккарсан ҳалвода,
 Хавфим ёмон зоту ёмон феълингдан,
 Ёниб-куясан сен ўзга бир савдода.

923

Сен баргу мен ел – титрамай не қиласан?
 Амримни бажармасдан, ҳай, не қиласан?
 Тош урдиму, кўзангни сени синдирдим,
 Юз денгизу дурга арзимамай не қиласан?

924

Эй сенки, мени асири юз дом қиласан,
 Кет дейсану тунда, яна пайғом қиласан,
 Мен кетсам агар, ким билан ором қиласан?
 Чорлаб кимни ўрнимга, ҳамном қиласан?

925

Паст бўлгайми, кимни баланд этсанг Ўзинг?
 Шодон ҳар бир жой дардманд этсанг Ўзинг.
 Юксак шу фалак ҳам ўпади юз марта
 Ҳар куни у оёқни, банд этсанг Ўзинг.

926

Кўп куттириб ошиқларинг, эй хур, келасан,
 Минг кибру ҳаво билан дилгир келасан,

228

Гох оху каби, гох мисли шер келасан,
 Гох ғамхўру гох қўлингда шамшир келасан.

927

Ким бўса тиласа, лабига лаб тутасан,
 Бизга гал келса, жонни нарх этасан.
 Айбин сўрамай афв этасан барчанингу,
 Менинг айбим зиёда айлаб кетасан.

928

Эй тонг ели, ёр кўйидан ўтсанг, бу зор —
 Ҳолини, агар сўраса, айла изҳор.
 Лекин меҳри қолмаган эса дилда,
 Кўрдим, дея, ошиғинг, сўз очма зинҳор.

929

Нокаслар ила агар кадрдон бўласан,
 Менга не зиён? Ўзинг пушаймон бўласан.
 Бўлсанг-да агар жумла жаҳонга маҳбуб,
 Бу кўпга чўзилмас — бир майдон бўласан.

930

Бўлдим бир умр севимли ёр муштоки,
 Бўлсин бу таровату бу поклик бокий!
 Мутриб ўзи бўлмаса, чапак чалмайман,
 Май ичмасман, бўлмаса ўзи сокий!

931

Бахтимни менинг қора этарсан мунча?
 Мендан этагинг чекиб кетарсан мунча?
 Мен тортаману дардинг, сен – беларво,
 Душман сари хуш-хуррам етарсан мунча?!

932

Эй дил, дилдор висолига етган дам,
 Ўл дардидану шикоят этма ҳеч ҳам.
 Кўрсатса қуёш чунки юзин, одат шу,
 Шам ўчмас ўзи, ўчирашлар ҳар дам.

933

Ошиқ дили шам каби қуяр шому сахар,
 Ёр ҳажридан чоқу тикиш қилмас асар.
 Эй сабру қаноату қуйишдан беҳабар,
 Ишқ илмини ўрганмаслар – ўзи келар.

934

Ҳар дам қошингга даъват этгайсан,
 Ҳолим сўрмай, ўзинг англаб етгайсан.
 Сен сарви равонсану сўзим мисли шамол,
 Мен сўзлайман, сен бош тебратгайсан.

935

Эй дўст, эканинг ҳаққи ҳар жонга жон,
 Ўқи хатим етса сенга топиб имкон.

230

Йиртиб отма хатимни бўлиб ҳайрон,
Бу хаста дил аҳволин биларсан ҳар он.

936

Дин расмида зардушт аксини кўрасан,
Лекин бу ишинг яширасан гар сўрасанг.
Кўрсатса кўзгу ярамас туркингни,
Девона бўлиб, кўзгуга мушт урасан.

937

Ишқингда кўзимдан жуда кўп тўқдим қон,
Кўп чекди фиғон ғамдан жисм ичра жон.
Ҳолимдан эмассан огоҳ, эй жони жаҳон,
Қилди мени сен туфайли бу чарх яқсон.

938

Гар сен газагу кабоб билан ичсанг май,
Уйқунгда ичиб сув чиқасан пайдарпай.
Ётсанг-да сув ичра, уйғонарсан чанқаб,
Беҳуда тушингда ичганинг сув тинмай.

939

Бу шох мевани қатор қилгай бир кун,
Бу қуп майли шикор қилгай бир кун.
Ошиқ келару кетар – хаёли сенда,
Ҳатто ўша ҳам қарор қилгай бир кун.

940

Бир куни вужудимни қилар кул хижрон,
 Бир куни яна бағишлагай ишрат жон.
 Афсуски, пешонамга азалдан тақдир
 Бир кун уни, бир кун буни этган фармон.

941

Дерлар: «Ёринг кўп макру хийла этар».
 Дедим: «Менга етказинг факат яхши хабар».
 Дерларки: «Гўзал юзи ғазабли шу қадар».
 Дедим: «Кўтарарми шунча тухматни шакар?!»

942

Хушёр бўл, девлар кезар атрофда мудом,
 Дона сепару гўллар учун, кўяди дом.
 Ибрат олибон аҳмоқлар ахволидан,
 Дил этагидан тутганига шод дилором!

943

Май ичмасман гул юзингсиз бир дам,
 Сен қўлламасанг, отмасман мухрани ҳам.
 Рақс айлагали амр этасан четда туриб,
 Рақс этмасман тўсмай парданг маҳкам.

944

Сен бўлмас эсанг, ҳаром тириклик, эй ёр,
 Қандай этади давом тириклик, эй ёр?!

232

Айру яшамок гўзал юзингдан, санамо,
Ўлимдиру унга ном тириклик, эй ёр?!

945

Эй, васлингга оч бу жаҳон тўқлари ҳам,
Титрар ҳажрингдан довюраклар-да бирам.
Шарманда кўзинг олдида охулару бок,
Зулфингга асир хаттоки шерлар чинакам.

946

Эй хожа, ғурур сенга бўлибди ҳамроҳ,
Кўнглингда мудом боғу роғу хирмангоҳ.
Биз олами тажриднинг¹ ошуфтасимиз,
Бизнинг ғамимиз «ло илоҳа иллаллоҳ»².

947

Илм ичра етуклигига бокма ҳеч ҳам,
Бок аҳду вафо ичра нечукдир одам.
Берган сўзининг устидан чикса ҳар дам,
Ҳар қанча уни таъриф этсанг ҳам кам³.

948

Маҳшар куни зўр савол-жавоб бўлгаймиш,
Ёрнинг иши таънаю итоб бўлгаймиш.

¹ *Тажрид* – ёлғизланиш, дунёни кўнгилдан чиқариш, Аллоҳ билан танҳоликда бўлиш.

² Бу рубой Абусайд Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

³ Бу рубой Умар Хайёмга ҳам нисбат берилади.

Ёрнинг кўлидан гарчи ёмонлик келмас,
Диллардаги кўркув беҳисоб бўлгаймиш¹.

949

Бизнинг сафимизга киру, асло чўчима,
Ёр эшиги гарди бўлу, аммо чўчима.
Кўзғолса-да касдингга агар жумла жаҳон,
Ҳеч нарсага сен қилма-ю парво, чўчима².

950

Дўст оғиз-бурун ўпишса душман-ла чунон,
Тарк эт бу каби мунофик улфатни шу он.
Омухта эса захар, шакардан воз кеч,
Қоч патшадан остида агар бўлса илон³.

951

Ўлтирсанг биров билану дил бўлмаса жам,
Бир дам сени тарк айламаса ташвишу ғам,
Бундай кишининг суҳбатидан коч, йўкса,
Афв этмас азизлар руҳи сени сира ҳам⁴.

¹ Бу рубой Абусаид Абулхайр ва Умар Хайёмларга ҳам нисбат берилади.

² Бу рубой Абусаид Абулхайр, Абдуллоҳ Ансорий, Абдулхолик Ғиждувоний ва Муҳаммад Насавийларга ҳам нисбат берилади.

³ Бу рубой Абу Али ибн Синога ҳам нисбат берилади.

⁴ Бу рубой Хожа Али Ромитанийга ҳам нисбат берилади.

952

Ул дўст висол эшигини бизга ёпар,
 Ҳар лахза фирок оташида дилни ёкар.
 Бас, мен-да шу кўнглимни синик тутгайман,
 Дўст чунки мудом кўнгли синиқларга боқар¹.

953

Бу ҳийла, дединг, йиғласам ишқингда зор,
 Гар ҳийла эса, нечун кўзим конли, ёр?
 Сен ўз юрагингга менгзама ҳар дилни,
 Йўк, йўк, санамо, диллар ичинда фарк бор!²

954

Кимнинг бу жаҳонда бор яримта нони
 Ҳам ўзига лойиқ бир уйи – ошёни,
 У толиб эмас бировга, матлуб-да эмас,
 Айтинг: яшасин шод ўша – хуш даврони³.

955

Одам хоки ишқ шабнамидан гил бўлди,
 Юз фитна-фиғон жаҳонда хосил бўлди.
 Юз ишқ тиғини урдилар жон томирига,
 Бир томчи томиб ундан, оти дил бўлди⁴.

¹ Бу рубоий Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

² Бу рубоий Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

³ Бу рубоий Умар Хайёмга ҳам нисбат берилади.

⁴ Бу рубоий Абусаид Абулхайр ва Мажиддин Бағлодийларга ҳам нисбат берилади.

956

Ҳақ йўлига ҳар лаҳза саъй этмак лозим,
 Дунёдан этак тортмагу кетмак лозим.
 Дийдангни давола, зеро, олам ҳама – Ул,
 Кўрмак Уни – асрорига етмак лозим¹.

957

Дўзахда агар зулфини қўлда тутаман,
 Жаннат аҳлининг ҳолидан ор этаман!
 Ёрсиз мени жаннатга қилишса таклиф,
 Жаннатни бошимга ураманми – нетаман?!²

958

Ишк кўйида ёмонни мудом сўймаслар,
 Ориғу хунукларни тамом сўймаслар.
 Содик ошик бўлсанг, ўлимдан қочма,
 Ҳар нарса агар бўлса ҳаром сўймаслар³.

959

Дерлар менга жаннатда малак шай бўлади,
 Дарё-дарё суту асал, май бўлади.
 Севсак маю маъшукни гуноҳ бўлмас экан,
 Чунки барибир охири шундай бўлади!⁴

¹ Бу рубойи Нажмиддин Кубро ва Авҳадиддин Кирмонийларга ҳам нисбат берилади.

² Бу рубойи Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

³ Бу рубойи Ҳоконий Ширвоний ва Шайх Имодиддинларга ҳам нисбат берилади.

⁴ Бу рубойи Умар Хайём ва Ҳофиз Шерозийларга ҳам нисбат берилади.

960

Сув кетди тагига умр вайронасининг,
Тўлмок ғами босди умр паймонасининг.
Эй хожа, кўзингни оч, замон ҳаммоли
Рахтини кўпормоқда умр хонасининг...¹

961

Имон ипига тизмай ибодат дурини,
Кун-кундан оширсам-да гуноҳнинг турини,
Лутфингдан умидимни сира узмасман,
Икки демадим, чунки тажаллий нуруни².

962

То кўрдим-у гул юзингни, эй шамъи Тироз³,
На иш қиламан, на рўза бору, на намоз.
Сен бирла мажозим-да менинг жумла намоз,
Сенсиз-чи, намозим-да менинг жумла мажоз⁴.

963

Зулму ситами ўтар – жаҳондан чўчима,
Ўтар – ғами ошкору ниҳондан чўчима.
Шод ўтказ нақд умрингнинг ҳар дамини,
Ўтган ўтди, келар замондан чўчима⁵.

¹ Бу рубойи Ҳофиз Шерозийга ҳам нисбат берилади.

² Бу рубойи Умар Хайёмга ҳам нисбат берилади.

³ *Шамъи Тироз* – Тироз гўзали. *Тироз* – ҳозирги Жамбул ўрнида бўлган қадимий шаҳар.

⁴ Бу рубойи Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

⁵ Бу рубойи Умар Хайёмга ҳам нисбат берилади.

964

Кўнглимдаги бор майлу таманно сенсан,
 Бошимдаги бор оғриғу савдо сенсан.
 Ҳар қанча ҳаётга бокмайин, кўргайман:
 Сенсан бугуну, эрга-да танҳо сенсан!¹

965

Майдон кенг-у, аммо марди майдон йўқдир,
 Мард ахлида ҳозир шавкату шон йўқдир.
 Зоҳирлари гарчи авлиёга ўхшаш,
 Ботинларида заррача имон йўқдир².

966

Эй дил, бу қадар муфлис³ экансан, расво,
 Сен лойиғи тоза ишқ эмассан асло.
 Шиддатли алангадир бу ишқ – эрмас сув,
 Ул ишқ ила булҳавас⁴ бўлломмас ошно⁵.

967

Эй, нусхасисан илоҳий номани Ўзинг,
 Ҳақ ҳуснининг ойинасидир нурли юзинг.

¹ Бу рубой Абусаид Абулхайр, Абдуллоҳ Ансорий ва Авҳадиддин Кирмонийларга ҳам нисбат берилади.

² Бу рубой Абусаид Абулхайр ва Авҳадиддин Кирмонийларга ҳам нисбат берилади.

³ *Муфлис* – камбағал, қашшок, бечора.

⁴ *Булҳавас* – ҳавасга берилган, енгилтак, беқарор.

⁵ Бу рубой Нажмиддин Кубро ва Авҳадиддин Кирмонийларга ҳам нисбат берилади.

Йўқ ҳеч не жаҳонда сандан тапқарида,
 Ҳар не тиласанг, ўзингдадир – кўрса кўзинг¹.

968

Келгил яна, то сидку ниёзим кўргил,
 Бедор кечалардаги намозим кўргил.
 Девона эмасман-у, фироғинг солди
 Шу кўйга мени, эй сарвинозим, кўргил...²

969

Мен ичган майнинг жон паймонасидир,
 Маст этган ёрнинг ақл девонасидир.
 Дилга ўт уриб, кўкка оҳим етказган
 Ул ҳусни шамининг офтоб парвонасидир³.

970

Бир дам сени кўрмасам, қарорим йўқдир,
 Лутфу карамингдан сира зорим йўқдир.
 Айланса-да ҳар туки танимнинг тилга,
 Шукринг адо этгали мадорим йўқдир⁴.

¹ Бу рубойи Мажиддин Бағдодий, Нажмиддин Розий ва Азизиддин Насафийларга ҳам нисбат берилади.

² Бу рубойи Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилади.

³ Бу рубойи Абусаид Абулхайр ва Хожа Али Ромитанийларга ҳам нисбат берилади.

⁴ Бу рубойи Абулқосим Бишр Ёсин, Абусаид Абулхайр, Абдуллоҳ Ансорий ва Фаридиддин Атторларга ҳам нисбат берилади.

971

Ишк сўзин азалдан кулоғимга илдим,
 Жону дилу кўзни ғам тиғида тилдим.
 Ошиғу маъшукни икки деб ўйлар эдим,
 Ул иккиси бир экан – ўзимдан билдим¹.

972

Улкан бир денгиз бўлса зот менга,
 Равшан бўлгай жамоли заррот менга.
 Шамдек куйишимнинг сабаби ишк ичра,
 Бўлгай фурсат туйғуси ёт менга.

973

Соқий тутса шароби алвон, не қилай?
 Ҳам бўса талаб айласа жонон, не қилай?
 Восил бўлди бугун висол иқболи,
 Эрта ғамини энди чекиб жон, не қилай?

974

Сен зоҳид эдинг, таронагўй қилдим мен,
 Гўё лол эдинг, афсонагўй қилдим мен.
 На ном, на нипон бор эди бу оламдан,
 Бердиму нишон, нишонагўй қилдим мен.

975

Мен ишк баҳона танидим сени, ёр,
 Отдим бахтим тошини сен деб зинҳор.

¹ Бу рубоий Абусаид Абулхайрга ҳам нисбат берилди.

Сайр айла хиромон кўнглим боғида маст,
Бу уйни ясатдим сени деб бетакрор.

976

Юзингни кўриб, бадр¹ шу деб ўйлайман,
Сен кайда эсанг, садр² шу деб ўйлайман.
Кўрсам сени кай тун, эй ҳайитлар безаги,
Умримда менга Қадр³ шу деб ўйлайман.

977

Шоирману емадим бу касбимдан нон,
Фазлимдан уриб лоф, емадим ғам ҳеч он.
Май тўла қадах мисоли фазлу хунарим,
Ичмасман уни тутмаса аммо жонон.

978

Тун ўтди-ю, аммо ҳали хуммормиз биз,
Ҳам булбулу ҳам мажлису гулзормиз биз,
Ҳам ошиғу ҳам бедилу дилдормиз биз,
Даврингда сенинг ҳамиша саркормиз биз.

¹ *Бадр* – тўлин ой, ўн тўрт кунлик ой.

² *Садр* – бошлик.

³ *Қадр* – Лайлат ул-қадр: рамазон ойнинг 26-дан 27-га ўтар кечаси. Қуръони карим шу кечада нозил этила бошлаган. Бу кечада фаришталар ерга тушиб, мусулмонларнинг гуноҳлари кечирилишини сўраб, Аллоҳга илтижо қилар эканлар. Шунинг учун бу кечада қилинадиган дуо-илтижолар дарҳол ижобат бўлар эмиш.

979

Тун дер: «Май ичувчилар учун мен калкон,
 Куйган жигар эгаларига дармон.
 Ишк ичра насиба топмаганга аммо,
 Мен мисоли Азроилман бегумон».

980

Кўнглимни берарман, яна жондан кечаман,
 Жон ўйнаб, ҳар икки жаҳондан кечаман.
 Мақсад нима – мен тушунмадим феълингни,
 Сўйла, сени деб ҳамма томондан кечаман.

981

Гар ой бўлсанг, самога боққайман кам,
 Гар бахт бўлсанг, қошингга бормасман ҳам.
 Янчиб ташла илон каби бошимни,
 Бундан кейин яна кўйингдан ўтсам.

982

Сотиб оламан десанг, йўлингда-ку мен,
 Ўлдиргали мунча шошма, кўлингда-ку мен.
 Дедингки: «Худонинг ери кўп кенгдир, кенг»,
 Эй жон, кетай қаёнга – кўлингда-ку мен?

983

Сабринг тўнини йиртамиз сабр этсанг агар,
 Кўзингни очармиз уйкуга кетсанг агар.

242

Тоғ бўлсанг агарда эритармиз ўтда,
Сувинг куритармиз чўлга етсанг агар.

984

Ранж етса агарда ёрдан, бахт биламан,
Солса мени бандига, уни рахт¹ биламан.
Ҳар қанчаки ноз қилса-да, қайтиб келади,
Нозига чидашни шундан тахт биламан.

985

Дедим: «Дилу жонни харидоринг қилдим,
Кўлимда нима бўлса, нисоринг қилдим».
У деди: «Бу ишлар сенинг измингда эмас,
Мен аслида сени беқароринг қилдим».

986

Сендан дил узай десам, кўлимдан келмас,
Жон менга ғаминг, қасам, кўлимдан келмас.
Бошимни олиб кетай, дедим, дастингдан,
Ҳар қанчаки мард эсам, кўлимдан келмас.

987

Ганжинаи асрори илоҳий бизмиз,
Чексиз дуру гавҳар кони – чоҳи бизмиз,
Осмону замин пушту паноҳи бизмиз,
Ҳар икки жаҳоннинг подшоҳи бизмиз.

¹ *Рахт* – бу ерда: сафар анжоми.

988

Дейсанки: «Таним гарчи узок, кўнглим ёр».
 Сен ўйлама менда дил бор деб зинҳор.
 Бир куни хаёлинг суратини кўрсанг,
 Фарёд қиларсан: «Мен ўзимдан безор!»

989

Биз ўзни худа-беҳуда лоҳас қилдик,
 Ул бевафо ёр севгисини бас қилдик,
 Мурдор нима бўлса, кути каркас¹ қилдик,
 Қиблангда охир намозни, хуллас, қилдик.

990

Бермасмиз ошиғимиз ғанимга зинҳор,
 Биз ҳам шаҳиду ҳам қотил, ҳам айёр,
 Миршабга тутиб бер бизни деб ғаддор.
 Сен учма фирибимизга, биз кўп маккор.

991

То меҳру муҳаббатинг экан дилга ёр,
 Бас, ўзга гўзалларга қараш йўқ зинҳор.
 Ишқ оташидан учган ҳар шуълаки бор,
 Бизни ёқади ҳамиша такрор-такрор.

992

Биз ошиғи шўх кўзлари мастингдирмиз
 Ҳам банди зулфи бутпарастингдирмиз.

¹ Каркас – ўлимтик билан кун кўрувчи йиртқич куш.

Шу иккиси бўлмаса, дининг маҳкам эмиш,
Дин бизга шудир агар шикастингдирмиз.

993

Ўлдим ғами ишқингда, нафас қил бир дам,
Шу бир нафасинг ичра абад умри жам.
Дединг: «Сенга васл ичра бўларман ҳамдам».
Ҳамдам бўласан агар қаерда бўлсам?!

994

Кексайдимۇ бунга боис эмас айём,
Золим санамим қаритди бермай ҳеч ком,
Ҳар лаҳзада бўлдим пухта, бўлдим хом,
Ҳар бир қадамимда дона бўлдим, ҳам дом.

995

Юзингга мен ошиғу хуморман, не қилай?
Кўзинг қошида шармисорман, не қилай?
Ҳар лаҳза уриб ох, бемадорман, не қилай?
Ўзини унутган беқарорман, не қилай?

996

Йўқ сен каби бу жаҳонда жонон, не қилай?
Дил дардига топилмаса дармон, не қилай?
Дейсан: «Бу қадар чарх каби чарх урасан?»
Ишқинг қилса шу хилда сарсон, не қилай?

997

Мен коидаи дарду давони бузаман,
 Мен коидаи меҳру жафони бузаман.
 Мен сидк ила тавбалар қилардим, биласан,
 Энди, кара, бор тавба-дуони бузаман.

998

Мен соҳиби мулки ломакони¹ бўлдим,
 Мен орифи ганжу зар кони бўлдим.
 Дил гавҳари тан сидки билан куйгайдир,
 Жон оламида баҳри маоний² бўлдим.

999

Мен меҳрингни юксак ҳар чоғ қўяман,
 Ранжу ситамингдан дилга доғ қўяман.
 Қайга кадаминг етса бу дунёда,
 Тўтиё кўзимга ўша тупрок, қўяман.

1000

Сен ўйлама, кўнглим ортиқ чекмас ғам,
 Сенсиз яшамокка ўрганиб колди ҳам.
 Шодлик нима билмай ўтайин дунёдан,
 Бир лаҳза агар ғаминг унутган бўлсам!

¹ *Ломакон* – маконсиз. Тасаввуфда ваҳдат олами бўлиб, у зуҳур этадиган жой ирфон соҳибларининг соф кўнгилларидир.

² *Баҳри маоний* – маънолар денгизи.

1001

Доира дегай: «Юзимга ур кайтармай,
Урган сари мен бир ўзга сўз айтарман.
Ошиқману ишқ аҳли каби хушфеълман,
Раҳм этмоқ эсанг, ур аямай беармон!»

1002

Бир бор қабул айла яна бандалигим,
Таън этма заифлигу парокандалигим.
Қилсам яна бир бор амрингга зид иш,
Кечирма сира гуноҳу шармандалигим.

Румий, Жалолиддин

Р-88 **Муҳаббат маъвоси [Матн]/Ж. Румий, таржимон, сўзбоши ва изохлар муаллифи: Эргаш Очилов. – Тошкент: O‘zbekiston, 2013. – 248 б. – (Жаҳон шеърояти дурдоналари).**

ISBN 978-9943-01-936-2

УЎК: 821.512.133-1

КБК 84 (5)1

Адабий-бадиий нашр

ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ

Жалолиддин РУМИЙ

МУҲАББАТ МАЪВОСИ

Муҳаррир А. Зиядов

Бадиий муҳаррир Р. Зуфаров

Техник муҳаррир Т. Харитоновна

Мусахҳих С. Салоҳутдинова

Кичик муҳаррир Д. Холматова

Компьютерда тайёрловчи Л. Абкеримова

Нашриёт лицензияси А1 № 158, 14.08.09.

Босишга 2013 йил 5 апрелда рухсат этилди. Офсет қоғози.

Бичими 70x90^{1/32}. «Times» гарнитурасида офсет усулда босилди. Шартли босма табағи 9,07. Нашр табағи 8,14.

Адади 3000 нусха. Буюртма № 13-159.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O‘zbekiston»
нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz www.iptd-uzbekistan.uz